



Х.ЮНУСОВА

**ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ
МИЛЛИЙ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Х.ЮНУСОВА

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ
МИЛЛИЙ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ
(XX аср 80 – йиллари мисолида)

Тошкент
«ZAR QALAM»
2005

Мазкур монографияда совет давлатининг сўнгги ўн йиллигидаги миллий сиёсат Ўзбекистон мисолида ёритиб берилган. Ўрганилаётган ўн йиллик бошқа йиллардан тубдан фарқ қилади. Бу даврда партия якка ҳокимлигини мустаҳкамлаш, совет давлатини сақлаб қолиш мақсадида олиб борилган сиёсий «ўйинлар» ва унинг оқибатларида иттифоқдош республикаларда миллий мустақиллик учун замин ҳозирланди. Монографияда Ўзбекистондаги ижтимоий – иқтисодий, сиёсий, маданий – маърифий ҳаёт, собиқ коммунистик партиянинг Ўзбекистондаги кадрлар сиёсатиغا салбий таъсири, қатағонлар, 80 – йилларда юзага келган миллатлараро муносабатлардаги кескин вазият ва унинг оқибатларига тегишли маълумот ва ҳужжатлар асосида таҳлил ҳамда хулоса берилади.

Масъул муҳаррир:

Р.Ҳ.Муртазаева

тарих фанлар доктори,
профессор

Тақризчилар: с.ф.д.проф. Н.Жўраев,
т.ф.д. Р.Абдуллаев



КИРИШ

Ўзбекистон мустақиллигининг қўлга киритилиши республиканинг ўз ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий – ҳуқуқий тараққиёт йўлини танлаб олишига, ўзининг қатъий йўлига эга бўлишига катта шароитлар яратди. Инсонпарварлик ғояларига содиқлик, ҳурфикрлик, виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш ва ижтимоий адолат тамойилларини рўёбга чиқариш Ўзбекистон танлаган йўлининг асосий позициясини ташкил этди. Айни пайтда миллий ғоя ва миллий мафкурага тамал тошини қўйиш, Ватан тарихини ўрганиш ва уни мустақил тараққиёт йўлига олиб чиқиш давлат сиёсати даражасида муҳим аҳамият касб этади. «Умуман, мен фанни илғор, тараққиёт, прогресс деган сўзлар билан ёнма – ён қабул қиламан, – дейди Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов, – Фаннинг вазифаси келажакимизнинг шакли – шамоилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат, деб тушунаман»¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1998 йил 26 июнда республика тарихчи олимлари билан бўлган учрашувида тарихий ҳақиқатни тиклаш бу мўлжалланган мақсадларга эришувдаги муҳим йўл сифатида кўрсатиб берилди. Тарихчи олимлар зиммасига қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда Ватан тарихининг оғир мустамлакачилик ўтмиши билан боғланган даврини чуқур, холис ўрганиш, шубҳасиз муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда Президент И.А.Каримовнинг 1999 йил 12 майдаги фармойишига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори айнан юқоридаги фикрларнинг тасдиғини ўзида мужассам этди.

Ўзбекистон тарихининг деярли ўрганилмаган долзарб муаммоларидан бири бу – собиқ совет давлатининг сўнгги ўн йиллик ҳукмронлик мuddатида (1980) Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий – иқтисодий, сиёсий – маданий ҳаёти билан боғлиқ бўлган давридир.

¹ И.А.Каримов Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: Шарқ, 1998. 25 – бет.

Маълумки, XX асрнинг 80-йиллари рўй берган улкан сиёсий воқеалар жаҳон тараққиётини кескин ўзгартириб юборди, қарама-қаршиликка, синфий зиддиятга, ўзаро камситишларга ва зўравонликка асосланган, бесамар «социалистик тараққиёт» йўлини маҳкам ушлаган, дунёнинг олтидан бир қисмида умумбашарий ғояларни рад этиб, фақат куч ишлатиш ва халқларни қарамликда сақлаб туриш йўлини амалга ошириб келган йирик ва сўнгги империялардан бири бўлган СССРнинг парчаланиб кетиши дунёда янгича сиёсий, ижтимоий, маънавий қиёфа касб этди. Мустамлакачиликнинг совет услубига асосланган мустабид империя ўрнида умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик ва демократияни тараққиётининг асосий йўналиши қилиб олган мустақил давлатлар пайдо бўлди. Янги пайдо бўлган МДХ давлатлари ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий тараққиётининг янги босқичига қадам қўйдилар. Ўзбекистон Республикасининг қарамлик асоратидан қутилиб, давлат мустақиллигини қўлга киритганлиги халқимиз тақдирида буюк ўзгаришлар ясади.

Демократик тамойил қоидаларига асосланган, миллати, ирқи, ижтимоий аҳволи, дини, тили, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини характерлайдиган Ўзбекистон Республикаси келажак тараққиёти ҳақида Президент И.А.Каримов шундай дея таъкидлаган эди: «Халқи юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритиб, гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринни эгаллаши-биз кузлаётган олий мақсаддир».¹

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиб, ўз тараққиёт йўлидан оғишмай бораётгани, кишилар ҳаёти ва турмуш тарзида, онги ва шууридаги ўсиш ва ўзгаришларни кўриб, бундай кунларга осонликча етишмаганлигимизни биламиз. Ўзбек халқи ўзлигини англаб, жаҳондаги ҳеч бир халқдан кам эмаслигини, ўзининг бунёдкорлиги, яратувчанлиги, истеъдоди ва тафаккури билан исботламоқда. Зероки, Президентимиз айтганидек, «Ўзликни англаш

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: - Ўзбекистон, 1996. 49-бет.

тарихни билишдан бошланади»¹. Мустақиллик арафасида жамиятда рўй берган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий — маънавий аҳвол, миллатлараро муносабатлардаги салбий ҳолат миллий қадриятлар ва урф — одатларнинг топталиши, ўзликни ҳимоя қилганларнинг «миллий биқиқликда» айбланиши оқибатида совет жамиятининг инқирозга учраши ва уни тезлаштирган омилларни XX аср 80 — йиллар Ўзбекистон мисолида кўрсатиб бериш — ушбу тадқиқотнинг асосий мақсадидир.

Мазкур давр ўзининг бир қатор хусусиятларига эга бўлиб, марказнинг алоҳида йўналтирилган сиёсати туфайли республикада турли соҳада муаммолар етилиб қолган ва коммунистик мафкуранинг миллий ғурурни камситиш, халқларнинг ўзлигини унутиши учун зўравонлик сиёсати кучайиб кетиши билан характерланар эди. Айниқса, КПСС миллий сиёсатида муаммоларнинг йўқлигини турли сафсаталар билан асослаб берилиши, шу йилларда хориждан берилган таърифларнинг «буржуа миллатчилиги» сифатида талқин қилиниши ҳам совет давлатининг сўнгги ўн йиллигида жуда катта муаммоларни келтириб чиқарди.

XX аср охири XXI аср бошларида тоталитар тузумни инқирозга олиб келган ҳолатлар ҳақида маълум илмий тадқиқот ишлари ҳам юзага келди. Ўтган асрнинг 80 — йилларида рўй берган инқирозли ҳолатлар ва собиқ иттифоқнинг кўпгина халқлари, жумладан ўзбек халқи учун фожиали воқеаларнинг тафсилоти ва баҳоси айниқса Президент И.А.Каримов асарлари ва мақолаларида тўлиқ ўз ифодасини топган. Мазкур илмий тадқиқот ўз олдига собиқ совет империясининг сўнгги даврида рўй берган ана шундай сисилали воқеа ва ҳодисаларни, СССРни сақлаб қолиш учун қилинган баъзи бесамар сиёсий ҳаракатларни тарихий ҳужжатлар, архив маълумотлари асосида ёритиб беришга ҳаракат қилди. Ватан тарихининг мураккаб ва зиддиятли воқеликка бой бўлган XX аср 80 — йилларидаги воқеаларни таҳлил этиш, уларга тегишли, холис баҳо бериш мушкул вазифа бўлиб, ушбу ижтимоий — сиёсий ҳаётни ҳали чуқур илмий таҳлил этиш, тарихий нуқтаи назардан тўғри баҳолашни тақазо этади. Зероки, истиқдол самарасини яққол

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 5 — бет.

тасаввур этиш учун яқин тарихга яна бир бор назар ташлаш лозим.

Тақдим этилаётган мавзуни ёритишда, шубҳасиз, турли фикр, мунозара – мулоҳазалар юзага келиши табиий ҳолдир. Муаллиф ўзи тўплаган ҳужжатлар асосида совет давлати миллий сиёсатининг барча қирраларини очиб беришни эмас, балки шу йиллардаги миллий сиёсат борасидаги айрим масалаларни очишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Муаллиф ушбу давр юзасидан барча қизиқувчиларда юзага келадиган фикр – мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қилади.

1-қисм. Совет давлати миллий сиёсатининг Ўзбекистондаги кўриниши

Миллий истиқлолимизнинг ўзига хос томонларидан бири, бу турли ақидалардан, мафкуравий маҳдудликдан, тарихимиздаги муаммоларни ёритишда бирёқламалиқдан холи бўлган, тарихий, ворисийлик ва узвийлик тамойилларига асосланган ҳолда илмий жиҳатдан тарихимизни таҳлил этиш бугунги кунда ниҳоятда долзарбдир. Совет давлати ҳукмронлигининг сўнгги ўн йиллигида рўй берган энг мураккаб аҳвол, бу — совет давлати миллий сиёсатида юзага келган қалтис вазият бўлди. Аслида 70 йилдан зиёдроқ вақт давомида ҳукмронлик қилган коммунистик тузум даврида миллатлараро муносабатлар борасида адолат, эркинлик, тенгҳуқуқлилиқка асосланган барқарорлик мавжуд бўлмай, маъмурий — буйруқбозлик йўли билан ташкил этилган социалистик республикалар иттифоқи гўё «қум устига қурилган қалъа» каби эди. Шу боис ҳам «коммунизм даврида барча миллатлар қўшилиб кетади» деган сохта шиорни мутлақ ҳақиқатга айлантириб олган сиёсий маъмурият фаолиятида миллатлараро муносабатлар борасида шовинизм руҳи яққол намоён бўлди. «СССРда коммунистик мафкуранинг энг муҳим мақсади, — деган эди И.А.Каримов — аҳолини байналмилаллаштириш ҳамда «марказ»нинг «совет халқи» деган ўзига хос социал бирликни шакллантириш ғоясини амалга ошириш чоғида барча миллий хусусиятлар асосий тўсиқ ҳисоблангани сир эмас эди».¹

Совет давлатида миллий масала узил — кесил ҳал қилинганлиги ҳақида, барча халқлар ихтиёрий равишда ягона тенг ҳуқуқли оилага бирлашгани, миллий маданиятлар ва тиллар ривожини ўзининг «юқори чўққисига кўтарилганлиги» ҳақида бонг уриб келинган бўлса — да, бунинг заминида ҳам пайқаб олиш қийин бўлмаган мураккаб ва зиддиятли мақсадлар ётган эди. «Иттифоқдош» номланмиш республикаларда ишлаб чиқариш кучларини бир томонлама ривожлантириб, уларни марказга қарамлигини кучайтириш, ягона умумиттифоқ халқ хўжалик мажмуига маҳкам боғлаб қўйиш ва республикаларни иқтисодий манфаатлари жиҳатидан бир — бирига бутунлай қарам қилиб қўйиш ана

¹ Каримов, И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998. 472 — бет.

шундай мақсадлардан бири эди. Дарҳақиқат, партия миллий сиёсати фақат мафкуравий мақсадлар йўлидагина эмас, балки марказнинг иқтисодий манфаатлари йўлида ҳам фойдаланганди¹. Совет даврида чоп этилган адабиётларда эса бу ҳаракатлар «умумдавлат манфаатлари республикалар манфаатларининг асосий мазмунини ташкил этади, ҳар бир иттифоқдош республика эса совет ҳамдўстлиги сифатида умумий манфаатларнинг ифодачиси сифатида майдонга чиқади,» деб таърифланар эди.²

Натижада давлат сиёсатида «ягона совет маданияти» тушунчаси пайдо бўлди, уни зўр бериб кишилар онгига сингдириш миллий қадриятлар ўрнига умуммиллий деб аталган сохта ғоя шакллантирилди, оқибатда миллий маданиятлар тақдири масаласига ёндашишнинг ҳам янги мезонлари юзага келди. Миллатларнинг равнақ топиши, уларнинг иқтисодий, ижтимоий – сиёсий, маънавий соҳада ҳам ҳар томонлама яқинлашуви гўёки СССРда тараққиётнинг умумий йўналиши ва моҳиятини белгиловчи қонуният қилиб қўйилди ва бу социалистик миллий муносабатлар ривожланишининг бош йўналиши бўлиши лозим эди. Бу жараёнлар эса «ривожланган социалистик жамият» қуриш билан чамбарчас боғланиб кетган эди. Аслида эса, бундай қардошларча самимий дўстлик, бефараз ўзаро ёрдам, режалар ва ҳаракатлар бирлиги фақат социалистик жамиятга хос бўлган жараён эди. Шубҳасиз, совет даврида халқларнинг ўзаро дўстлиги ва бирдамлиги эътиборга сазовар деб ҳисобланган эди.

Айни пайтда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий тараққиёт жиловларини ўз қўлига олган марказ сиёсатида кам сонли ҳисобланган миллатлар манфаатларига нисбатан эътибор пасайган, давлат сиёсатида «миллатларнинг қўшилиб кетиши» ҳақидаги ғоялар устунлик қилганлиги сабабли кам сонли халқлар, гуруҳлар, иттифоқдош республикалар ҳуқуқларини, манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар аста – секин барҳам топа бошлаганди. Кам сонли ҳисобланган миллатларнинг тили бир, дини бир халқлар билан қўшилиб кетиши режаси «социалистик миллатларнинг гуллаб –

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.Т.: Шарқ, 2000. 408 – бет.

² Қаранг: Халқлар дўстлигининг буюк кучи.Т.: Ўзбекистон. 73 – бет

яшнашига ва бир — бирлари билан яқинлашувига изчиллик билан ҳаракат қилиниши» натижасида сунъий равишда миллатларнинг миллий қадриятларига зимдан ҳужум бошланган, улар ўрнига бирор миллатга тааллуқли бўлмаган ягона, сунъий маданиятни вужудга келтиришга киришилганди. Кишиларнинг янги бирлиги «совет халқи» нинг вужудга келтирилиши эса бу жараёнларнинг муҳим белгиси бўлиб, кишиларнинг янги тарихий бирлиги сифатида «ягона совет халқи» шаклланганлиги партиянинг қатор съездлари, резолюцияларида ҳам белгилаб берилди¹. «Бизда, — деган эди КПСС МҚ Бош котиби Л.И.Брежнев 1974 йил 14 июнда Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари билан бўлган учрашувда — одамларнинг янги тарихий бирлиги совет халқи таркиб топди. Бунинг маъноси шуки, совет кишилари ҳуқуқ атвори, характери, дунёқарашининг социал ва миллий тафовутларга тобе бўлмаган умумий белгилари тобора кўпроқ сақланадиган бўлиб қолди».²

«Коммунистик идеологлар ва сиёсатчилар бу концепцияни илгари сурар эканлар, афтидан, одамларда миллий ўзлигини англаш туйғусининг ўсиш жараёнини атайлаб тажовузкор, сиёсий урғу берилган миллатчилик билан алмаштириб қўйган эдилар»³. Буларнинг оқибати ўлароқ XX асрнинг 80 — йилларда миллий республикаларнинг ҳуқуқлари бутунлай чеклана бошлади.

Совет давлати миллий сиёсати тантанасига бағишланган жуда кўплаб адабиётларда «социалистик ижтимоий муносабатлар мустаҳкамланиб, кишилар бирлигининг янги ижтимоий, байналмилал шакли — совет халқи шаклланганлиги»⁴ баён этиб келинди. Чунончи,

¹ «Совет Ўзбекистони». 1971 йил, 10 апрель.

² қаранг: // Ўзбекистон коммунисти, 1974, №76, 9 — бет.

³ И.А.Каримова Ўзбекистон буюк келажак сари. 472 — бет.

⁴ Арифханова З, Чебогарева В. Решение национального вопроса в Узбекистане — Т.: 1979; Арутюнян Ю.В. и др. Многообразие культурной жизни народов СССР М.:1987; Братство народов и интернациональное воспитание. — Т.: 1974; Гитлин С. Национальная политика КПСС в условиях развитого социализма. — Т.: 1981; Гентшке Л.В, Турсунов Х.Т. и др. Развитие коммунистических организаций в условиях перехода к социализму, минуя капитализм. — Т.: 1985; Дробижина Л. Духовная культура народов СССР. М.:1981; Ишанов А. Роль компартии и советского правительства в создании национальной государственности узбекского народа. Т.: 1978; Саликов Р.А. Копылов И.Я. и др. Национальные процессы в СССР. М.: 1987; Садилов Н. Социально-культурный облик советских наций М.: 1986; Национальная политика КПСС в действии. Т.: 1978; Тен. В. Руководство КПСС процессами сближения наций в условиях развитого социализма. Т.:1981; Холмухамедов М. Дружба народов — могучий ускоритель общественного прогресса. М.: 1972; Халқлар дўстлигининг буюк кучи. Т.: 1974; Э Юсупов, Ц Степанян и др. Развитие конституционных основ советского многонационального государства. Т.: 1985.

З.Х.Орифхорова, В.Г.Чеботареванинг 1979 йилда нашр этилган «Решение национального вопроса в Узбекской ССР» номли йирик монографиясида бундай сунъий ҳолатни асослашга ҳаракат қилинган. Муаллифлар СССР халқлари ўртасидаги тенгсизликнинг амалда тугатилганлиги, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маданий ривожланишини халқлар дўстлиги ишларига боғлаб исботлашга ҳаракат қилганлар, бу муаммога оид кўплаб фактик материаллар ва ҳужжатлардан фойдаланилган бўлсада, лекин мамлакатда амалга оширилган миллий сиёсатнинг ҳақиқий мақсадлари очилмаган¹. Муаллифлар жамоаси томонидан чоп этилган «Халқлар дўстлигининг буюк кучи» номли мақолалар тўпламида ҳам «социалистик жамият қуриш, коммунизмнинг моддий — техника базасини яратишда «ленинча ғоялар» қандай амалга оширилади» ҳақида гап боради².

Айни пайтда мамлакатнинг бундан кейинги тараққиётини белгилаб олиш учун бутун дунёда рўй бераётган илмий — техника ривожидан тўғри хулоса чиқариш, жаҳон ҳамжамиятига дадилроқ кириб бориш, халқ хўжалигини бошқариш усуларини замон талабига мослаштириш ўрнига халқлар дўстлигини тобора мустаҳкамлаш ҳамма ютуқларнинг асоси деб исботлашга уринган ва бу ғояни ўз сиёсатининг бош мақсади қилиб олган тузум сиёсатига қарши бориш ҳам мумкин эмас эди. Жумладан, И.Куличенко, В.Шерстобитов, Э. Баграмов, М.Джунусов, республика олимларидан Р.Саликов, Х.Турсунов, С.Гитлин, Қ.Хоназаров, Э.Юсупов, С.Шермухамедов, А.Валиев ва бошқаларнинг асарларида ҳам ана шу ҳолат яққол кўзга ташланади. Умуман, партия амалга оширган бундай тадбирлар рус бўлмаган халқларнинг миллий ўзлигини, манфаатларини унутишга олиб борувчи йўл эди³.

СССРда амалга оширилган миллий масала мавзуси билан кўпгина хорижлик олимлар ҳам шуғулланиб, уларнинг тадқиқотларида юқоридаги мавзу нисбатан ёритиб берилган⁴.

¹ Орифхорова З, Чеботарева В Решение национального вопроса в Узбекистане. С.24

² Халқлар дўстлигининг буюк кучи. 54 — бет.

³ Саликов Р.А, Юсупов Э. Ю. Национальные отношения в СССР. С.144.

⁴ Zonnert G. Nationalism between Modernisation and Demodernisation. Canadian Review of Studies in Nationalism. Char-lotte-town, 1998, vol. 15, N1/2; Foster C. Political Culture and Regional Ethnic Minorities Journal of Politics. Gainesville, 1982, vol 44; Bracer Hans The Islam and Soviet Union and the Soviet Policy towards the Middle East. East-West Publishing Company Ltd, Nev-York. State University, 1983. Vol VIII N-24; H. Carrere, D'Encansse L'empire eslate: la re'volte'des national en U.R.S.S. Paris: Flammarion, 1979: Olcott

Улар СССРда миллий масала ва миллатлараро муносабатларда йўл қўйилган қўпол хатолар халқларнинг миллий онги ўсиб, ўз маданияти, қадр – қимматини ҳимоя қилишга мажбур этган сабаблардандир, деб кўрсатадилар. Уларнинг фикрича, рус тилини яхшироқ билган қишлоқлардан келган ёшлар армияда хизмат қилган вақтларида ҳам миллий мусулмонлик фазилатларини, қадриятларини чуқурроқ англаб уйларига қайтганлар¹. Чунки бундай ёшлар ҳарбий хизматни ўташ чоғида ўз республикаларига нисбатан миллий камситишнинг актив ва пассив шакллариغا дуч келганлар.

Советшунос олим М.В.Олкотт совет давлати миллий сиёсатининг асосий мақсадлари устида тўхталиб, қуйидаги хулосага келади: “умумсовет маданияти”да рус халқининг ҳал қилувчи ўрни сақланиб қолади; майда миллатлар маълум даражада “миллий маданий автономия”ни сақлаб қолишга муяссар бўдилар, шу билан бирга улар бу борадаги миллий тенгсизликнинг айрим кўринишларига рози бўдилар; рус тили миллатлараро алоқа воситасига айланди; рус маданияти ўз ҳукмронлигини сақлаб қолди, бошқалар унинг принципларини қабул қилишга мажбур бўдилар. Москвада ёки ўз республикасида катта мансабларни эгаллаган кишилар бу борадаги кўрсатмаларни қабул қилишга мажбур бўлиб қолдилар.²

Тўғри, XX аср 60 – йилларидан сўнг Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалиги ривожига маълум ижобий ишлар амалга оширилди, ўша йилларга тааллуқли архив ҳужжатларида, ҳисобот ва нашрларда эълон қилинган мақолаларда

M.B. Yu. Andropov and the “National question” Soviet Studies. University of Glasgow. 1985. v XXXVII. N1. pp.103-117; A. Shromas. The Legal Position of Soviet Nationalities and the ir Territorial Units According to the 1977 Constitution of the USSR. “The Russian Review”. Stanford (Calif.) July. 1978. vol 37. N3. pp 265-272; Yinze P.B. The Sighificance of increasing bilingualism among Soviet Muslims. Chn the USSR and the Muslim World. London. 1984; Yaacov Ro. The Impact of the Islamic Fundamentalist Revival of the late 1970’s on the Soviet View of Islam. “The USSR and the Muslim World”-London. 1984. pp.149-177; David.C. Montgomery. “Shohimardan”. Forging a link in the Chain of Soviet Uzbek Literary Orthodoxy. “Central Asian Survey”. Vol 3. N1. 1984. pp.87-100; Shams-ud-Din “Soviet Religious Policy in Uzbekistan” (Islamic Culture published by the Islamic culture Board Hyderabad-India: vol LVIII N-3. Jily. 1984. pp 201-216; The Problem of Asian Integration in the Soviet Union - “Tebran Times”. July 22. 1985. p3; Taras Kuzio A. Nationality Problem in the USSR? Soviet Analyst. 1985. January. England. pp7-8, Henze P.B. The Significance of Jncreasing bilingualism Among Soviet Muslims. In the USSR and the Muslim World. London. 1984. pp 117-127.

¹ Henze P.B The Significance of Increasing bilingualism Among Soviet Muslims. In the USSR and the Muslim World. London, 1984, p 120

² Olcott M.B. Yu. Andropov and the “National Question”. Soviet Studies. University of Glasgow. 1985. v.XXXVII. №1, p.114.

Ўзбекистонни совет шарқининг машъалига тенглаштирилиб, «тарихий», «мислсиз» ютуқлари ҳақида дабдабали маълумотлар берилган. Республикадаги жуда кўп иншоотлар, муҳим объектларнинг Шароф Рашидовнинг (1959–1983) номи билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлаб, И.А.Каримов атоқли давлат ва жамоат арбоби таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан сўзлаган маърузасида Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Ёзёвон, Сурхон–Шеробод ерларининг ўзлаштирилиши Ўзбекистон келажаги билан бевосита боғланганлигини, миллионлаб гектар қўриқ ерларда пахтазорлар, боғ–роғлар ва бошқа экинзорлар ташкил этилганлигини ва булар эса бугунги Ўзбекистон истиқлоли учун хизмат қилаётганлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатди¹.

Лекин, XX аср 70–80–йилларида советлар мамлакати ижтимоий–сиёсий ҳаётида рўй берган салбий ҳолатларни авж олиши турғунлик, қўшиб ёзиш, давлат мулкани талон–тарож қилиш, порахўрлик, коррупция, жамиятнинг тобора сиёсий ва иқтисодий инқироз йўлидан пастга тушиб бораётганлиги натижаси Ўзбекистонга ҳам бевосита салбий таъсир кўрсатди.

Совет расмий ҳужжатлари ва мазкур давр нашрларида эълон қилинган мақола ва чиқишларда кўкларга кўтариб мақталган Ўзбекистонда ҳақиқий аҳвол қандай эди, деган савол туғилиши табиий ҳолдир. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ялпи миқдори жиҳатидан Ўзбекистон умумиттифоқ кўрсаткичида 15 та иттифоқчи республика орасида мисол учун 1970 йилда фақат 12–ўринни эгаллади. СССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш суръатлари 1980 йилда 1940 йилдагига нисбатан 195 марта ўсган бўлса, бу кўрсаткич Ўзбекистонда 2 барабар кам бўлди².

Таъкидлаш лозимки, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиши, асосан, иттифоқ идораларига бўйсунувчи табиий бойликларни қазиб олувчи корхоналар ҳиссасига тўғри келди. «Ҳаёт, сиёсат, давлат бошқаруви у даврда шундай тартибда қўйилган эдики, — деб таъкидлайди Президент И.А.Каримов, — ўзимиздан — Ўзбекистон

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 93–бет.

² Хидоятов Г. Национальный вопрос в СССР. Т. Ўзбекистан. 1991. С.207.

тупроғидан олинадиган бойликларни – маблағларни марказдан яна ўзимиз ялиниб сўраб олишга мажбур эдик»¹.

Ўзбекистон собиқ иттифоқдош республикалар орасида демографик жараёнлар тез суръатлар билан ўсиб бораётган республикалар қаторига кирарди. 1989 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 125 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилган. Республика аҳолиси 1979 йилда собиқ иттифоқ аҳолисининг 5,9 фоизини, 1989 йилда эса 6,9 фоизини ташкил этган. Шу йиллар ичида РСФСР, Украина, Белоруссия аҳолиси ўрта ҳисобда бир фоиздан камайган.² Республика аҳолиси ичида нисбатан кўпчиликни ташкил этувчи миллатларнинг салмоғи эса қуйидагича бўлган.³

Миллатлар	1979		1989		1989 йилда 1979 йил – дагига нисбатан ўзгариши
	Сони	Фоиз ҳисобида	Сони	Фоиз ҳисобида	
Руслар	1665658	10,0	1653478	8,3	99,2
Қорақалпоқлар	297788	1,9	411878	2,1	136,3
Тожиқлар	594627	3,9	933560	4,7	157,0
Қозоқлар	620136	4,0	808227	4,1	130,3
Украинлар	113826	0,7	153197	0,8	134,6
Туркманлар	92285	0,6	121576	0,6	131,7
Қирғизлар	142182	0,9	174907	0,9	123,0
Қрим татарлар	117569	0,8	188772	1,0	160,5
Корейлар	163062	1,1	183140	0,9	112,3
Уйғурлар	29104	0,2	35762	0,2	122,9
Озарбайжонлар	59779	0,4	444,10	0,2	74,3
Арманлар	42374	0,3	50537	0,3	119,3
Аҳудийлар	73920	0,6	65493	0,3	88,6

Аҳоли суръатларининг ўсишига ўзбек хонадонларидаги урф – одат, анъаналар, халқимизнинг болажонлик ва кўп фарзандлик хусусиятлари, турмуш тарзини ўсиши ҳам таъсир кўрсатган. Шунингдек, турмуш тарзлари анча

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура 93 – бет.

² Итоги всесоюзной переписи населения. Стат. сборник. Т.: 1990. С.7.

³ Там же С.51-57.

уйғунлашиб кетган байналмилал оилалар сони ҳам нисбатан кўпайган. Маҳаллий миллат йигитларининг собиқ иттифоқнинг турли ўлкаларига бориб, ҳарбий хизматдан оилали бўлиб келишлари ҳам бу жараёнга маълум таъсир этганди. 1989 йил аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, турли миллат вакилларига мансуб аралаш оилалар сони 1979 йилдаги 233,7 мингдан 435,1 мингга етди ёки 186,2 фоизгача кўпайган ва уларнинг салмоғи республикадаги жами оилалар миқдорига 10,9 фоиздан 12,7 фоизга етди. Аралаш никоҳли оилалар, айниқса, шаҳарларда кўпроқ бўлган. Тадқиқотчи М.Бўриеванинг маълумотларидан маълум бўлишича, 1989 йилда бундай оилалар салмоғи Ўзбекистон шаҳар оилаларининг 20,1 фоизини ташкил этса, қишлоқ оилаларида бу кўрсаткич 6,5 фоизни ташкил этган.¹ Гарчи буларнинг барчаси аҳолининг миллий таркиби ўзгаришига ва асосан маҳаллий миллат вакиллариининг қишлоқларда жойлашиб қолишига ҳам сабаб бўлсада, бироқ, демографик вазиятни фақат бу билан изоҳлаб бўлмайди.

Маълумки, Ўзбекистон саноатига билдирилган «юксак» талаблар, пахтага қаттиқ ихтисослашув республика саноат таркибининг бузилишига олиб келган. Минтақавий бўлинишга кўра Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни «Пахта» саноат комплекси атрофида бирлашгани республикада янги шаҳарларни, завод, фабрикаларни ташкил этишни тақазо этар эди. Саноат асосий потенциалининг 65 фоизи Тошкент, Тошкент вилояти, Фарғона водийсига тўғри келар эди². Бу корхоналарни ишчи кучи билан тўлдириш мақсадида Ўзбекистонга юборилган мутахассислардан, 1966 йил Тошкент зилзиласида шаҳарни тиклаш учун келиб, шу ерда қолиб кетганлардан ташқари мамлакатнинг марказий районларидан кишиларнинг кўчириб келтирилиши республика шаҳарларининг қишлоқларга нисбатан бошқа миллат вакиллари билан тўлиб боришига сабаб бўлди. Республика қишлоқ ерларида эса «пахтачиликнинг устаси» ҳисобланган маҳаллий аҳолининг сони ортиб борди. Улар асосан пахта якка хоқимлиги атрофида бирлашган бўлиб, мазкур хом ашёга харид нарҳларининг пастлиги туфайли

¹ Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. Т.: Университет, 1997. 40 – бет.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 530 – бет.

қишлоқ аҳолиси жон бошига тўғри келадиган даромадлар ҳам кам эди. Маълумотларга кўра қишлоқ аҳолисининг туб миллат вакиллари — хусусан ўзбек, қozoқ, қирғиз, туркманлар бўлиб, 1989 йилда уларнинг қишлоқ хўжалигидаги салмоғи 96,7 фоизни ташкил этган¹.

Коммунистик мафкурани халқ онгига сингдиришда, шубҳасиз, маданиятнинг аҳамияти катта бўлган. Маъмурий — буйруқбозлик тизими маданиятни бир қолипга солиб ушлаб туришга интилар эди. Миллий қадриятларга шубҳа билан қараган ҳукмрон мафкура маҳаллий маънавий — маданий мероснинг тарбиявий аҳамиятини эътиборга олмас эди. Давлат томонидан қабул қилинган қатор қарор ва режалар ҳам вазиятни тушунмаган ҳолда, реал имкониятларни ҳисобга олмаган ҳолда қабул қилинар эди. Шунинг учун ўзбек маънавий маданиятида амалга оширилган ишлар ҳам ўзига хос йўналишдан борди. «Шаклан миллий, мазмунан социалистик» деган тушунча асосида адабиёт, санъат, қўшиқчилик, рассомчилик, ҳайкалтарошлик ҳам сиёсийлашган маданий йўлга мослашди. Хусусан, собиқ партиянинг XX1У съезидан сўнг КПСС МҚнинг «Адабий — бадиий танқидчилик тўғрисида»ги, «Совет кинематографиясини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги каби қарорлари ҳам совет бадиий маданиятини ривожлантириш масалаларига қаратилган. Мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда «ватанпарвар ва бунёдкор, коммунизм бунёдкори бўлган совет кишисининг образи яратилаётган асарларнинг марказида бўлиши лозим эди».²

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, таҳлил қилинаётган йилларда, Ўзбекистон ҳаётидаги ижтимоий — сиёсий, маънавий ҳолатлар маданият ва санъат соҳасидаги маълум ўзгаришлар, ютуқлар ҳам қўлга киритилди. Маданият ва санъат арбоблари ижодидаги ўзгаришлар жамиятда юз бераётган ўзгаришлар билан биргаликда давом этди. Театр, рассомчилик, қўшиқчилик, хусусан миллий қўшиқчилик, айниқса мақом йўлларида ижод қилишда кўплаб истеъдодли

¹ Ата-Мирзасев О., Гентшке В., Муртазоева Р. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. — Т.: Узбекистан. 2004. С.111.

² Республика партия ташкилоти идеология ишининг аҳволи ва КПСС XX1У съезди қарорлари асосида уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида. // Ўзбекистон коммунисти. 1974. №7. 45 — бет.

хонандалар етишиб чиқди. Ўша йилларда адабиёт майдонига кириб келган иқтидорли ижодкорлар асарларида нисбатан эркин фикрлаш, ютуқ ва камчиликларни кўрсатиб берувчи ижодий фикрлар пайдо бўлди. Хусусан, А.Мухторнинг «Илдишлар», П.Қодировнинг «Олмос камар», Ҳ.Умарбековнинг «Бўрибосар», Ш.Холмирзаевнинг «Табассум», «Кимсасиз ҳовли», М.Муҳаммад Дўстнинг «Истеъфо», Т.Муроднинг «Ойдинда юрган одамлар» каби асарларида қисман бўлсада, давр мафқурасидан ҳоли бўлишга, жамиятдаги баъзи камчиликларни очиқ ташлашга, қадриятларимиз қирраларини кўрсатишга ҳаракат қилинди. Ҳ.Ғулومнинг «Қорадарё» романи 80-йилларнинг ўрталарига келиб жамиятдаги юзага қалқиб чиққан турли салбий ҳолатларни Камширравот дарасидаги улкан сув иншоати қурилиши мисолида кўрсатиб берди. Мазкур асар ўша йилларда совет мафқураси билан боғланган, Ўзбекистон КП МК ХУ1 пленумидан сўнг юзага келган вазият билан боғлиқ деб таҳлил этилган бўлсада, лекин кишиларнинг аста-секин содир бўлиб келаётган ўзгаришлар, ҳаётга янгича қараш, жамиятда инсон омили деган тушунчалар биринчи навбатда туриши лозимлигини англаб келаётганлигидан далолат эди.

Таҳлил этилаётган йилларда Э.Эшмухамедов ва кинодраматург О.Агишевнинг «Доҳонинг ёшлиги» фильми СССР Давлат мукофотиغا сазовор бўлди. Қ.Камаловнинг «Аччиқ данак» фильми ҳалқаро Москва кинофестивалида соврин билан тақдирланди. Д.Содиқовнинг «Ленинградликлар жигарбандларим менинг», А.Қобуловнинг «Бўйсунмас», Р.Ботировнинг «Лейтинант Некрасовнинг хатоси», М.Абзаловнинг «Суюнчи», «Келинлар қўзғолони», А.Ҳамроевнинг «Водиллик келин», Л.Файзиёвнинг ҳинд киночилари билан ҳамкорликда суратга олган «Севги афсонаси» каби фильмлари суратга олинди. Бироқ, ошкоралик йиллари ҳам маданиятни ривожлантиришдаги бу эркин ҳаракатларни янада кенгроқ олиб бориш ўрнига студиянинг режасини бажариш орқасидан қувиш ҳолатлари юқори эди. Масалан, СССР Кинематография Давлат Комитетининг Ўрта Осиё бўйича редактори И.Раздорский ва А.Медведевлар ўзбек халқининг бой маданий турмушини, қолаверса ички дунёсини тушунмаган ҳолда марказий студиялар қабул қилмаган ўртамиёна ва бўш сценарийларни

«Ўзбекфильм»га мунтазам жўнатиб турдилар. Натижада, Н.Рожков, А.Макаров, Б.Сааков, А.Галиев, Я.Филиппов каби қатор кинодраматургларнинг маҳаллий халқ маънавияти ва қадриятларига ёт бўлган жўн сценарийларига кенг ўрин берилган¹.

Гарчи «Ўзбекфильм» жамоаси ҳозирги кунга қадар халқимиз қалбидан муҳим ўрин олиб келаётган «Алишер Навоий», «Мафтунингман», «Маҳаллада дув — дув гап», «Насриддин саргузаштлари» каби фильмларни яратган бўлсада, бироқ бу жамоадаги кадрлар асосан марказда таълим олиб келганлиги сабабли улар орасида ўзбек тилини билиб, уни тушунадиганлар сони жуда озчиликни ташкил этар эди.

Албатта, бошқа халқлар тилини билиш киши маънавий баркамоллигининг асоси бўлиб хизмат қилади, имкон даражасида турли халқлар тарихини, урф — одатларини ўрганишда, уларга нисбатан хурмат билан қарашда катта ёрдам беради. Бироқ, ўзга тилларни ўзлаштирган ҳолда ўз она тилини билмаслик кишида миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини шакллантира олмайди. Маълумки, миллатларни камситишнинг асосий воситаларидан бири, бу — халқлар она тилини муомала воситаси ва расмий даражадан маҳрум қилиш бўлган. XX аср 70—90 — йилларига келиб, собиқ иттифоқдош республикаларнинг аксариятида миллатлараро восита тили — рус тили бўлган. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам рус тили узоқ йиллар давомида давлат тили, ўзбек тили эса оила ва турмуш тилига айланиб қолган эди.

Айниқса, жамоаси асосан маҳаллий миллат вакилларида иборат бўлган ташкилотларда битта ёки бошқа миллат вакиллари бўлганлиги учун мажлисни ёки йиғинни рус тилида олиб бориш одатий ҳолга айланиб қолган эди. Партия, совет ходимлари, зиёлилар орасида рус тилини яхши билмаган ходимларга нисбатан паст назар билан қараш одат тусига кирганди. Собиқ иттифоқдош республикалар устидан чекланмаган ҳокимликни ўрнатган марказ, маҳаллий раҳбарлар зиммасига миллий тилларни ўрганиш, маҳаллий аҳоли билан уларнинг ўз она тилида мулоқот қилиши масаласини эмас, балки рус тилини ривожлантириш ва

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1986 йил, 10 октябрь.

рағбатлантириш, барчани шу тилда ўзаро мулоқот қилиши мажбуриятини юклади. Бу эса миллий тилларни республикаларнинг ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётидаги ўрнини заифлаштириш, шу йўл билан рус тилини ўрганишга бўлган эҳтиёжини кучайтиришга қаратилган эди. Ўзбекистоннинг умумий таълим мактабларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ҳам рус тилини ўрганишга катта эътибор қаратилган. Ҳатто, олий ўқув юртларидаги тил кафедралари «Ўзбек тили» кафедраси деб аталмасдан «Тиллар кафедраси» деб юритилди. Маҳаллий зиёлиларни бирлаштирувчи ижодий уюшмаларда ҳам иш асосан рус тилида олиб борилган. Ўзбек тилида китоблар чоп этиш мушкул аҳволда бўлиб, республика фанининг маркази бўлган Фанлар Академиясида, унинг институт ва муассасаларида ҳам илмий асарлар асосан рус тилида чоп этиларди. Масалан, 1980–1985 йилларда фақат ЎзФА Тарих институти олимлари томонидан нашр этилган илмий, илмий–оммабоп асарларнинг 80 фоизини рус тилидаги монография, китоб, рисоалар ташкил этди. Атиги 12–13 фоиз адабиётларгина ўзбек тилида нашр этилди, холос¹. 80–йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса фаол ҳаракат олиб борган ўзбек зиёлилари бу масалани умуммиллий эҳтиёж сифатида кўтариб чиқдилар ва мазкур масала илк бора 1988 йил ЎзФАнинг тил ва адабиёт институти илмий жамоаси томонидан кўриб чиқилди².

СССРда миллий тилларга бўлган муносабатни яхши ўрганган хориж олимлари бу сиёсатнинг маҳаллий халқлар учун салбий оқибатлари ҳақида 80–йилларнинг бошида қуйидаги хулосага келган эдилар: «Рус тилида сўзлашиш ва рус адабиёти билан танишиш совет халқлари маданиятини хавф остида қолдириб, уларнинг миллий ўзига ҳос жиҳатларини емирмоқда, миллий шаклларини йўқотмоқда»³

Хориж олимлари 1977 йилда қабул қилинган СССР Конституциясида ҳам 1936 йил Конституциясидаги каби миллий тилларни камситиш ҳолларини кўрсатиб ўтганлар. Чунончи, А.Штротмаснинг 1978 йилда «Рашн Ревью» тўпламида эълон қилинган «Совет миллатлари ва улар

¹ Юсуфов Э. Тил камоли – миллат жамоли. – «Халқ сўзи», 1991 йил, 22 январь.

² қаранг: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1988 йил, 12 май.

³ // Вопросы литературы. 1983. №6, С.66.

яшаётган ҳудудларнинг 1977 йилда қабул қилинган конституцияда белгиланган ҳуқуқий ҳолати" номли мақоласида кўрсатилишича, конституциянинг тил масаласига бағишланган моддасини амалга ошириш учун рус тили кенг тарғиб этилди, миллий мактабларда ҳам бу тилни ўрганиш учун ажратилган соатларни кўпайтиришга олиб келди. Рус тилини бошқа миллатлар ўрганиши масаласи имконият тариқасида эмас, балки зарурият шаклида ўртага қўйилди¹.

Юқорида айтиб ўтилганидек, мамлакатда миллий тилларга муносабат масаласини кўп ғарб олимлари ўша йиллардаёқ илмий ва назарий жиҳатдан чуқур ва холис таҳлил этганлар. Улар миллий тиллар камситилишини мамлакатда русларга қарши кайфиятлар кучайишининг сабабларидан бири сифатида баҳолادилар. Масалан, советлар мамлакатаида миллий тилларга бўлган муносабат масаласини чуқур ўрганган инглиз олими П.Б.Хенци ўзининг 1984 йил Лондонда чоп этилган "Кучайиб бораётган икки тиллик ва унинг совет мусулмонларига таъсири" номли мақоласида бу муаммони рус бўлмаган халқларнинг миллий онги ўсиши билан боғлаб таҳлил этади. Унинг фикрига кўра, "совет давлати бошқа халқларни сиёсий ва маданий жиҳатдан руслаштириш сиёсатини олиб борди. Миллий онг ва эътиқодий бирлик туйғуси кучайиб бораётган шароитда бу йўл истиқболсиздир. Совет давлати миллий маданиятларга нисбатан камситиш сиёсатини олиб бораётган шароитда рус бўлмаган халқлар ўз тили, маданиятини кўпроқ қадрлаш йўлига ўтиб олмоқдалар. Улар рус тилини билиши, уни иккинчи тил сифатида эътироф этиши руслаштириш сиёсатининг оқибатидир. Кўп миллатли мамлакатда яшайдиган халқларни яқинлаштирувчи иккинчи умумий тил албатта бўлиши керак. Ўрта Осиёда иккинчи тилни кўп ҳолларда ўзбек тили ўйнамоқда. Икки тилни билиш руслаштириш сиёсатининг ғалабаси эмас. Рус тилини билган бошқа миллатларга мансуб бўлган кишиларда миллий онг ўсиши билан ўз тилига ҳурмат ҳам ортиб боради"². Унинг фикрича, рус тилининг устунлиги жамиятда сақланиб

¹ A.Shtromas.The Legal Position of Soviet Nationalities and the ir Territorial Units According of the 1977 Constitution of the USSR."The Russian Review, Stanford (Calif) Julu 1978. Vol 37.№3.Pp265 – 272.

² Henze R.B. The Significance of Jucreasing bilingualism Among Soviet Muslims. In the USSR and the Muslim World.p117.

қолиши, ҳаддан ташқари марказлашган иқтисодий ҳаёт, мураккаб таълим тизими ва оммавий коммуникация воситалари, бошқа барча мамлакатлардагига нисбатан кўп сонли армиянинг мавжудлиги билан ҳам белгиланган. Лекин шундай бўлса — да, "СССРда ижтимоий, сиёсий, маънавий тазйиқ рус тилини ўрганишга бўлган эҳтиёжларни кучайтирди. Бироқ, бу — тил борасида кучайиб бораётган руслаштириш йўлинигина ифодаламас эди. Рус тили халқнинг билими, онги, маълумоти ортиши, ҳаракат ва фаолияти доираси кенгайиб боришига ҳам таъсир кўрсатади. Шу сабабли рус тилини билган мусулмон халқларида ўз она тилига ҳам эътиқод ва хурмат тўла сақланиб қолган эди.¹ Демакки, бу ҳаракатлар миллий онг ўсиши имкониятларини кенгайтирган асосий омиллардан бири бўлиб қолди.

М.В.Олкотт бўлса, келажакда умумий тил негизида "ягона коммунистик маданият"ни шакллантириш йўлидаги ҳаракатларни "хаёлий бир ғоя" деб таърифлади². Муаллифнинг фикрича, СССРнинг миллий масаладаги асосий сиёсати кишилар тарихий бирлигининг янги шакли — «совет халқи»ни шакллантиришга қаратилган. Муаллиф 80 — йилларда совет давлати ва собиқ партия олиб борган миллий сиёсатнинг асосий мақсадлари устида тўхтаб, шундай деб ёзади: "Умумий совет маданиятида рус халқининг ҳал қилувчи ўрни сақланиб қолинди. Майда миллатлар маълум даражада "миллий — маданий автономияни" сақлаб қолишга муяссар бўлдилар, рус тили миллатлараро алоқа воситасига айланди, рус маданияти ўз ҳукмронлигини сақлаб қолди, бошқалар уларнинг принципларини қабул қилишга мажбур бўлдилар. Москва ёки ўз республикасида катта мансабларни эгаллаган кишилар бу борадаги кўрсатмаларни қабул қилишга мажбур бўлиб қолдилар."³ Бу фикрда ҳам маълум ҳақиқат бор. Бу ишларда рус тилини билиш маънавий тараққиётнинг ягона йўли, деган фикрни олға суриб келган олимларнинг ҳам катта ҳиссаси бор эди.

XX аср 80 — йилларининг бошларига келиб, Ўрта Осиёдаги сиёсий — ижтимоий, маданий — маънавий жараёнлар ривожини, миллий тилларга муносабат масаласи марказ

¹ Уша журнал. 121 — бет.

² Olcott M.B. Yu. Andropov and the "National Question", Soviet Studies, p103.

³ Olcott M.B. Yu. Andropov and the "National Question", Soviet Studies. P. 104.

гомонидан белгилаб берилган режалар доирасидан чиқиб кетди. Мамлакатда истиқомат қилаётган миллатларда она тилини ўрганиш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар кучайди. "Қайта қуриш" йилларида ижтимоий ҳаётдаги демократлашув, "ошкоралик" жараёнлари миллий тилларнинг жамиятдаги нуфузини оширишга қаратилган ҳаракатларга замин яратди. Миллий шаън, миллий руҳ, миллий ўзлик ва ниҳоят, миллий маданият тушунчалари миллий тилларга муносабат тубдан ўзгаришининг муҳим сиёсий омили бўлди. Республикаларда миллий тилларга Давлат тили мақомини бериш учун қилинган ҳаракатлар бошланди. 1989 йилга келиб Ўзбекистон КП МҚнинг идеология бўлимида ҳам тил муаммоларини ўрганиш бўйича 24 кишидан иборат ишчи гуруҳ тузилди.¹ Комиссия таркибига зиёлилар билан бирга республикада истиқомат қилаётган бошқа миллат вакиллари ҳам киритилди. Комиссиянинг дастлабки фаолияти ўзбек тилига Давлат мақомини бериш эмас, балки республикада тиллар муаммосини ўрганиш, ўзбек тилининг жамиятдаги мавқеини кўтариш масалаларини белгилашга қаратилган эди.

1989 йилда Давлат тили ҳақидаги қонун қандай шароитда қабул қилинганини ҳисобга олсак, республика раҳбариятининг бу соҳада қанчалик мардлик ва жасорат кўрсатганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу қонун халқ маданий мероси, миллий қадриятларини ўрганишга, тарихий хотирасини тиклашга, шу асосда миллий онги, руҳияти мустақамланиб, миллий фаоллик кучайишига ҳам йўл очиб берганди. Шу маънода миллий тилларга Давлат мақоми берилиши тоталитар тузумга қарши олиб борилаётган мустақиллик йўлидаги ҳаракатларни кучайишига ҳам ижобий таъсир этди, деб дадил айтиш мумкин. Халқнинг миллий гурури кучайиб, ўз кучи ва имкониятига, истиқболига ҳам ишончи ортди.

Ўзбекистоннинг ижтимоий – иқтисодий, сиёсий – маънавий ҳаётидаги жараёнларда совет давлатининг таълим тизимини бир қолипга солиш учун олиб борган сиёсати ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, бу тизимда коммунистик ғоялар устунлик қилар, умумсовет маданиятининг меъёр ва

¹ «Совет Ўзбекистони». 1989 йил, 23 март.

мезонлари кенг тарғиб этиларди. Буни халқ таълимида партия чизиб берган йўналишдан бориш ҳисобига ўқув юрталарида коммунистик мафқурани халқ онгига сингдирувчи билимлар беришга зўр берилганлигидан ҳам кўриш мумкин эди. «Биз шунга эришмоғимиз керакки, — деган эди Ўзбекистон КП МҚнинг 1974 йил 11 июндаги пленумида маъруза қилган Ш.Р.Рашидов, — мактаб, билим юрти, техникум, олий ўқув юрталари ҳаётининг бутун тарзи, улардаги таълим — тарбия ишининг бутун жараёни ҳар бир ўқувчи ва студентда материалистик дунёқарашни, коммунистик эътиқодни шакллантиришга ёрдам берсин»¹.

«Коммунистик мафқура» гоъларини тарғиб этадиган фанларнинг мунтазам ўқитиб келиниши, умуман ёшларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш натижасида таълим тизимида ҳам масъулиятсиз, ташаббуссиз, лоқайд, «ўртамиёна» мутахассислар тайёрлаш механизми юзага келганди². Бу кадрлар ҳам йўланма асосида борган корхоналарида ишламаганлар. 1982 йил Ўзбекистон ССР Халқ Назорат Қўмитаси ва Республика прокуратураси ўтказган текширувлардан маълум бўлишича, Қашқадарё вилоятидаги 251 ҳунар — техника билим юртини битириб чиққан 117 мутахассис вилоятнинг Чироқчи туманидаги Москва совхози ва Охунбобоев номли колхозга юборилган. Лекин, уларнинг 6 нафари ўз соҳаси бўйича ишлаган, 73 нафари бўлса тайинланган жойига умуман келмаган³.

Кадрларни танлаш ва жой — жойига қўйиш ва уларни тарбиялашга оид бўлган талаблар партия кўрсатмалари асосида олиб борилганлиги учун ишлаб чиқарувчи корхоналарга асосан марказдан «малакали» кадрлар таклиф қилинар натижада корхона раҳбарлари асосий эътиборини уларни янги турар жойлар билан таъминлашга, етарли даражада шароит яратиб беришга қаратар эди. Албатта, ишга таклиф қилинган бу кадрларни уй — жой билан таъминлаш ҳолатлари ижобий деб баҳолансада, лекин бу ҳолат кишиларда ўз ишига масъулият билан ёндошмаслик, ишга

¹ // Ўзбекистон коммунисти., 1974. №7 38 — бет.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 575 — бет.

³ Хонхужаев. Т. Ишчи кадрлар тайёрлашга эътибор. «Совет Ўзбекистони». 1982 йил, 23 декабрь.

кечикиб келишлар, ишлаб чиқараётган маҳсулот сифатига эътибор бермаслик, кадрлар кўнимсизлиги умуман социалистик хўжасизлик кабиларни олдини ола олмади. Масалан, Ўзбекистон енгил саноатининг ўзида дастгоҳлар ва машиналарга хизмат кўрсатишнинг тармоқдаги нормаларини ўзлаштириш катта шаҳарлардаги йирик комбинатларникига нисбатан кўп вақтни талаб қилган ҳолда, бу соҳада мастер ёрдамчилари, электриклар, сантехниклар етишмаган¹.

80 – йиллар таҳлилидаги жиддий муаммо бу – халқ хўжалигидаги қўшиб ёзиш ҳолатлари эди. Йиллар давомида республикалар халқ хўжалиги устидан тўлиқ назоратини ўрнатиб олган марказ белгилаб берган режаларни қатъий талаб таъқиб ва тазъийқ асосида амалга оширилар, натижада, бутун мамлакатда режани бажаришда қўшиб ёзиш ҳолатлари кўпайиб кетганди². Ана шундай пайтда марказ қарши кўп ҳолларда ошкора, гоҳо яширин тарзда кучайиб бораётган норозиликларни синдириш учун бутун мамлакат эътиборини Ўзбекистонга қаратиш билан мамлакатда кучайиб келаётган норозиликлардан чалғитиш навбатдаги сиёсий найрангларини бошлади. Бутун мамлакат ижтимоий ҳаётидаги салбий ҳолатлар фақат Ўзбекистонга тегишли деб талқин қилинди. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, халқ хўжалигидаги қўшиб ёзиш ҳолатлари мамлакат халқ хўжалигининг барча тармоқларини қамраб олган эди. Беларусия, Тожикистон, Озарбайжон, Молдавия каби бир қатор собиқ иттифоқдош республикалар халқ хўжалигида қўшиб ёзиш ҳолатлари 70 – йиллардаёқ аниқланган бўлсада,³ «маҳаллий раҳбарларнинг илтимоси»⁴ деган баҳона билан Ўзбекистонга марказдан кадрлар юборила бошланди. «Бу қатағон орқали шўро салтанати кучини пеш қилиб қўйиш, унинг ваҳимаси, даҳшатини юракларга, онгларга синдириш, миллий онг шаклланишига йўл қўймаслик, миллий кадрларни синдириш ва йўқотишга қаратилган эди»⁵.

РСФСР, Украина ва Москвадан Ўзбекистонга қонунчиликни мустаҳкамлаш учун келган «малакали»

¹ Худойбердиев.Н. Енгил индустрия нагизлари. «Совет Ўзбекистони». 1983 йил, 24 май.

² На пороге кризиса: нарастание застойных явлений в партии и обществе. М.: Политиздат, 1990. С.117.

³ Там же. С.118 – 119.

⁴ Ризасев Ш Шароф Рашидов. Штрихи к портрету. –Т.: Ёзувчи-Нур. 1992. С.171.

⁵ Азизхужаев А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар. қувончлар. Т.:«Академия». 2001. 81 – бет.

кадрлар мазкур сиёсатни юритиш учун ҳам юборилган эдилар. Таъкидлаш лозимки, 80 – йиллар қатағонлари нафақат оддий халқни жазолаш, жинойий жавобгарликка тортиш, уларнинг оила аъзоларини қўрқитиш билангина чекланмади. Қатағонлардан кўзланган асосий мақсад раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган маҳаллий кадрларни ҳам ўз вазифаларидан озод этиб, жинойий жавобгарликка тортиш, шовинистик сиёсатни бир карра чуқурлаштириш эди. Айни пайтда бу кадрларни танлаш жараёни муайян тизим билан амалга оширилишида партия мактаблари ҳам фаол бўлди. Бошланғич партия ташкилотлари роли биринчи даражали аҳамиятга эга эди. 1981 йилга келиб, КПССнинг 414 минг бошланғич, 457 минг цех партия ташкилотлари, 618 мингдан зиёд партия гуруҳлари бўлганлиги ҳам фикримизнинг исботидир. Партиявий билим бераётган бу мактабларни битириб чиққан кадрлар сони эса 1981 йилда 35 %ни ташкил этди. Ўзбекистонда ҳам МҚ бўлимлари, ташкилий – партиявий ишлар бўлими, вилоят, шаҳар, туман қўмиталарида кадрлар резервини вужудга келтириш масаласида чоралар кўриш, бу корхоналарни малакали кадрлар билан тўлдириш масаласи асосий эътиборда турган ишлардан бирига айланди.

XX аср 80 – йилларининг иккинчи ярмига келиб маҳаллий кадрларга нисбатан бўлган муносабат маҳаллий зиёлиларга қарши бўлган ҳаракатлар билан ҳам уйғунлашиб кетди. Чунки бу йилларда ижтимоий – сиёсий, маданий – маърифий жараёнлар ривожини марказ белгилаб берган режалар доирасидан чиқиб кетаётган, бу ерда истиқомат қиладиган халқлар орасида тарихий мерос, тил, маданиятни ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар бошланган, бу жараёнларда эса зиёлилар авангард вазифани ўтар эдилар.

Коммунистик партия ўз сиёсатида зиёлиларнинг бу йўналишдаги ҳаракатларини қоралаш билан кучайиб келаётган миллий ҳаракатларни олдини олишга уринганини “Правда Востока” газетасида республика прокурори Усатовнинг “Мақола – у нима учун керак эди” номли мақоласидан ҳам кўриш мумкин. Жумладан, ушбу мақоладан кўзланган мақсад аслида бутун бир бошли ўзбек халқини миллатчиликда айблаш бўлди¹. Албатта, ушбу мақоланинг

¹ Қаранг: «Правда Востока». 1988 год. 3 ноябрь.

нашр этилиши яна бир карра қатағон сиёсати учун замин тайёрланганлигидан далолат берар эди.

Партиянинг асосий кундалик нашри – «Правда» газетасининг 1989 йил 18 март сонида В.Артеменконинг «Тасодифий президент» номли мақоласи эълон қилинди. Унда ўша вақтлардаги Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси, академик П.Қ.Ҳабибуллаев асоссиз равишда қораланган эди.¹

Ўзбекистон ССР ФА мухбир аъзоси, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, адабиётшунос олим Матёқуб Қўшчонов ҳам ҳеч қандай сабабсиз Ўзбекистон тил ва адабиёт институти директори лавозимидан бўшатилади. «Ташкентская правда» газетасининг 1989 йил 23 февраль сонида республика ички ишлар вазири ўринбосари Э.Дидоренконинг «Миллий муносабатларни кескинлаштираётганлар боши берк кўчага йўл бошламоқдалар» номли мақоласи эълон қилинди. Ички ишлар генерали ўз мақоласида академик Э.Юсуповни, журналист Маткарим Исфандиёрни миллатчиликда, марказдан келиб республикада жиноятчиликка қарши курашаётган кадрларни қоралашда, миллатчилик ғояларини тарғиб этишда айблади.² Республика ички ишларининг масъул лавозимидаги шахси ўз мақоласини «аввалдан қутилганидек, бундай кучлар жиддий, холис, обрўли ўзбек зиёлилари ўртасида ўзларига ҳайрихоҳларни топа олмадилар, топишлари ҳам мумкин эмас эди... бундай ҳавфли кишиларнинг заҳарли тишини суғуриб ташлаш учун бизда етарли куч ва имкониятлар бор»,³ деган сўзлар билан яқунлаган эди. Бу йилларда марказдан келган кадрлар ва уларнинг республикадаги «ёрдамчилари» танлаб олган бундай йўлнинг мақсади ҳақида И.А.Каримов 1991 йилда ХДПнинг биринчи қурултойида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Отдан тушса ҳам эгардан тушишни истамаётган, мустамлакачилик сиёсатига тиш – тирноғи билан ёпишиб олган «арбооблар» мана шундай келишмовчиликлардан усталик билан фойдаланиб келишди ва бундан кейин ҳам албатта фойдаланишга ҳаракат қиладилар.»⁴

¹ Қаранг: «Правда», 1989 год, 18 март.

² «Ташкентская правда», 1989 год, 22 февраль.

³ «Ташкентская правда», 1989 год, 22 февраль.

⁴ «Тошкент ҳақиқати», 1991 йил, 2 ноябрь.

маъмуриятларига хабар бериб турганини сабабли кўп кишилар масжидларга бормай, намозларини яширинча, ўз уйларида ўқиганлар ва шу сабабли уларнинг сонини аниқ рўйхатга олини қийин бўлган. 80 – йилларнинг иккинчи ярмига келиб аҳоли диний эътиқоди янада ошганини кўзга ташланади. Турли таъқиб ва чеклашларга қарамай, муқаддас жойларни зиёрат қилувчиларнинг сони кўнайтиб борган¹.

Маълумки, мусулмон шарқида Мовароуннаҳр ҳаминча ислом инлари маркази, кўнаиб диний арбоблар етишиб чиққан маскан бўлган. Ўзбекистонда «муқаддас» ҳисобланмиш қадамжолар, азиз – авлиёлар кўмилган зиёратгоҳларга маҳаллий аҳолининг эътиқоди, ихлоси жуда юқори эди. 80 – йилларга келиб, республикада рўйхатдан ўтган 74 та муқаддас қадамжолар бўлиб, улар доимо партия ташкилотлари ва масбул идоралар диққат эътиборида бўлган. Маҳаллий советлар қонидани комиссиялар ҳам бу жойлардаги вазиятни муттасил кузатиб турган. Бу комиссиялар атеистик ташвиқотни сусайтирмаслик учун диний байрамлар яқинлашиб келиши билан муқаддас жойларга келишининг зарарли оқибатлари ҳусусида турли маърузалар ўқиганлар, ташвиқот – тарғибот ишлари олиб борганлар. Комиссиялар ишгиригида бу жойларда турли атеистик бурчаклар, совет давлати “доҳин”ларининг ҳаётини еригувчи музейлар ташкил этилган эди. Масалан, Сурхондарё вилоятининг ўзида 617 та “ёш тарихчи”, “ёш атеист”, “ёш маърузачи” тўғараклари фаолият олиб борган.² Атеистик ташвиқотни кучайтиришни мана шундай йўл билан олиб бориш лозимлиги 1986 йил Ўзбекистон КП МК XXI съездида ҳам яққол кўзга ташланади. Съездда диннинг социалистик турмуш тарзини қарор топтиришида жуда катта роль эканлиги, атеистик тарбиянинг асосий йўлларида бири бса янги совет маросимларининг жорий этили эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтилади. Съездда маъруза қилган Ўзбекистон КП МК биринчи котиби И.Усмоновхўжаев диндорлик вазиятини «соғламанггиришида» урф – одатларни синфийлик, партиявийлик позицияларидан туриб фарқлай билиш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Нативижада съездда

¹ У: МДХ ф. 2196, руҳхат. 1-ширма жилд. 635-96 - барак.

² У: МДХ ф. 2196, руҳхат. 1-ширма жилд. 635-130 - барак.

қушдангича кўрсатма берилади: «Дин миллатчилик ва шовинизмга ҳар доим йўл очишни, иқтисодий, социал тараққиётга тўсқинлик қилишни, социалистик турмуш тарзи, коммунистик маънавиятнинг қарор топишига тўсқинлик қилишни ҳар доим эсда тутмоқ керак»¹.

Лекин, жамиятга кириб келган қайта қуриш ва ошқоралик миллий уйғонни, ўзликни англаш, қадриятларни, айниқса ислом маънавиятига тикланга бўлган иштиқлини жонлангириб юборган эди. Айниқса 1988 йил христинликнинг Русга қабул қилинганлигининг 1000 йиллиги катта тағтаналар билан нишонланди. Унда коммунистик мафкура ва сиёсатнинг бош йуриқчиси КПСС МҚ бош котиби М.С.Горбачев қатнашиб, нутқ сўзлаганлиги диний эътиқоднинг жамиятда жонланishiга сабаб бўлади².

“Реакцион” деб баҳоданган байрамлардан бири бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган, халқимиз узоқ йиллар давомида нишонлаб келган “Наврўз” умумхалқ байрами эди. Тарихдан маълумки, “Наврўз” деҳқонлар учун янги меҳнат йилни бошланганини билдирар, анъаната мувофиқ, баҳорда кун ва тул тенгланганида нишонланар эди. “Наврўз” асрлар давомида кишиларда она ерга, табиатга муҳаббат туйғусини уйғотган, кишиларни бир-биринга инсбатан оқибатли бўлишига чорлаб келган.

Лекин, 80- йилларга келиб, «Наврўз» байрамига ҳам қарши ҳаракат бошланади. 1985 йил Ўзбекистон КП МҚ «Социалистик турмуш тарзи меъёрлари ва тамойилларидан жиддий чеклинишлар, уларни тугатиш ва республика аҳолиси ҳаётида илғор анъаналар ва урф – одатларни қарор топтириш ҳақида» қарор қабул қилиб, «ҳар бир олма, ҳам бир меҳнат ва ўқув жамоаси ҳаётига партия ва совет халқининг шонли коммунистик ғоялари, революцион, ҳарбий ва меҳнат анъаналарига, илғор совет удумларини жорий этиш бўйича аниқ чора – тадбирлар шилаб чиқиш ва амалга ошириш»ни тошпирди³.

Шуни айтиш лозимки, миллий байрамларни, чунончи «Наврўз»ни нуқ қилиш учун марказдан махсус кўрсатма берилганлиги хусусида тарихий ҳужжат еки маълумот

¹ «Совет Ўзбекистони» 1986 йил 31 январь.

² Ўзбекин Ю.В. Петров. АН. Сорочкин, Ю.А. Очерки по истории истории Омск. Омск гос. ун-в. 1999. С. 571.

³ «Совет Ўзбекистони» 1985 йил 11 июль.

мавжуд эмас. Лекин, бундай ҳаракатни республиканинг ўша вақтдаги коммунистик раҳбарияти марказ хайрихоҳлиги билан ҳамда сиёсатга ҳамоҳанг тарзда асрий удумларни йўқ қилиб юборингга аҳд қилганликларини оқибати деб баҳолаш жоиздир.

«1986 йилнинг 17 март куни вилоят партия ташкилотларининг котиблари, оммавий ахборот воситалари масъул ходимлари Марказий Қўмигага тақлиф этилди, — деб эслайди кекса журналист, тарих фанлар номзоди, ўша йилнинг иштирокчиси Назирбой Тожибоев, — йилнинг МҚнинг мафкура бўйича котиби Р.Ҳ.Абдуллаева очиб, гапни даб — дурустан яқинлашиб келаётган «Наврўз» байрамига муносабатимизни белгилаб олишимиз кераклигидан бошлади. Унгача на матбуотда, на радио — телевидениеда, на жойларда «Наврўз» ҳақида ҳеч қандай гап айтилмай, унга тайёргарлик кўрилмай келинаётган эди. У МҚда «Наврўз»ни бундан кейин халқ байрами сифатида нишонламасликка қарор қилинганлигини, бу ҳақда барча партия ва совет ташкилотларига кўрсатма берилганлигини алоҳида таъкидлади. Шунда Самарқандда чиқадиган «Ленинский путь» газетасининг муҳаррири Борис Щеголихин. Сурхондарё вилояти телевидение ва радио комитетининг раиси, ёзувчи Озод Авлоқуловлар залдан луқма ташлаб, бир ойдан бери қўшни Тожикистоннинг шаҳар ва қишлоқларида карнай — сурнай садолари остида «Наврўз»га зўр тайёргарлик кўриляётганлиги, бу вилоятларнинг аҳолиси мазкур тадбирларнинг ҳар куни гувоҳи бўлиб турганлигини билдиришиб, «бизда «Наврўз» нишонланмаса, халқимизга бунинг сабабини қандай тушунтирамиз», деб сўраб қолишди. «Бу сизларнинг ишингиз эмас, — деб дағдаға қилди Р.Абдуллаева — сизнинг вазифангиз МҚ топшириғини бажариш», деб хулоса қилди. МҚ котиби Р.Абдуллаева ўйлаб туриб, кейинги йилдан бошлаб «Наврўз» ўрнига «Навбахор» байрамини жорий этиш ҳақида ваъда берди. Ўша йили қўшни республикаларда «Наврўз» кенг умумхалқ байрами сифатида нишонланиб, бизда эса «21 март — ирқий камситишни тугатиш учун халқаро кураш куни» билан алмаштирилди¹. Шундан сўнг республикада, хусусан

¹ Ўша йилларда радиола бош муҳаррир бўлиб ишлаган Н. Тожибоев билан қилинган суҳбатдан. Суҳбат 2004 йил 15 июлда ёзиб олинган.

Сурхондарё вилоятининг Денов, Сарносие туманларида истиқомат қилувчи айрим аҳоли Тожикистон туманларига бориб бу байрамни нишонладилар¹.

«Наврўз» байрамига бўлган муносабат 80 – йилларнинг охирларига келиб Ўзбекистон ССРининг янги сиёсий раҳбарияти давридан бошлаб ўзгарди. Уша вақтларда идеология ишлари комиссияси “Наврўз” байрамини нишонлаш масаласини қайтадан кўриб чиқди. Натижада, бу байрамни 21 мартдан 21 апрелгача “Раҳм – шафқат ва атроф – муҳитни муҳофаза қилиш ойлиги”, деб эълон қилиш тавсия этилди.² Шу муддат ичида “Хотира куни”, “Биринчи пушга”, “Биринчи экин”, “Дон, майса ва сув куни”ни, болаларнинг “Бойчечак” байрамини ва бошқа маросимларни ўтказиш ҳам белгиланди.³ Юқоридаги тадбирлар совет тузуми хали қуламасдан, республикада юзага келган миллий уйғонини жараёнидаги муҳим қадамлардан бири эди.

СССРда бошланган жамият ҳаётини янгилаш, демократлаштиришга қаратилган «ошкоралик» миллий сиёсатда ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлган эди. Чунинчи, М.Горбачев ташаббуси билан бошланган “қайта қуриш” сиёсати аввалига иқтисодий муаммолар ечимини топишга қаратилган бўлиб, унинг доирасига миллий муносабатларда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар киритилмаган эди. Мамлакатнинг турли ҳудудларида эса «ошкоралик» кенг тарзда миллий ўзликни англаш жараёнини бошлаб берган, шаҳарларда миллий тил ва маданиятга нисбатан муносабат кучайиб, миллий бирликни мустаҳкамлаш учун бўлаётган ҳаракатлар кенг тус ола бошлаган эди. Бу ҳаракатларга бошчилик қилаётган йўлбошчиларга нисбатан эътибор ҳам ортган, турли халқ, миллат вакиллари ўз йўлбошчилари атрофида жинслаша бошлаган эдилар. 1989 – 90 йилларга келиб, собиқ иттифоқ ҳудудида яшаётган халқларнинг ўз етакчилари атрофида бирлашини жараёни яна ҳам тезлашиб кетди⁴. Тез орада мазкур «норасмий» ҳаракатлар мустақиллик учун кураш йўлидаги ҳаракатларга айлана бошлади. Йиллар давомида тўпланиб қолган миллий индииятлар очиқ юзага чиққан, марказ раҳбарларининг

¹ Адибтик ҳафтадори – Т. «Ўзбекистон» 1989 йил, 201-бет.

² «Совет Ўзбекистони» 1989 йил, 26 февраль.

³ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989 йил, 3 март.

⁴ «Общественные науки и современность» №8, 1991, С. 36.

сиёсий қалтабинчилиги ўлароқ бу мамлакатдаги ўзгаришлар жиддий тўқнашувларга, стихияли чиқишларга, миллий манфаатларни ҳимоя этиш билан боғлиқ бўлган митингларга, оммавий порозилик акцияларига, адолатли қонулар қабул қилишни талаб қилувчи жараёнларга айланди. Қолаверса, мамлакатдаги турли чиқишларда республикалар билан марказ ўртасида турли даражадаги миллий давлатчилик шакллари, автоном республикаларни иттифоқдош республикаларга айлантириш учун сепаратчилик ҳаракатлари ҳам кучайди. Олмаота, Ўш, Фарғона воқеалари, Тоғли Қорабўғ, Тбилисидаги қонли тўқнашувлар, Молдавия, Болтиқбўйи республикалари, Шимолий Кавказдаги кескинлашган вазият, республикалар ўртасидаги иқтисодий, ҳудудий келишмовчиликлар ва бошқалар шулар жумласидандир.

Тан олин керакки, даставвал Украина, Болтиқбўйи республикаларида миллий манфаатлари учун ҳаракатлар кучайди. 1974 йилда Литвада “Миллий халқ фронти” ташкил этилди. У узоқ ва яқин вақтга мўлжалланган дастурини ҳам ўзлон қилди. Яқин вақтга мўлжалланган дастурда Литва тилига Давлат тили мақомини бериш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, сиёсий маҳбусларни озод қилиш, совет мустамакачилигини тугатиш вазифалари қўйилди. Узоқ вақтга мўлжалланган дастурда эса мустақиллик ҳақида умумхалқ фикр сўровини ўтказиш, Шимолий Атлантика Иттифоқи, НАТО ва Варшава шартномаси доирасида юзага келган ҳарбий блокларни тарқатиб юбориш, “Европа кўнма иллатлари эркин оиласини” ташкил этиш сингари вазифалар кун тартибига қўйилди. Ўзликни англаш, айниқса, ёшлар, талабалар орасида асосий мавзуга айланди. Жумладан, 1972 йил Литва университети талабаси Роман Каланга “Литвага озодлик берилсин” деб ёзилган шиор остида ўз – ўзини намоёншкорона тарзда ёкиб юборди¹. Кўнгина иттифоқдош республикаларда шакланган «миллий фронтлар» жиддий ижтимоий – сиёсий кучга айланди. Улар миллий муносабатлар борасидаги адолатсизликларни очиқ фон қилиш билан барча масалаларни демократия, ошкоралик асосида ҳал қилишни талаб қилдилар. Табиийки, уларнинг бу талабларига марказ ҳукумати эътибор бермаслиги мумкин эмас эди.² Бутун

¹ Каранг, Джеффри Хоркин. История Советского Союза. Смоленск. Русия. 2010. С.42

² Известия ЦК КПСС. №6. 1982. С.76.

мамлакатда кучайиб кетаётган миллий ҳаракатлар натижасида сиёсий раҳбарият идеология ташкилотлари зиммасига фуқароларда совет федерализмининг моҳияти ва аҳамияти ҳақида тўғри тушунча ҳосил қилиш, совет федерализмининг катта имкониятларини халққа тушунтириш, бу имкониятлардан тўғри фойдаланиш йўллари белгилаш вазифаларини юклатишга мажбур бўлди.¹ Шунда ҳам совет давлати раҳбарияти турли миллий зиддиятларни аввал кескинлаштириб, кейин ўзини уларни адолатли ҳал этишга интилаётган «одил ҳакамдек» қилиб кўрсатишга ҳаракат қилди.

Совет давлатининг сўнги ўн йиллигида кучайиб кетган миллий муносабатлардаги зиддиятларнинг бундай кескинлашишига асос бўлган сабаблар ҳақида бир неча қарашлар ҳам мавжуд. Баъзи тадқиқотчилар миллий муносабатларнинг кескинлашишини «цивилизациялар инқирози» дея таърифлаб, уларни асосан эътиқодий, маданий келишмовчиликлар билан боғлайдилар. Жумладан, собиқ совет тузумидаги миллий муносабатларнинг кескинлашиши ҳам турли диний ва миллий эътиқодлар билан боғланган маданиятлар ўртасидаги тўқнашув, деб таърифланади.

Бошқа нуқтаи назарга кўра, бу борадаги инқирознинг сабаби мустамлака тузумига қарши қаратилган ҳаракатларга асос бўлган миллий ғоя ва мафкуранинг ижтимоий оғишта чуқур таъсир этиши, халқларнинг миллий мустақиллик учун ҳаракатларининг янги босқичга кўтарилишидир, дея баҳо берилди.

«Мафкуравий тазйиқ назарияси» деб аталган қарашга кўра, совет тузуми даврида ҳар томонлама эзилиб, камситилиб келинган халқлар «қайта қуриш» давридаги имкониятлардан фойдаланиб, ўз манфаатлари учун очиқ ва кескин кураш йўлига ўтиб олиши бўлди².

Совет давлатида кучайиб кетган миллий муносабатлар масаласи 1988 йилда бўлиб ўтган XIX партия конференциясида биринчи маротаба очиқ таҳлил этилиб, унда қабул қилинган резолюцияда кўп йиллар давомида

¹ Известия ЦК КПСС, №6, 1989, С.77.

² Қаранг: Здравомыслов А.Г. Межнациональные конфликты в постсоветском пространстве М.: Аспект Пресс, 1996 С.11.

миллий масалани ҳал этишга қаратилган тадбирлар ҳаддан ташқари бўрттириб кўрсатилганлиги, миллий муносабатлар борасида ҳеч қандай жиддий муаммо йўқ, деган фикр олдинга суриб келинганлиги, баъзи республикалар, автоном ҳудудлар, миллий гуруҳларнинг ижтимоий, маданий тараққиёти билан боғлиқ бўлган масалаларга эътибор берилмаганлиги натижасида омманинг норозилиги кучайиб, миллий ихтилофлар кучайиб кетганлиги таъкидланган эди¹. Шунингдек, конференция резолюциясида мамлакатда «миллий эгоизм, боқимандалик, маҳаллийчилик кайфиятлари кучайиб бораётгани», миллий муносабатлардаги зиддиятлар алақачон пайдо бўлган бўлса ҳам ниқобланиб, яшириб келингани очиқ кўрсатилди.

XIX партия конференцияси қарорларида «Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, марказ компетенциясини чеклаш, республикаларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳаёт масалаларини ҳал этиш борасида мустақил иш юритиши билан боғлиқ бўлган функцияларини кенгайтириш»² вазифалари белгиланган бўлсада, мамлакатда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазият кун сайин оғирлашиб бораётгани сабабли уларни амалга оширишга вақт ҳам, имконият ҳам йўқ эди. Конференция қарорига биноан 1989 йил сентябрь ойида КПСС МҚнинг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди ва «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати тўғрисида» КПССнинг Ҳаракат Дастури қабул қилинди. Пленум материаллари мамлакатда вазиятга қисман бўлса — да, ҳолис ёндашиш имконини бергани учун миллий муносабатлардаги зиддиятлар кучайишининг айрим сабаблари ҳақида ҳам очиқ — ойдин гапириш имкони юзага келди. Ўзбекистон раҳбари И.А.Каримов пленумда сўзлаган нутқида республикада миллий муносабатлар борасидаги зиддиятлар кучайиши сабаблари устида алоҳида тўхталиб, аҳолини иш билан таъминлашда юзага келган қийинчиликлар, аҳолининг ўсиш суръати юқорилиги ва уларни уй — жой билан таъминлаш масаласидаги ўткир муаммолар республика халқ хўжалиги бир ёқлама ривожланганлиги, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришдаги ҳаддан ташқари кўп

¹ КПСС в резолюциях съездов, конференции и пленумов ЦК. Том 15, 1985-1988. М.: 1988. С. 641.

² КПСС в резолюциях съездов, конференции и пленумов ЦК. Том 15, 1985-1988. С. 642.

нуқсонлар, ўзбошимчаликларга йўл қўйилганлиги миллий эъдиётларнинг янада кескинлашувига олиб келганлигини алоҳида таъкидлади¹.

Қисқаси, 1922 йилда ташкил топган совет республикалари иттифоқининг 69 йил СССР таркибида, 74 йил большевиклар таъсири остида бўлиши бугун мамлакатни ижтимоий – иқтисодий ва маънавий соҳалардаги ҳаётини назорат қилиб бўлмайдиган даражада инқирозга олиб келди. Мамлакатда «ягона иқтисодий макон», «ягона совет халқи», «социалистик маданият»ни қарор топтириш баҳонасида бугун бошқарувни қўлга олган марказнинг республикалар манфаатларини ҳисобга олмай юргизган сиёсати халқ турмуш тарзини, республикалардаги иқтисодий аҳволни оғирлаштириб юборди. Партиянинг «раҳнамолиги» остида шахсий мулк умумий тарзда «халқ мулкига» айлансада, амада унинг ҳақиқий эгаси давлат бўлиб қолди. Синфий бўлиниш йўқолиб, табақалар, турли гуруҳлар давлат тасарруфи остида қолди. СССРда миллатлараро муносабатлар тобора кескинлашиб, 80 – йилларга келганда миллий тўқнашувларга айланиб кетди. Бу даврда кучайиб кетган миллий онг ва турмуш тарзидаги «ўтмин сарқитларига» қарши кураш истеъмолчилик психологиясига чек қўйиш йўлидаги қўпол тазйиқ, халқларнинг миллий урф – одатлари ва маросимларини чеклаш, тобора кучайиб бораётган миллий руҳни сўндиришга қаратилган қатағонлар, халқнинг онгида чуқур ўрин олган диний эътиқодларга қарши муросасиз кураш йўлида кўрилган чора – тадбирлар ҳам миллий манфаатларни ҳимоя қилиш йўлидаги ҳаракатларнинг кучайишига таъсир этган сабаблар доирасидан жой олди.

Дастлаб Россия империяси таъсири остида, 1917 йилдан советлар қўл остида бўлган Туркистон ижтимоий – иқтисодий ҳаёт бошқаруви асосини ташкил этган мустамлака сиёсат ўлкада тақчиллик доираси кенгайиб, халқ турмуш даражаси пасайиб кетди. Марказдан юборилган кадрлар ҳам инқирозларнинг асосий сабабларини текшириш ўрнига собиқ партия берган топшириқларни бажарувчи дастёрларга айланиб қолдилар. Улар маҳаллий раҳбар кадрларга азоб бериш, чидаб бўлмайдиган топшириқларни бериш билан

¹ Қаранг: «Совет Ўзбекистони», 1989 йил, 23 сентябрь.

маҳаллий раҳбар кадрларни ҳам юқоридан берилган буйруқларни сўзсиз бажарувчига айлантириб олдилар. Натижада, кадрлар сиёсати тўлалигича марказ қўл остида қолди, республика ва вилоят аҳамиятига эга бўлган лавозимларга тайинланган маҳаллий раҳбарлар марказ рухсати билан сайланди.

Айни пайтда миллий муаммоларни оқилона ҳал этиш, миллатни миллий ва маданий эҳтиёжларини қаноатлантириш керак бўлган вақтда ўз халқини сабр – матонат, теран билим ва тафаккурга етаклаган Ўзбекистоннинг 80 – йиллар охиридаги янги раҳбарияти марказнинг маккор сиёсатига, тазйиқларига барҳам беришга қатъий киришди. «Пахта иши», «ўзбек иши» деган уйдирмаларга барҳам бериб, таъқиб – тазйиққа учраган ватандошларга озодлик берди.

2–қисм. Сиёсий қатағонларнинг янги босқичида маҳаллий кадрларга муносабат ва «пахта иши» уйдирмалари

Совет давлатининг кадрларни танлаш ва тарбиялаш, улардан фойдаланишга қаратилган сиёсати ҳамма вақт мустамлакачилик манфаатлари ва мақсадлари билан боғлиқ бўлган. Собиқ иттифоқдош республикалар, уларнинг ҳудудлари, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётини бошқариш кўпроқ маҳаллий раҳбар ва кадрларга топширилган бўлса – да, лекин уларнинг фаолияти тақдири партия, иттифоқ ҳукумати билан чамбарчас боғлиқ ҳамда унга хизмат қилувчи кадрлар устидан қаттиқ назорат ҳам ўрнатилган эди. Маҳаллий бошқарув тизимларида раҳбарлар ҳамда кадрларни шафқатсиз қатағонлар ҳисобига қўрқув ҳисси остида ушлаб туриш, уларни ғоявий, мафкуравий қарамлик руҳида тарбиялаш кадрлар сиёсатининг устивор йўналишларидан бири бўлди.

Мамлакатда кадрлар тайёрлаш тизими фақат касбий билим беришдан иборат бўлмай, «марксча – ленинча» дунёқараш ва меҳнатга «коммунистик муносабатни» шакллантиришни ўз ичига оларди¹. Бу ўринда партия, совет, касаба союз, комсомол ходимларини тайёрлаш учун махсус ўқув юрглари мавжуд бўлиб, мазкур даргоҳлар иттифоқдош

¹ Ўзбек Совет Энциклопедияси. Т – 5. ЎСЭ Бош редакцияси. Т.: 1974. 240 – бет.

на автоном республикалар учун раҳбарлар тайёрлашда катта «аҳамият» касб этган ва мактабни мамлакат сиёсий, ижтимоий — иқтисодий ҳаётини бошқаришда юқоридан берилган топшириқларни кўр — кўрона бажарадиган кадрларни тарбиялайдиган маконга айлантириб қўйган. Масалан, Тошкент Олий партия мактаби партия ва совет давлат кадрларини етиштириб ёки уларни қайта тайёрлаган ҳолда Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР, Туркменистон ССР, Қирғизистон ССРнинг жанубий районлари учун партия ва совет ходимларини тайёрларди¹. Бу ўқув даргоҳи ўрта маълумотлилар учун тўрт йил, олий маълумотлилар учун икки йил бўлган. КПСС МҚ ҳузуридаги Ижтимоий Фанлар Академияси ҳам марказий партия муассасалари, иттифоқдош республикалар коммунистик партиялари МҚлари, КПСС туман ва вилоят қўмиталари учун назарий ходимлар, олий ўқув юртлири учун ўқитувчилар, илмий тадқиқот институтлари учун ва илмий журналларнинг илмий ходимларини тайёрловчи олий партия ўқув юрти эди².

Ушбу давр таҳлилга доир тадқиқотлардан келиб чиқиб шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, совет давлатида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаёт қанчалик чуқурлашиб борса, «кадрлар «малакаси»ни ошириш, мамлакатда содир бўлаётган ўзгаришларни, уларнинг характери ва оқиоатларини «марксизм — ленинизм» таълимотидан келиб чиққан ҳолда чуқур тушунтириб бориш тўхтовсиз таъминлаб турилган»³.

Мамлакатда кадрлар тайёрлаш тизими ўзининг тузилиши ва хусусиятларига эга бўлиб, бошланғич сиёсий мактаблар мунтазам ўқишга тайёр бўлмаган тингловчилар учун йўналтирилган ва уларда сиёсий ва иқтисодий билимлар берилган. Тингловчиларнинг бу гуруҳида коммунистик ахлоқ даражаси ва асосларини бўйича ҳам таълим бериш йўлга қўйилган эди. Ўрта гуруҳда олий гуруҳдаги машғулотларга тайёр бўлмаган тингловчиларнинг ўқиши ташкил этилиб, уларга асосан партия тарихи, сиёсий иқтисод, фалсафа, илмий коммунизм фанларидан дарс берилган. Олий гуруҳдаги кадрлар тайёрлаш тизими эса асосан раҳбар

¹ Ўзбек Совет Энциклопедияси. Т—8. 203—бет.

² Ўзбек Совет Энциклопедияси. Т—4. 549—бет.

³ Кадрларни ҳаёвий чиниқтирайлик. // Ўзбекистон коммунисти. 1973. №10. 27—бет.

кадрларни, илмий ва бадий йўналишдаги зиёлиларни, халқ хўжалигидаги мутахассисларни ўқитишни ташкил этиб, уларни ўқитиш меҳнат ва жамоа фаолиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилган¹. Бироқ, кадрлар масаласига бундай ёндошув ва усуллар улар орасида ижтимоий – иқтисодий ҳаётга бефарқлик билан қараш, режаларни қоғозларда бажариш билан чекланиш ҳолатларини кучайтириб юборган эди. Бундай ҳолат биз ўрганаётган XX асрнинг 80 – йилларига келиб, СССР ижтимоий – иқтисодий, сиёсий ҳаётида яққол кўзга ташланиб қолди. Гарчи мамлакатда кучайиб келаётган танг аҳвол партия ва совет раҳбарияти олдига ҳаётга янгича қараш билан ижтимоий – иқтисодий инқирозларни олдини олиш учун амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни юкласада, бироқ, сиёсий раҳбарият бу вазифаларни фақат кадрлар масаласи билан боғлади.

КПСС МҚ Бош котиби Л.И.Брежнев вафотидан сўнг (1982) раҳбарликни қўлга олган Ю.В.Андропов мамлакатда кадрларни танлаш ва ишга жойлаштириш сиёсатида таъқиб ва тазйиққа асосланган қаттиққўллик йўлининг тарафдори сифатида майдонга чиқди. Ю.В.Андропов Давлат Хавфсизлик Қўмитасидаги тажрибасидан келиб чиққан ҳолда мамлакатнинг тобора оғирлашаётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётига доир бўлган барча маълумотлардан, жумладан раҳбар – кадрлар фаолиятидаги хато ва камчиликлардан табиийки, хабардор эди². Бироқ, ўша йиллардаги сиёсий раҳбариятнинг хатоларидан бири шунда эдики, улар мамлакатдаги иқтисодий инқирозларнинг сабабларини фақат кадрлар лаёқатсизлиги билан боғлаганди.

1982 йил КПСС МҚнинг июнь пленуми ҳам айнан партия идеологик, оммавий сиёсий ишининг муҳим масалаларига бағишланди. Пленумнинг биринчи иш куни КПСС МҚ котиби К.У.Черненко маъруза қилди. У жамиятдаги порахўрлик иллатларининг асосий сабабларини «бирон – бир ходимнинг хатоларидан, ривожланишнинг аниқ муаммоларидан ва қийинчиликларидан» қидириш лозимлигини таъкидлади³. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш

¹ Кадрларни чиниктирайлик // Узбекистон коммунисти. 1973. №10. 32 – бет.

² Балаканин, Ю.В., Петров, А.И., Сорокин Ю.А. Очерки по отечественной истории С.358

³ «Совет Узбекистони» 1983 йил, 15 июнь.

учун доимий ташвиқот билан бирга иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий тартибдаги чора – тадбирларни белгилаш лозимлигини таъкидланди. Пленумнинг иккинчи куни маъруза қилган КПСС МҚ Бош котиби Ю.В.Андропов идеология ипидаги асосий вазифаларни белгилаб берди. Бу вазифалар асосан ташвиқот ва тарғибот ишлари бўлиб, уларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, ташвиқот ва тарғибот ишларида ижтимоий фанларни фаолиятини кенгайтиш ва партия ишларига тайёрланаётган кадрларни ўқитишда партия фаолиятининг назарий томонларини чуқур сингдириш ва бу кадрларни масъул ишларга жойлаштириб, уларни ишлаши учун шароитлар яратиб беришдан иборат бўлди¹. Марказ масъул ходимининг мамлакатдаги етилиб келган жиддий муаммоларни ходимларнинг хатоларидан қидириш зарурлиги тўғрисидаги маърузаси «кадрлар инқилоби»²ни бошлади. Муҳокама қилинган масала юзасидан қабул қилинган қарорда «совет турмуш тарзи, социализмнинг энг асосий бойликларини моҳирлик билан ижодий ташвиқот қилиш³» ва мамлакатда раҳбар кадрларнинг сиёсий билимларини ошириш масаласини кўндаланг қўйилди⁴. Натижада партия ғояларини урганиш кадрлар билан ишланшининг асосий вазифасига айланди. КПСС МҚ қошидаги Ижтимоий Фанлар Академияси, Олий партия мактаби, Республика компартиялари қошидаги партия мактабларидан ҳам кенг фойдаланиш юзасидан вазифалар белгиланди⁵. Коммунистик қурилишнинг назарий ва амалий муаммоларини ўрганувчилар учун индивидуал дастурлар тузилди. Мазкур масалага КПСС МҚнинг 1984 йил навбатдаги октябрь пленумида яна алоҳида таъкидланиб, «марксизм – ленинизм ғояларига, коммунизм қурилиши ишига садоқатлилиқ кадрларнинг асосий фазилати сифатида баҳоланди»⁶.

Бундай ҳолат Ўзбекистонда ҳам кўзга ташланди. Шу йиллардан бошлаб марказ чизиб берган йўлдан бориш

¹ «Совет Ўзбекистони». 1983 йил, 16 июнь.

² Ратковский И.С., Ходяков М.В. История Советской России. СПб – Лань, 2001. С.337.

³ «Совет Ўзбекистони» 1983 йил, 15 июнь.

⁴ // Партийная жизнь 1984. №8. С.8.

⁵ Ситников.В. В центре внимания-усиление требовательности к кадрам. // Партийная жизнь 1984. №20. С.44.

⁶ // Партийная жизнь 1984. №21. С.3

республика раҳбариятининг асосий вазифаси бўлиб қолди. Олий партия мактаби, партия, совет ва идеология кадрлари малакасини ошириш курсларида Ўзбекистон Олий Совети депутатлари, қишлоқ, туман ижроия қўмиталари кенгашлари раислари, вилоят партия қўмиталари, Олий Совет президиумлари масъул ходимлари ўқитиша бошланди. Шунингдек, вилоятлараро ташкил этилган курсларга турли масъул лавозимлардаги шахслар жалб этилди. Тошкент Олий партия мактабида таълим олишга Тожикистон ва Туркменистондан партия ва давлат арбоблари жалб этилди. Маълумотларга кўра 1983 йил охири ва 1984 йил бошларида 2.835 раҳбар партия ва совет ходимлари малакасини ошириш институтига, 91 киши КПСС МҚ қошидаги Ижтимоий Фанлар Академиясига, 391 киши Тошкент Олий партия мактаби қошидаги раҳбар кадрлар малакасини оширувчи республикалараро доимий курсларда ўқишга юборилди. Шу билан бир қаторда 1.275 киши вилоятлараро малака ошириш курсларида, 1.076 киши бошланғич партия ташкилотлари котибларини малака ошириш курсларида ўқитилди¹. Шак — шуоҳасиз гоъвий — назарий жиҳатдан ўқитилган ҳар қандай танаббускор, маълум фикрга эга билимли раҳбар ҳам мамлакатда шакланган вазиятга кўникиб, умумий оқимга кўшилиб кетишдан бошқа йўл топа олмас эди.

Кадрларни танлаш ва уларни тарбиялашда сиёсий андозалар, ақидалар асосий мезон бўлиб қолганини бу мактаблар учун тузилган ўқув режаларидан ҳам кўриш мумкин. Масалан, "Ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг актуал муаммолари" юзасидан белгиланган ўқув режаларида 18 соат маъруза ўқиш, 30 соат амалий машғулотлар ўтказиш режалаштирилган эди. Белгиланган маъруза мавзусига мафкуравий ишлар аҳамиятини ёритиш, "буржуа идеологиясини" фош қилиш сингари масалалар киритилган. Ўқув режаларида фан ва техника тараққиёти тез суръатлар билан амалга ошаётган бир даврда жамият ҳаётини оқилона бошқариш йўллариини ёритиш билан боғлиқ бўлган бирорта ҳам мавзу йўқ ҳисобида эди. "Ҳатто айтиш мумкинки, ташвиқотчи ҳақиқатни гапираётганда ҳам олгон сўзлайди, — деб ёзади америкалик социолог М. Чукас, — ташвиқотчи ҳақиқатдан

¹ ПЛАННИ қ. - 17, ошисъ. 153, дево. 264, аист. 85

асло манфаатдор эмас, унинг асосий вазифаси хом хаёллар туғдиришдан иборатдир.”¹ Дарҳақиқат ташвиқот билан амалга оширилаётган бу ишлар кадрлар танлаш ва тарбиялашда керак бўлган вазифаларни амалга ошириши гумон эди.

Бироқ, таркибида 15 та республика бўлган, жами 270 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилган бу улкан мамлакатда давлатни бошқаришдаги маъмурий – буйруқбозлик усуллари мустаҳкамланиб, ҳар бир масалани қоғозбозлик билан ҳал этиш кўлами кенг бўлиб, буни фақат кадрларнинг сиёсий савиясини ошириш билан ҳал этиб бўлмас эди. Бунинг устига маъмурий ташкилотларнинг кўпчилиги, уларда партия ва совет органлари учун махсус тайёрланган раҳбарларни ижтимоий – иқтисодий масалаларни ечишда марказ кўрсатмаларидан нарига ўта олмаслиги, ишлаб чиқаришга, қишлоқ хўжалигига янгиликлар олиб кириш каби масалаларни одилона ҳал қилишга имкон бермас эди. Маълумотларга кўра, 1965 йилда бутун мамлакатда вазирлик ва уларга тенглаштирилган муассасаларнинг сони 29 та бўлган бўлса, 80 – йиллар ўрталарига келиб эса бу кўрсаткич 160 тани ташкил этган. Бошқарув идораларида ишловчиларнинг сони эса 18 млн. кишига етган. Шуларнинг 1,6 миллиони вазирликларнинг юқори ва ўрта бўғинларида, 11,5 миллиони ташкилотлар бошқарувида, 3,5 миллиони техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташкил тошган. Бундай катта ашаратни бошқариш учун ҳар йили мамлакатда 40 млрд. рубль ёки давлат бюджетининг 10 фоизи сарфланган.² Маъмурий буйруқбозлик аппаратининг асосий негизи ҳам шулар ташкил этган.

КПСС МҚнинг июнь пленумидан сўнг ўтган қисқа вақт ичида собиқ СССРда таъқиб ва тазйиққа асосланган маъмурий – буйруқбозлик тузуми асослари янада мустаҳкамланди. 1983 йил СССР Министрлар Совети ва Бутуниттифоқ Касаба уюшмаси «Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди³. Мазкур қарорда мамлакатда иш вақтининг

¹ Ўзбекистон коммунисти, 1981, №5, 82 – бет

² История России. XX век. М.: АСТ, 2000, С.580

³ КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК. 1–14 т. Политиздат, 1987 С.152

бекорга сарф этилаётганлиги, меҳнат интизоми бузилаётганлиги, меҳнат ресурсларидан нотўғри фойдаланилаётганлиги, кадрлар қўнимсизлиги ортиб, мансабни суистеъмол қилиш ҳолатлари ортиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди. Натижада, мамлакатда иш вақтида шаҳар кўчаларида юрганлар қаттиқ назорат остига олинди, агарда уларда узрли сабаб топилмаса маъмурий жазога тортила бошланди. Айни пайтда, Давлат Хавфсизлик Қўмитаси мамлакатда назоратни қўлга олган асосий орган бўлиб қолаверди¹.

Таъкидлаш жоизки, бу йилларда бошланган қатағонларда Давлат Хавфсизлик Қўмитаси "совет турмуш тарзи принципларини бузганларга" 30–50– йиллардаги каби сиёсий айбларни қўйиб ҳибсга олмади, аксинча, уларни "иқтисодий жиноятларга йўл қўйгани" баҳонаси билан жавобгарликка торттирди². Агар Давлат Хавфсизлик Қўмитаси ходимлари томонидан 1963–66 йилларда мамлакатда 3.251 киши, 1967–70 йилларда 2.456 киши турли шаклда ва даражада жавобгарликка тортилган бўлса, бу рақам 80–йилларга келиб 58.298 кишини ташкил этди³. 1984 йилнинг бошидан марказ раҳбарларининг 31 фоизи, КПСС МКнинг 9 та котиби, Украинада 34 фоиз, Қозоғистонда 32 фоиз юқори лавозимдаги раҳбарлари алмаштирилди.⁴ Лекин, улар йўл қўйган "ҳаю"ларининг туб моҳияти ва сабаблари чуқур ўрганилишга муносиб деб топилмади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, тадқиқот таҳлилида кадрларни тарбиялаш, улар фаолиятини бошқаришда «пойлоқчилик усули» ҳам йўлга қўйилганлиги кўзга ташланади. Бу усул, асосан, миллий раҳбар кадрлар фаолиятларига нисбатан қўлланилган. Кадрлар масаласидаги «пойлоқчилик»нинг асосий принципларидан бири – "бошқариш қийин" бўлган кишиларни мансабга қўймаслик ҳамда "бошқариш осон" бўлганларни танлаб, масъул жойларга тайинлашдан иборат бўлди. Ана шу "бошқариш осон" бўлганлар марказ белгилagan режалар мезонлари ва

¹ Шубин А.В. От «застоя» к реформам. СССР в 1917-1985 гг. -М: «Российская политическая энциклопедия», 2001. С.259

² Пихоя, Р.Г.Советский союз: история власти 1945–1991. Новосибирск.: Сибирские хронограф. 2000. С.112.

³ Там же. С.376.

⁴ Шубин. А.В. От "застоя" к реформам. СССР в 1917–1985 гг. С.264.

мисрлари усулларига таяниб, уларнинг чегарасидан чиқмай ишлай бошладилар¹. Айнан мана шу “бошқариш осон” бўмбанлар мамлакатни ҳам сиёсий, маънавий, иқтисодий жиҳатдан тушкунлик ҳолатига олиб келиб қўйдилар.

Мамлакатда инқирозий муаммоларда «айбдор» саналган кадрларга нисбатан бошланган тайзиқ ва таъқиб чоралари, аниқса Ўзбекистонда ўзини яққол намоён этди. Республикадаги маҳаллий кадрларга нисбатан бўлган муносабат ниҳоятда кескинланди. Уларнинг фаолияти усидан бўлган доимий назоратнинг янги шакллари юзага келди, мустақил ишлай имкониятлари чеклаб қўйилди.

XX аср 80 – йилларида Ўзбекистондаги миллий кадрларга нисбатан уюштирилган янги қатағонлар “Сталинизм давридаги сингари оммавий тарзда ва қонли тус бўлмаган бўлса – да, лекин таъқиб, тайзиқ қилишлар, жиноий жавобгарликка тортиш ҳоллари, эътиқоди коммунистик мафкура андозаларига сирмай қолган шахсларни руҳий касаллар шифохонасига беркигиб қўйиш каби жинояткорона ишлар СССР барбод бўлгунга қадар мунтазам давом этди.”² Маҳаллий кадрларга нисбатан бўлган таъқиб республикада «пахта иши», “ўзбеклар иши” уйдирмалари билан хасишуланди.

80 – йилларнинг бошида республика ҳаётида Ўзбекистон КП МҚнинг 1984 йил ХУ1 пленуми катта «бурилиш» ясади. Пленумдан кейинги йилларда руй берган воқеалар ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайиб бориши, қишлоқ хўжалигида юзага келган танг вазият, ижтимоий – иқтисодий ҳаётдаги инқирозий кўринишлар бутун мамлакатдаги вазиятдан ажратилиб, алоҳида олиб қаралди. Шу боис ҳам республика ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги барча салбий ҳолатларнинг туб моҳияти таҳлил этилмади ва очиб берилмади. Аксинча, уларга айрим олиб қаралган маҳаллий кадрларнинг фаолияти билан боғлиқ тарзда миллий, минтақавий воқелик сифатидагина баҳо берилди. Натижада, Ўзбекистон ССР тўғрисида совет мамлакатидagi “порахўрликлар, қўшиб ёзишлар, ўғрилиқ кучайиб кетган ягона ҳудуд”, деган тушунча пайдо бўлди.

¹ Шкбий А.В. От «агастоя» к реформам СССР в 1917-1985 гг. С.252 – 262.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Шкбийни китоб. Ўзбекистон совет муштамакачилиши даврида. 320 – бет.

Пленум фақат юқори поғонадаги собиқ республика раҳбарларининг хато ва камчиликларига урғу бериб, уларни кўр – кўрона танқид қилиш билангина чекланди. Шунингдек, кадрларни танлаш, тарбиялаш ва йўл қўйилган камчиликларга қарши курашнинг асосий шартларидан бири танқид ва ўз – ўзини танқид экани бир неча мартаба такрорлаб ўтилди. Айни пайтда танқиднинг объекти ва мазмуни асосан юқоридан белгилаб берилганлиги учун ҳам совет давлати сиёсатини, олий даражадаги КПСС ва СССР раҳбарияти ҳаққоний тарзда танқид қилганларни мавжуд тузумнинг, партия сиёсатининг душмани деб қараш анъана бўлиб қолди. Натижада, 80 – йилларнинг биринчи ярмида республикада раҳбар ходимларга қарши бошланган биринчи таъқиб Ўзбекистон КП МКЎнинг собиқ биринчи котиби Ш.Р.Рашидовга қарши қаратилди. Ш.Р.Рашидовнинг ўлимидан сўнг унга қарши бошланган турли уйдирмалар 1989 йилнинг биринчи ярмигача давом этди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Ш.Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантанада сўзлаган нутқида Ш.Рашидовни ўзбек халқи миллий манфаати йўлидаги хизматларини кўрсатиб, унинг марказдан келган туб манфаатларга зид буйруқларни ҳаётга тадбиқ этишга мажбур бўлганини айтиб ўтган эди. Ўзбекистон Президенти ушбу тантанада «Ш.Рашидов – ўзбек номини улуғлаш учун унинг энг юксак фазилатларини намоён қилишга жонини фидо этган инсондир. Шу туфайли халқимиз юрагидан муносиб жой олган ва унинг меҳрига сазовор бўлган», деб ҳаққоний баҳо берган эди¹.

“Қосимовчилик”, “Иноғомовчилик”нинг лантиқий давоми бўлган “Рашидовчилик” деб аталган бу уйдирмалар совет давлати сиёсатининг асосий хусусиятларидан бири эди. Халқ ўртасида обрў қозонган раҳбарлар номини албатта қоралаш билан уларни обрўсини тўкиш ва халққа гўёки маҳаллий раҳбарларни ҳеч нарсада “уқувни йўқлиги”ни кўрсатиб қўйишдан иборат бўлган. Шунинг учун Ўзбекистонда юз берган барча иқтисодий қийинчиликлар собиқ биринчи котиб номини ва фаолиятини билан боеланди². Шу

¹ Каримов, И.А. Ўзбекистон миллий иштирокчи, иқтисод, сиёсат, мафҳура. Т. Ўзбекистон. 996-96-бет.

² Қаранг: Ризоев С. Шараф Рашидов. Штрихи к портрету С.5

йилларда Ўзбекистон раҳбарияти Ш.Рашидов номини бутун мамлакат ҳудудида қоралаш билан банд бўдилар. Лекин, 1983 йил 23 декабрда КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг «Ш.Рашидов номини абадийлаштириш» ҳақидаги қарори қабул қилинган эди¹. Мазкур қарорга кўра Ўзбекистонда Тўқимачилик комбинати, Жиззах шаҳридаги кутубхона, Қорақалпоғистон АССР Қораузақ туманидаги «Маданият» совхозига, Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон кўчасига Ш.Рашидов номини бериш, шунингдек Тошкентдаги Г.Лопатин кўчасидаги 68 – уйда, Самарқанд Университетида Ш.Рашидовга мемориал доска қўйиш, СССР Ҳарбий флоти учун қурилатган кемалардан бирига Ш. Рашидов номи берилиши лозим эди. Лекин Ўзбекистоннинг ўша вақтлардаги раҳбарияти бир неча мартаба бу қарорни бекор қилишни марказдан сўради².

Ўзбекистонда Ш.Рашидовга қарши бошланган фитналар билан бирга шу йилларда раҳбарлик лавозимларида ишлаган кишилар ҳам бирин – кетин қатағонга учради. Тажрибали ва ташаббускор йўлбошчисиз қолган республика марказдаги "сиёсий қиморбозлик"нинг қурбони бўлди. Уларнинг сиёсий фитна – найранглари маккор ниятлари натижасида Ўзбекистон тарихда мисли кўрилмаган ёвуз тажриба майдонига айлантирилди"³.

Бу ҳолат Ўзбекистон КП МҚ XX1 съездида ҳам яққол кўзга ташланади. Ўзбекистон КП МҚ биринчи котиби И.Усмонхўжаев ўша йилларда гуёки «Ш.Рашидовнинг сеҳрли таъсири остида бўлиб, унинг иродасига қарши чиқа олмаганликларини⁴», съезддан сўнг Ўзбекистондаги «вазиятни» тўғри йўлга солиш мақсадида «Ўзбекистон Компартиясининг янги составидаги Марказий Комитети қабул қилган қарорларни амалга оширишга киришишини» таъкидлаб ўтади⁵. Айтиш лозимки, маҳаллий раҳбарлар кўпинча ўз ишида жиддий хатога йўл қўйгани учунгина эмас, балки миллий мансублигига қараб ҳам жазога тортилди. Шу сабабли қатағонга учраган раҳбарларнинг кўпчилигини ўзбеклар ташкил этди. Натижада, 1983 – 85 йиллар давомида

¹ РГАСНИ ф-17, опись-153, документ-2454, лист-47.

² «Совет Ўзбекистони». 1986 йил, 7 июнь.

³ Худойберганов. М. Синовларда кечган умр. Т., 1997, 133 – 134 бетлар.

⁴ «Совет Ўзбекистони». 1986 йил, 31 январь.

⁵ «Совет Ўзбекистони». 1986 йил, 31 январь.

республикадаги юқори лавозимларда ишлаган раҳбарлик лавозимини эгаллаганларнинг деярли ярми янги таркиб билан алмаштирилди¹.

Бу йиллардан кўп ҳолларда кадр танлашда партия ташкилотлари раҳбарларининг шахсий фикр – мулоҳазалари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, меҳнат жамоасининг фикрини ўрганиш эса хўжакўрсинга қилинадиган бир тадбирга айланиб қолди. Партия ташкилотлари тавсия этган раҳбарлар номзоди жамоатчилик томонидан рад этилиши камдан – кам учрайдиган ҳодиса эди. Ҳатто, партия ташкилотларининг суд, прокуратура, милиция идоралари ишларига қўпол равишда аралашishi ҳам маъмурий идоралар раҳбарларининг қонунни тўғри ҳимоя қилишига тўсқинлик қилар эди². Айни пайтда буларнинг барчаси марказдаги раҳбарларга хос бўлган “ирқчиллик психологияси” натижаси ҳам эди. Ўрта Осиё халқлари вакиллари совет мамлакатини идора қилиш ишидан четлаштириш ҳам мана шундай сиёсатнинг оқибати бўлган³.

Марказ ўзининг анъанавий сиёсий «ўйинлари»ни давом эттирар экан, кўпгина етук раҳбарлар, зиёлиларни жазолан орқали бошқаларни ҳам ҳушёр қилиб қўйишни мўлжаллаган эди. Шунинг учун ҳам республикада дастлаб маҳаллий раҳбар – кадрлар жазоланган бўлса, кейинроқ бу бутун бошли миллатни бадном этиш жараёни билан боғланиб кетди. Бу машғум сиёсатни амалга оширишда совет ҳукумати кўплаб заиф ва лоқайд маҳаллий раҳбар ва кадрлардан фойдаланди.

ХУ1 пленумидан сўнг кадрлар масаласига синфий – партиявий тарзда ёндашилиб, XX аср 20–30 йилларидаги тажриба андозалари тадбиқ этила бошланди. Юқоридаги андозанинг асосий йўналиши кадрларни истеъдоди, қобилиятига қараб эмас, балки «ижтимоий келиб чиқишига қараб ишга жойлаштирилиши керак», деган фикрдан иборат бўлган. Шунга кўра, “халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш, ташкилий ва сиёсий, тарбиявий ишлар, раҳбар кадрларни тўғри тарбиялаш, ишга жойлаштириш билан боғлиқ масалалар эътиборга олиниб, марказ номенклатурасига

¹ РГАСПИ ф. 17, опись – 153, дело – 2450, лист – 24

² РГАСПИ ф. 17, опись – 153, дело – 2450, лист – 111

³ “Tehran Times” July 22, 1985, P. 3

кирувчи 713 раҳбарнинг номзоди қайтадан кўриб чиқилди. Буларнинг орасида 34 та вилоят, шаҳар, туман партия қўмиталарининг биринчи котиблари, 26 та вилоят, шаҳар, туман халқ депутатлари ижроия қўмиталари раислари, 10 та вазир, давлат қўмиталари раислари бор эди. Булардан Ўзбекистон КП МК номенклатурасига кирувчи 43 раҳбар ўз вазифаларини бажара олмагани, партия низомини бузгани баҳонаси билан лавозимидан четлаштирилди¹. 1984 йилнинг июнь – октябрь ойларида 866 масъул раҳбар ходим “ўғрилик ва мансабининг суистеъмол қилганлиги” баҳонаси билан жиноий жавобгарликка тортилди. 1984 – 1985 йиллар ичида вилоят, шаҳар, туман партия қўмиталари котиблари, ижроия қўмиталар раислари, уларнинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталари раҳбарларидан кўни ўз лавозимларидан олиб ташланди. Уларнинг орасида вилоят партия қўмиталарининг 22 котиби ҳам бўлган. 1984 йилнинг август – октябрь ойларида прокуратура, милиция органларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган 671 киши партия сафларидан учирилди². Бунга қадар марказдан прокуратура ва милиция ташкилотларида ишлаш учун 2500 ходим юборилган, уларнинг асосий қисми СССР Ички ишлар вазирлиги ва Давлат Хавфсизлиги Қўмитаси ходимлари эди. Бу ҳол республикадаги асосий масъулиятаги лавозимларга марказдан юборилган “десантчиларни” жойлаштириш сиёсати бонланганлигидан дарак барар эди. Улар иттифоқ марказининг республикадаги таянчи бўлиши ва республикада советча усулда «тартиб – интизом» ўрнатишлари лозим эди. Шунингдек, уларнинг ноқонуний тарзда ҳибсга олганларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши ҳам қийин эди³.

XVI пленумдан сўнг марказдан юборилган “малакали” кадрларни жой – жойига қўйиш мақсадида ўтган тўрт ой ичида республика маъмурий ташкилотларида ишловчи 641 киши турли сабаблар билан ишлаб турган лавозимидан олиб ташланди. Ундан ташқари кадрлар билан ишлашни гўёки яхшилашни йўлга қўйиш мақсадида корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотлар сифатини яхшилаш давлат белгилаган режаларни бажариш корхоналардаги тежамкорлик ишлари,

¹ РДАСПН ф – 17, опись – 153, дело – 2161, лист – 85.

² РДАСПН ф – 17, опись – 153, дело – 2162, лист – 16 – 17.

³ қаради: Шубин АВ. От “истоя” к реформам СССР в 1917 – 1985гг. С 705

меҳнат унумдорлигини назорат қилиш учун 450 мингдан ортиқ кишилар жалб этилди. Уларнинг вазифаси халқ хўжалигининг барча тармоқларида партия қарорлари қай даражада бажарилаётганини назорат қилишдан иборат бўлди. Кадрлар сиёсатидаги бу хатти – ҳаракатлар режа интизомини таъминлай олмаган раҳбарларга нисбатан ҳам мунотазам қўлланиб турилди. Шу сабабли 1984 – 1985 йилларда режа интизомини бузганлиги учун фақатгина сув хўжалиги вазирлигининг ўзида 80 нафар ходим ўз вазифасидан четлаштирилди. «Главсредазиасовхозстрой» бирлашмасида эса 51 нафар раҳбар партиявий ва маъмурий жазога тортилди¹.

Таъкидлан жоизки, маъмурий – буйруқбозлик тузилмасининг борган сари кучайиб бориши натижасида партия ташкилотлари сиёсий – тарбиявий ишлардан кўра хўжалик – иқтисодий ҳаётга жабҳаларига бевосита раҳбарликни ўз қўлларига ола бошладилар. Бу эса маҳаллий жойларда, жумладан халқ хўжалигида етилиб қолган муаммоларни мустақил, ижодий ҳал этиш имконини бермас эди. Аксарият хўжалик раҳбарлари юқоридан бериладиган топшириқларни кўр – кўрона бажарувчига, ижрочи шахсларга айланиб қолганлар. Хўжалик раҳбарлари ҳатто ёзуви чошиқ қилиш, суғориш, териш ишларида ҳам юқори партия ташкилотларидан топшириқ олмасдан туриб ишни бошлай олмас эдилар. Масалан, 1980 – 1983 йиллар давомида Наманган вилоятидаги Норин, Задарё, Учқўрғон туман партия қўмиталари хўжалик ишларига оид 320 тагача қарор қабул қилган. Янгиқўрғон туманидаги К.Маркс номи колхоз маъмурияти юқори партия ташкилотларидан уч йил ичида 234 та, “Заркент” совхозини эса 244 та топшириқ олган. Умуман, “Заркент” совхозини раҳбарлари уч йил ичида юқори ташкилотлардан 1268 кўрсатма олганлар². Натижада, хўжалик ва корхона бошлиқлари маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб ишлаш имконидан маҳрум бўлиб қолдилар. Режаларни бажаришдаги қўшиб ёзишларнинг авж олиши юқоридан берилган нореал топшириқлар, режа кетидан қувишларнинг натижасини эди.

¹ РГАСНИ ф - 17 - ошсы - 153 - дело - 2154 - лист - 23

² Укреплять партийную и государственную дисциплину, улучшать подбор и воспитание кадров - Партийная жизнь. №14. 1984 год. С. 21

келтирди ва халқимизнинг маънавий жиҳатдан камситилишига олиб келди.

Ўзбекистонда 80 – йилларда миллий кадрларга нисбатан бўлган муносабат ва ўйлаб тошилган “пахта иши” уйдирмалари сиёсий раҳбарият томонидан аввалдан пухта режалаштирилган эди. КПСС ва совет ҳукумати жамиятда юзага келган салбий, инқирозий иллатларни таҳлил қилиш ва ҳал этишга қодир бўлмай қолгани боис, яна бир карра қатағонлик сиёсатини амалга оширди. Минглаб бегуноҳ фуқароларга асоссиз айбловлар қўйилиб, бадном қилинди. Фалаж ҳолатига келиб қолган тузум ўз заифлиги ва уқувсизлигини зўрлик сиёсати билан оқламоқчи бўлди. Бу эса, кўн ҳолларда кадрларга қарши кураш кампаниясини бошлаб, у бутун бир миллатни қоралашга қаратилган сиёсатга айланиб кетди.

Мана шундай шароитда марказда сиёсий раҳбарият «иттифоқдош» республикалардан маҳаллий кадрларга ишончсизлик билдириб, уларнинг ўрнига марказдан “маалакали” кадрларни юборишдек, 20 – 30 – йилларда қўлланилган ва мутлақо ўзини оқламаган чора – тадбирларни қўллади, ҳамда марказдан кадрлар юбориш усули тажрибада ўзини табиийки, оқламади. Ўзбекистонда «тартиб – интизом ўрнатиш» учун келган кадрлар маҳаллий шароитларни ҳасобга олмай, калондимоғлик билан иш олиб бордилар, ўзбек халқи миллий манфаатлари, эътиқоди, маданияти, қадр – қиммати камситилинди. Ўзбекистон КП МҚ, Министрлар Совети, Олий Совет, Республика прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ана шундай «десантчи» кадрлар кўл остида қолди. Фақат 1984 йилда 5 та, 1985 йилда 33 та, 1986 йилда 86 та, 1987 йилда 27 та, 1988 йилда 2 та, 1989 йилда 3 та ходим Ўзбекистон Ички Ишлар Вазирлигига юборилди¹. Бу ходимлар республикада ижтимоий – сиёсий вазият кескинлашишининг асосий сабабчиларидан бирига айланиб қолди. Уларнинг иштирокида “Ўзбекистон – тергов усуллари тажрибаси ўтказиладиган майдонга”² айланди.

Ўзбекистонда қилинган жиноий хатти – ҳаракатлардан кўзланган мақсад фақат жиноятчиликни фош этиш билан боғлиқ бўлмай, балки мамлакат ҳаётида кучайиб кетган

¹ Азизлужаев, А. Чин ўзбек иши I. Академия, 2003. 47 – бет.

² «Тошкент ҳақиқати». 1990 йил 3 февраль.

умумий ўпирилишларнинг аниқ бир шароитдаги кўриниши бўлган қўшиб ёзиш ҳолатларидан фойдаланиб етук кадрларни жазолаб, эркин фикрлайдиган зиёдиларни жиловлash, бошқа республикалардаги ўз мустақиллигини ўйлаётган ижтимоий-сиёсий кучларни ҳам бўғиб ташлаш, ўсиб келаётган миллий оғг, миллий фаолликни ҳам бир тизгинда ушлаб туришдан иборат эди. Шунингдек, Ўзбекистонда "пахта иши" билан амалга оширилган қатағонлар миллий манфаатлар масаласини кенгроқ кўтариб чиқаётган бошқа иттифоқдош республикалар раҳбарларини танобини тортиб қўйишга ҳам қаратилди. Ана шундай ҳаракатлар натижасида фақат 1984 йилнинг ўн ойи давомида халқ хўжалигида ишловчи турли даражадаги раҳбарлар устидан уч мингга яқин жиноий иш кўзга тилди. Айнан қишлоқ хўжалиги ва пахта тозалаш саноатида ишлайдиган баъзи раҳбарлар устидан 68 та жиноий иш олиб борилди¹. Шундай текширувлар давомида маҳаллий раҳбарларнинг партия, совет органлари, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотларга пахтачиликда бўлаётган суистеъмолликлар ҳақидаги ёзган шикоятлари ҳам эътиборга олинмади. Чунки, режага зўр бериб, хомҳаёллар билан фақат қоғозда режани бажариб келаётган раҳбариятга бу совет давлати "ривожини" кўра олмасликдек бўлиб кўринар эди. Раҳбарлар кўрсатмасини мажбуран бажарган шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришда эса бундай муҳим омил тергов органлари ва судлар томонидан ҳисобга олинмаган.

Т.Гдян ва Н.Иванов бошчилик қилган тергов гуруҳининг Ўзбекистонда йўл қўйган қонунбузарликларини текшириш юзасидан 1989 йил тузилган комиссиянинг навбатдаги йиғилишида Гдян ва Ивановлар ҳам иштирок этсаларда, улар комиссияни "аппарат томонидан уюштирилган ноқонуний, СССР конституциясига зид бўлган ҳодиса", деб баҳоладилар. Гдян буни "Ўзбекистондаги, Москвадаги цорахўрликларни яшириш, кўп жиноятларни очишга йўл қўймасликка қарши қаратилган ҳаракат"², дея ўзини оқлашга уринди.

¹ РГАСПИ ф-17, опись-153, дело-2454, лист-15.

² РГАСПИ ф-89, перечень-24, документ-19, лист-2.

бериб қўйишга киришиб кетди. Унинг асосий «нишон майдони» Ўзбекистонга қаратилди.

«74 йил мобайнида Ўзбекистон тақдирини ва таъминоти собиқ иттифоқ қўлида эди, — деб таъкидлаган эди И.А.Каримов, — собиқ иттифоқ бу ердан маҳсулот ва хомашёни олиб кетиб, бизга сув ва ҳаводай зарур бўлган нарсаларни ўз кўрсатмаси билан келтириб берарди. Содда қилиб айтганда, пахта ва бошқа бойликларимиз олиб кетиларди»¹.

Таъкидлаш лозимки, 80—йилларга келиб, совет жамиятида кучайиб бораётган иқтисодий инқирозларнинг губ сабаблари чуқур ўрганилмай, аксинча марказдан бошқаришнинг амалдаги тизими, унинг идоралари, хўжалик юритиш услуби ва усуллари иқтисоднинг янада ривожланишига сезиларли туртки бўлишига, кескин ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қодир эмаслиги яққол кузга кўриниб қолди. Бой табиий ва меҳнат ресурсларига эга бўлган минтақанинг инқироз ботқоғига ботиб бориши сабабларини кўрсатиб, И.А.Каримов шундай деб ёзган эди: «Марказда ишлаб чиқилган дастурлар ва ислоҳотга оид чора — тадбирларда федерация субъектлари бўлмиш республикаларнинг манфаатлари эътиборга олинмай келинди. Бунинг устига, марказ ўзининг кўпгина барбод бўлган ишларини республикаларнинг гарданига юклашга илтибот қилиб, уларни озиқ — овқат, халқ истеъмол моллари ва моддий бойликлар билан ўзини — ўзи таъминлашга мажбур этар эди»². Ана шундай барбод бўлган иқтисодий сиёсатни оқлаш учун марказ, советлар мамлакатига хос бўлган ўғрилиқ, порахўрлик, қўшиб ўзини ва бошқа барча салбий иллатларда «айбдорлик»ни миллий республикаларга ағдаришни бошлади. Мажлисбозлик, сиёсий гуруҳбозлик орқали тегишли айб қўйишга ўрганган тузумда бутун мамлакатдаги иқтисодий қийинчиликлар мужассам бўлган ва унинг ечими қандай ҳал бўлишини кўрсатиш сифатида Ўзбекистон танлаб олинди.

СССРни хомашё билан таъминлаб турган Ўзбекистонда қўрқув ҳиссини уйғотиб, қатагон сиёсатини бошлаш учун қулай вазият вужудга келган эди. Бунинг устига, тузумнинг

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 3-бет.

² Каримов И.А. Вилдан овоз ва обод Ваган қолдиш. 1. Ўзбекистон. 1991. 9-бет.

гажрибасида «шахта иши», «врачлар иши», «Ленинград иши» деган таъқибдан иборат бўлган тажриба ҳам мавжуд эди. «Пахта иши» деган машъум номни олган бу қатағонларда республика ижтимоий-иқтисодий соҳаларидаги аксарият кадрлар жазоландилар.

Ўзбекистонда «пахта иши» деб номланган бӯхтон ва уйдирмалар юзасидан текшириш ишлари 1983 йилдаёқ бошланган. Аввал бошида республикада қонунчиликни мустаҳкамлаб, тартиб ўрнатиш баҳонаси билан марказдан туриб юборилган бир қатор «малакали кадрлар» орасида суд-тергов органлари ходимлари ҳам бўлиб, улар асосан республика раҳбарлари фаолиятини текшириш юзасидан келган эдилар. Улар дастлабки вақтлариданоқ Ўзбекистонда юзага келган салбий ҳолатлар бутун мамлакатдаги инқирозий вазиятнинг маълум кўринишини эканини англаб етмай, оммавий жазолани, қатағонлар кампаниясини авж олдириб юбордилар.

Гуруҳларга киритилган терговчиларнинг деярли асосий қисми катта тажрибага эга бўлмаган, ўзининг сурбетлиги, шафқатсизлиги билан ўнлаб ва юзлаб кишилар бошига беқисс қайғу-алам ва фалокатлар солганлар¹ бўлиб, улар республикада иш бошлаган биринчи кунларданок «Ўзбекистонда ҳамма пора олади ва пора беради»² деган сохта принцинга таянган ҳолда қонунсизлик йўлига утиб, терговда тухмат, инволар уюштириш, фактларни сохталаштириш, кишиларни сохта маълумот беришга мажбур этиш, ўзларига ёқмаган кишилардан ўч олиш воситаси сифатида фойдаланганлар.

Ўзбекистонда олиб борилган оммавий таъқибга СССР прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси Т.Х.Гдлян бошчилик қилди. Мазкур шахс тез орада бу соҳадаги ҳамма ишларни марказнинг кўрсатмаси билан ўз қўлига олди. Дастлаб, у Бухоро шаҳар саноат моллари савдоси бўлими директори Ш.Қудратов, вилоят давлат автомобиль назорати бошлиғи Музаффаровга нисбатан қўзғатилган жиноят ишларини қабул қилиб олиб, тергов ишларини ўзи давом эттирди. Кейинроқ бу ишлардан

¹ Пляхин В. Қабохат оҳуд. («Ўзбеклар иши» деган уйдирма хусусидан) - Т. Ўзбекистон, 1992, 26 - бет.

² Шубин А.В. От «застоя» к реформам СССР в 1917 - 1985 гг. С. 271.

Ўзбекистонда турли даражадаги раҳбарларни ҳам тузоққа илинтириш учун қурол сифатида фойдаланди. Т.Гдлян Бухоро вилоятидаги маъмурий органлар раҳбар ходимлари, милиция полковниклари А.Дўстов, Ш.А.Раҳимов, милиция подполковниклари А.Музаффаров, В.Мулин, милиция майори Т.Очиловни барча унвонларидан маҳрум қилишга муваффақ бўлди¹. Юқоридаги масалага оид ҳужжатларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Ўзбекистондаги Т.Гдлян ва Н.Ивановлар раҳбарлик қилган тергов гуруҳлари жиноий жавобгарликка тортилганларни камераларда сақлаб, жисмоний қийноққа тортиш ҳисобига “ўз хатоларини” бўйниларига олишга мажбур этган². Ноқонуний равишда ҳибсга олинган шахслар орасида кўп болали оналар, ҳомилдор аёллар, ёш болаларнинг борлиги айниқса ачинарли ҳол эди³. “Оилавий қамашлар” натижасида Гдлян гуруҳи республикада собиқ 30 – йиллар муҳитини эслатувчи қўрқинчли вазиятни ҳосил қилди. Бу гуруҳ ўз фаолиятининг дастлабки давриданок жуда эркин, ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан хайиқмасдан, маҳаллий раҳбарларнинг фикри билан ҳам қизиқмай иш олиб бориши, уларда марказнинг тўғридан – тўғри кўрсатмаси мавжудлигини тасдиқлар эди. Тергов гуруҳининг асосий вазифаси таъқиқот йўли билан республика аҳолисини ваҳимага солиш, Ўзбекистонни тўла назорат остига олишга қаратилган эди. Таъкидлаш лозимки, марказ ихтиеридagi ушбу гуруҳ маълум бир маънода бу мақсадга тўла эришди ҳам. Гдлян гуруҳи ўзининг фабриқонунини хатти – ҳаракатларини оқлаш мақсадида мамлакатда турли шов – шувларга сабаб бўлган уйдирма ва жиноий ишларни ўйлаб чиқарди. Гуноҳкорлиги ўз исботини топмаган кишиларни қамоқхоналарда ашаддий жиноятчилар билан бирга ҳибсда сақлаш, жисмоний ва руҳий азоб чекишга мажбурлаш, тергов гуруҳини иш режасини белгилаб берарди.

Терговчилар ва прокуратура ходимлари қонун талабларига зид равишда асоссиз ҳибсга олинганлардан шул ва қимматбаҳо буюмларини уйдириб олиш учун турли найранглар ишлатганлар. Бу буюмларни қайтариб берини ҳибсдан озод қилишнинг шартига айланган. Улар бирор

¹ Сх. МДУ ф. - 2451, руҳ. н.п. - 6, ш.ма. ж.г.х. - 6180, 268 - бар.а.

² Шубин А.В. От "застоя" к реформам СССР в 1917 - 1985 гг. С.269

³ Шубин А.В. От "застоя" к реформам СССР в 1917 - 1985 гг. С.269

маҳбусни озод қилдиш учун унинг яқин қариндошларидан ҳам маълум миқдорда пул, қимматбаҳо буюмлар олиб келишни талаб қилганлар. Масалан, жиноий жавобгарликка тортилган иккинчи гуруҳ ногирони Д. Бекчоновдан 1988 йил март ойида А.Худойбергановга тегишли бўлган 500.000 минг сўм пулни олиб келишни талаб этадилар. Ўзини эса бир неча кун қамоқда ушлаб туриб, жисмоний азоб берадилар. Терговчи Хусайнов эса унинг бошига уриб, қўлини кўтариб, бир оёқлаб уйини ўртасида тикка туришни талаб қилади. Азобларга чидай олмаган Д. Бекчонов уйида 5000 сўм пул, 17 минг сўмлик заём борлигини, уни келтириб бериши мумкинлигини айтганда, терговчилар бунга ҳам қаноатланмай, уни мажбур қилиб, А.Худойбергановга тегишли бўлган юз минг сўм пулни давлатга «қайтариб бераман», деган мазмунида тилхат олганлар. Шундан сўнг у уйма-уй юриб, қариндош уруғлари, таниш биланларидан пул тўлаб келишга мажбур бўлган.

“Пахта иши”га доир бўлган ҳужжатларда кўрсатилишича, тергов гуруҳи ходимлари қамоққа олинган милиция ходими Р. Бозоровга нисбатан ҳам айнан маъна шундан муносабатда бўлганлар. Р.Бозоров тергов олиб бориш усули ҳақида шундан дейди: “Мени тергов қилишаркан вақтда хонага Иванов ва Гдяян кириб келди. Улар терговчини чиқариб юбориб, мени ҳақорат қила бошладилар. Мен ҳеч кимдан пора олмаганимни айтсам, мени хоҳлаганларича урдилар ва кўпола сўзлар билан ҳақорат қилдилар. Мен саволларга жавоб беришдан бош тортганимда, Гдяян ташқарига чиқиб кетди. Иванов мени бошқа хонага олиб кириб, ҳақорат қила бошлади ва бошимга мушт билан урди. Кейин Гдяян қайтиб келиб, Рахимов ва Дўстовга пора берганимни бўйнимга олмаганимча менга овқат бермасликларини буюрди. Эртадан кечгача оч ўтирдим. Ичишга сув ҳам беришмади. Гдяянинг гапига кўра, мен унинг душман эмишман, унга таслим бўлишим керак эмиш. Агар таслим бўлмасам, таг-томирим билан йўқ қилиб юборар эмиш. Мен унга, қандай қилиб сенинг душманинг бўлиб қолдим, сенга нима ёмонлик қилдим, деб сўрасам, у, ҳамма ўзбек душман, жиноятчи, порахўр, агар айбинини бўйинингга олмасанг, ҳеч қаерга кетмайсан, деди. Шундан кейин у костюминини ечиб, бир четга қўйдида, соқолимдан

ушлаб юзимга ура бошлади. Ўрнимдан турган эдим, Иванов бўйнимга урди. Мен йиғлаб, урманлар, ноҳақ азоб берманлар десам, Гдяян, "Москва кўз ёшларга ишонмайди», – деди¹.

Гдяян мана шундай йўллар билан қамоққа олинганлардан, уларнинг иши бўйича гувоҳлик берувчилардан ўзларига керакли маълумотларни оларди. Гдяян гуруҳи фаолиятининг барчаси очиқдан – очиқ айблов йўналишида эди. Жуда кўп жисмоний ва маънавий азоблардан сўнг қамоққа олинганлар ўз айбларини бўйинларига олишга мажбур бўлар эдилар. Гдяян ва Иванов гуруҳи йўл қўйган қонунсизликларни қуйидаги мисоллардан янада аниқ кўриш мумкин.

Навоий вилояти ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Т.Х.Ҳайтовнинг кўрсатмаларига кўра, биринчи сўровлардаёқ терговчи унинг олдига икки варақ қоғозни қўйган. Биринчи саҳифада ички ишлар органларининг 16 раҳбар ходимлари, иккинчи саҳифада эса Ю.Чурбанов, И.Усмонхўжаев, В.Есин, И.Жабборов, Кретов, Харкевич ва бошқа иттифоқ ва республика раҳбарияти муовини шахсларини исми – шарифлари бўлган. Иванов Ҳайтовдан ўзининг қўли остида ишлайдиган ходимлардан 53.000 сўм пора олганини ва юқоридаги раҳбарларга уша пулни пора сифатида берганини тан олишини талаб қилган. Ҳайтов бу илвога кўнмагач, иккинчи куни Иванов уни сўроқ қилинаётган бино деразаси олдига олиб келиб, ҳовлида юрган хотини ва қизини кўрсатган, «агар юқоридаги қоғозга имзо чекмасанг хотинингни ҳам, қизингни ҳам қамаймиз», деб дағдаға қилган. Т.Ҳайтов бунга ҳам кўнмагач, учинчи куни Иванов унинг ўғлини қамаш ҳақидаги қарорни кўрсатган. Шундан кейин Т.Ҳайтов Иванов уюштирган тўхтамларга рози бўлиб, рўйхатга киритилган раҳбарларга пора берганини "бўйнига олган". Кейинчалик бўлиб ўтган судда Т.Х. Ҳайтов жиноий иш содир этмагани учун оқланган.

Гдяян ўзига керакли барча маълумотларни ундириш мақсадида ҳар қандай қабихликлардан тўхтамаган. У ўч олишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Бухоролик Видодил Иззаговнинг маълумотларига кўра, Т.Гдяян тергов

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди жорий архиви "Нахта иши" бўйича маълумотнома. 2- том. 12- варақ.

вақтида унга шундай деган, “1915 йилда турклар арманларни қиличдан ўтказганлар. Арман халқи учун мен сендан қасос оламан, туркларни лагерларга, шимолий ўлкаларга бадарға қилиб, ўша томонларда чиритаман».¹

Тошкент Давлат университети “Назарий физика” кафедраси мудирини, проф Мирза – Юсуф Мусахонов ўзининг 8 январь 1990 йилда ёзган аризасида келтирилишича, Гдлян “Ўзбекистон партия ташкилотлари раҳбарларининг 95 фоизи порахўр”, деган ҳамда 1988 йил 30 ноябрда бўлган сўроқда Гдлян М. Мусахоновнинг отаси ва оиласини қаттиқ ҳақорат қилади. Олимни эса «барча илмий унвон ва даражаларини сотиб олган сохта профессор» деб ҳақоратлайди. Гдляннинг қонунни ўзи билганича бузиб, хоҳлаган одамни қамаб, жазо бериши ёки озод қилиб юбориши ҳеч қандай ҳуқуқий доирага сиймайди. Шубҳасиз Т.Гдлян ва Н.Ивановларнинг Ўзбекистон раҳбариятига нисбатан хатти – ҳаракатлари бевосита марказдан туриб қўллаб турилди. «Керакли шахсларнинг» айби қанчалик кучли бўлмасин, улар жиноий жавобгарликдан озод этилиб, айблари ёпиб юборилаверган. Шундайларнинг айримлари ички ишлар идораларида, савдода ва бошқа соҳаларда турли даражадаги лавозимларда қолдирилганлар»². Табиийки, бу каби ишларни ҳеч ким назорат қилмаган. Юқоридаги бир қатор фикр – мулоҳазалар совет давлатида раҳбар кадрларнинг пора олиши қанчалик оддий ҳолга айланиб қолганигини яққол кўрсатади. Гдлян гуруҳи ўз фаолияти даврида бирорта ҳам масъул савдо ходимларини қамоққа олмади. 1985 йил июнь ойида Иванов Бухоро шаҳар саноат моллари савдоси 56 нафар ходими устидан очилган жиноий ишни асоссиз ёпиб юборди. Гарчи уларнинг Бухоро шаҳар саноат моллари савдоси бўлими директори Ш.Қудратовга 2 миллион сўм пора бергани аниқланган эди. Иш ёпиб юборилшига эса “улар ихтиёрий равишда айбларини бўйнига олганлиги” асос қилиб олинди. Ҳатто, айбни бўйнига олган (ўғирланган пулларни қайтариб бермаса ҳам) кишилар ўз лавозимига тикланган, уларни жиноий жавобгарликка тортмаслик ҳақида кафолат ҳам беришган. Пора олганликда айбланган айрим ички ишлар ходимлари ҳам жиноий жавобгарликка тортилмай қолдилар,

¹ Шаюши В. Қабохат «Ҳуд» «Ўзбеклар иши» деган уйдирма хусусида, 102 – бет

² «Совет Ўзбекистони» 1989 йил, 27 декабрь

қилган ишлари вазирлик раҳбарлигидан яширилди. Улар ҳам ўз лавозимларига қайта тикландилар.

Гуруҳ фаолияти бутунлай назоратдан чиқиб кетганлигини шундан ҳам кўrsa бўладики, Ўзбекистон жиноят процессуал кодексининг 154 моддасига биноан, тингув вақтида мусодара қилинган мол – мулклар ва маблағлар гувоҳлар ва тингувда иштирок этганларга кўрсатилиши, протоколда ҳар бири алоҳида саналиб, қайд қилиб ўтилиши лозим эди. Бироқ, «қонун ҳимоячилари» бу қоидаларга асло риоя қилмадилар. Қуйидаги воқеа бунини яққол тасдиғидир.

1987 йилда Гдяян бир гуруҳ терговчилар билан Тўртқўл туманида яшовчи К.Сафаровнинг уйидан, ҳибсга олинган Тожиёвга тегишли учта қутичани мусодара қилган. Протоколда қутичалар ичида полиэтилен халтачага солинган, рўмолчага ўралган заргарлик буюмлари, тилла тапчалар ва олтин соатлар бўлганлиги кўрсатилган. Лекин мусодара қилинган ҳар бир қимматбаҳо буюм алоҳида рўйхатга олинмаган. Бу буюмлар уралган полиэтилен халталар, рўмоллар, пайпоқлар қандай рангда эканлиги протоколда батафсил кўрсатилган бўлса – да, улар ичидаги буюмларнинг қиммати, сифати, сони, вази кўрсатилмаган. Мусодара қилинган буюмлар Гдяянга тегишли 268 рақамли муҳр билан муҳрланган. Демак, у истаган вақтида қопчани очили, хоҳлаган нарсасини ўзлаштириши мумкин эди. Икки кундан сўнг мусодара қилинган буюмлар ҳисобга олинганда, гувоҳлардан бирор киши ҳам иштирок этмаган. Бу буюмлар СССР прокуратурасига юборилган вақтда ҳам протоколга қўйилган имзолар ҳақиқий эканлигини ҳеч ким текшириб кўрмаган¹.

“Пахта иши” бўйича суриштириш ишларига жалб этилган “малакали” терговчилар “галон – тарож” қилинган бойликларни ундириб олиш билан овора бўлиб кетиб, қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги қўшиб ёзишларнинг туб моҳиятини табиийки, очиб бера олмаганлар. Мамлакатда юзага келган ижтимоий – сиёсий соҳадаги инқирозий ҳолатлар, аввало, совет ҳукуматининг маъмурий – буйруқбозлик сиёсати натижаси эканлигини тергов гуруҳи

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди жорий архиви “Пахта иши” бўйича маълумотнома 2 – том 12 – варак.

музлақ авлаб етмас эди. Шаҳрисабз туман партия кумитасининг биринчи котиби Х.Холиқов С.Жўраев билан биргаликда 4.651.000. сўм пулни пахтага қўшиб ёзиш ҳисобига пора сифатида олганликларида айбланганлар. Лекин, бу миқдордаги пулнинг 3.100.000. суми Серпухово, Кутаиси, Баку, Орехово—Зуево ва бошқа шаҳарлардаги тўқимачилик корхоналарига қабул қилинмаган хомашё учун пора сифатида берилган эди. Юқоридаги партия органларидан «режани ошириб бажар», деган мажбурий топшириқни олганликлари сабаб колхоз ва совхоз раис ва директорлари пахтани тонна—тонна миқдорда қўшиб ёзишга мажбур бўлганлар. Шу билан бирга қўшиб ёзишдан тушган ортиқча маблағлар кўп ҳолларда колхозчи—деҳқонларга бўлиб берилган. Масалан, Тошкент вилояти Бўка тумани Тимирязев номи колхоз раҳбарлари хўжалик еттиштирган ҳосилни давлатга топширишда “қўшиб ёзиш” ҳолларига йўл қўйилганликлари жиноий жавобгарликка тортилганлар. Аммо, ҳужжатларда кўрсатилишича, қўшиб ёзилган 119.863 кг пахта учун берилган 55.633 сўмдан 45.395 сўмни колхозчи ва тракторчиларга иш ҳақи сифатида тарқатилган.

Маҳаллий партия ташкилотлари раҳбарлари вазиятни яхши билсаларда, хўжалик раҳбарларидан берилган режани сўзсиз бажаришни қатъий талаб қилганликлари оқибатида кўп ҳолларда топширилмаган пахта учун заводларга пул тўлаб, квитанция олиб келиш тажрибаси кенг тарқалган. Шубҳасиз, бундай қонунсизликларга қарши норозилик билдирганлар ҳам бўлган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди архивидаги маълумотларда кўрсатилишича, Қашқадарё вилояти «Коммунизм» колхозининг раиси Эшматов пахта заводига пул топшириб, квитанция олишга қарши чиққан. Бунга жавобан вилоят партия кумитасининг иккинчи котиби Головачев уни вилоят партия бюросига чақиртириб, унга қаттиқ ҳайфсан эълон қилди. У агар керакли миқдорда пахта сотиб олмаса, индан ҳайдалиб, жавобгарликка тортилишини уқтиради. Шундан кейин Эшматов колхоз раисидан пул олиб, пахта заводи ходимларига топширган ва «1.283 тонна пахта топширилди»,

деб товарсиз квитанция ёздириб олган.¹ Шаҳрисабздаги Энгельс номи колхоз раиси Сувоновнинг сўроқ вақтида берган кўрсатмаларида бундай дейлади: “Бизнинг колхозимиз 1983 йил ноябрь ойлари бошида пахта тайёрлаш режасини бажарди. Ўша вақтларда обкомнинг иккинчи котиби Головачев районимизда вакил эди. У менга пахтагани қўшиб ёзишни таклиф этди. Мен унга колхоз йиллик режани бажарганини, далада эса пахта қолмаганини айтдим. Шундан кейин 8–9 кун давомида Головачевнинг кўзига кўринмай юрдим. У барибир мени тошиб уятли сўзлар билан ҳақорат қилди. Икки марта урди. Мен пахтага қўшиб ёзишга мажбур бўлдим, пахта заводи классификаторига 180.000 сўм пул бердим”.

Республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари генерал Дидоренко бўлса марказий матбуотда эълон қилган мақолаларида Ўзбекистонда 160 дан ортиқ яширин миллионер борлиги ва бир ярим мингдан ортиқ яширин бизнес эгалари борлигини таъкидлаш билан бирга, “Ўзбеклар ишини Фарб мафиясига солиштирганда ҳам умумий томонларимиз кўп экан”², – деган эди.

Тергов гуруҳи 800 дан кўпроқ “жиноий” ишни кўриб чиқди. Жиноий жавобгарликка тортилганларнинг 600 нафари раҳбар ходимлар, 10 нафари меҳнат қаҳрамонлари бўлган.³ “Пахта иши” бўйича жиноий жавобгарликка тортилганларнинг кўпчилиги колхоз раислари, совхоз директорлари, оддий бригадирлар, ферма бошлиқларидан иборат бўлган. Умуман олганда, республикада 4018 нафар киши “пахта иши” бўйича жиноий жавобгарликка тортиди⁴.

Ўзбекистонда тергов гуруҳининг қонунларни оёқ ости қилаётганлиги, инсон ҳақ – ҳуқуқлари, ҳис – туйғуларини поймол қилинаётгани ҳақида Гдьян томонидан беғуноҳ айбланганлардан, уларнинг оила аъзоларидан юқори ташилотларга аризалар, шикоятлар ёзилган. Бироқ, бундай имкоиятларнинг аксарияти кўриб чиқилмай, улар яна ўша Гдьяннинг қўлига қайтиб тушар эди.⁵ Аризалардан қандай

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди жорий архиви “Пахта иши” бўйича маълумотнома, 2 – том, 15 – varaқ.

² «Совет Ўзбекистони» 1989 йил, 5 май.

³ «Совет Ўзбекистони» 1989 йил, 27 декабрь.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди жорий архиви “Пахта иши” бўйича маълумотнома 3 – том, 1 – varaқ.

⁵ «Ўзбекистон овози» 1991 йил, 17 декабрь.

хулоса чиқарилгани, ариза эгалари билан ким суҳбат қилгани ҳам назорат остида бўлмаган. Шу тариқа ноҳақ қамалиб, руҳий ва жисмоний қийноққа солинганлар, уларнинг оила аъзолари томонидан ёзилган хат ва шикоятлар эътиборсиз қолдирилган. Бундай шикоятлар сони 1983 йилдан бошлаб айниқса кўпайган. 1984 йилда шикоятлар сони 1212 тани, 1985 йилда 1404 тани, 1986 йилда 2414 тани, 1987 йилда 2147 тани, 1988 йилда 2180 тани ташкил этди. 1989 йилнинг биринчи чорагининг ўзида 420 тага етди¹.

1989 йилда Ўзбекистон меҳнаткашларидан 674 киши имзо чеккан мактуб собиқ КПСС МҚнинг партия назорати қўмитаси раиси Б.К.Пугога, СССР Министрлар Советининг раиси Н.И. Рыжковга, СССР бош прокурори А.Я.Сухаревга, "Правда", "Известия", "Литературная газетага" тахририятларига юборилди. Бу пайтда иттифоқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари 1986 йилда "пахта иши"га оид бўлган тергов ва суд амалиётида йўл қўйилган қонунсизликларни эътироф этиб, бу масала юзасидан махсус қарор қабул қилган эди. Бу қарорда фақат республикадаги суд – прокуратура ташкилотларига жиноий жазо тадбирларини белгилашда эҳтиёткорлик билан иш тутиш, айбланувчиларнинг хатти – ҳаракатларини қонуний жиҳатдан пухта "таҳлил этиб", уларни тўғри таърифлаш ва етказилган моддий зиёни тўғри ҳисоблаб чиқиш зарурлиги ҳақида йўл – йўриқлар берилди, холос². 80 – йилларнинг охирига келиб, "пахта иши", "ўзбеклар иши" юзасидан олиб борилаётган тергов ишларидаги қонунсизликлардан аҳолининг норозилиги кескин кучайиб кетгач, КПСС МҚнинг партия назорати қўмитасида 1989 йил 25 майда Т.Гдян бошлиқ тергов гуруҳининг Ўзбекистондаги фаолиятида қонунчилик бузилганлиги муносабати билан тушган аризалар асосида жиноят иши қўзғатилди ва алоҳида комиссия тузилди. Тузилган комиссия таркибига мамлакатнинг турли минтақаларидан терговчилар таклиф этилди. Мазкур комиссия қисқа вақт ичида хулоса чиқариб, Т.Гдян ва Н.Иванов бошлиқ терговчиларнинг Ўзбекистондаги фаолияти жараёнида қонунчиликни кўпол равишда бузганликларини тасдиқлади. 1989 йил кузига келиб,

¹ ВРЛШ ф – 89, перечень – 24, документ – 21, лист – 1
«Совет Узбекистан» 1989 йил 6 декабрь

комиссия таркибида Гдлян гуруҳини айблашга етадиган маълумотлар тўпланди.

Умуман, олти йил мобайнида Гдлян гуруҳи деярли 200 кишини ушлаб, ҳибсга олиш тўғрисида қарорлар чиқарган. Шулардан 64 киши порахўрлик учун, қолганлари эса ҳар хил жиноий ҳаракатлар учун ва асосан "жиноий йўллар билан топилган бойликларни уйларида сақлаганликлари учун" ҳибсга олинган. Ушбу комиссия мамлакат прокуратураси тергов бўлимининг собиқ бошлиғи Г.П.Каракозов, собиқ иттифоқ бош прокурорининг ўринбосари О.В.Сорока ва А.Ф.Кагусевларнинг прокурор назоратини қониқарсиз олиб борганликларини ҳам аниқлади¹. Лекин комиссия марказдан Ўзбекистонга юборилган терговчилар йўл қўйган қўпол қонунсизликларни аниқлаб, тегишли хулоса чиқармади.

1989 йилнинг иккинчи ярмига келиб, Ўзбекистондан сайланган бир гуруҳ СССР халқ депутатлари Гдлян гуруҳи ва бошқа терговчиларнинг республикада олиб борган фаолиятида йўл қўйган қонунсизликлардан норозилик билдирдилар. Бош прокуратурада тузилган комиссия билан бир вақтда депутатларнинг талаблари билан СССР халқ депутатларининг биринчи съездида ҳам 16 кишидан иборат комиссия тузилади². Бироқ, бу комиссия таркибидагиларнинг кўпчилиги Ўзбекистондаги вазият, ноқонуний ишларнинг мазмун – моҳиятини англаб етмайдиган кишилардан иборат эди. Комиссияларнинг хулосалари юқоридаги номи келтирилган марказий ва республика газеталарида эълон қилиниб турибди. Комиссия тўплаган маълумотлар асосида ёзилган мақола 1989 йил ёзида "Ташкентская правда", "Известия" газетасида чоп этилиб, Гдлян гуруҳининг Ўзбекистонда йўл қўйган қонунсиз хатги – ҳаракатлари ҳақида мамлакат аҳолисига биринчи мартаба ҳаққоний маълумот берилди.

1989 йил июнь ойидан бошлаб то декабргача комиссия мажлисларида СССР прокуратураси, Давлат Хавфсизлик Қўмитаси ходимлари, СССР Олий суди ва Ўзбекистон ССР Олий суди, жамоатчилик ташкилотлари вакилларининг маълумотлари тингланди. Натижада, 50 томдан ортиқ ҳужжатлар тўпланди. Комиссиялар маълумотномалирида

¹ «Ўзбекистон овози» 1989 йил, 18 декабрь.

² Первый съезд народных депутатов СССР. Стен. отчет. Том-3, С.103.

Ўзбекистонда “Ўзбеклар иши” бўйича тергов олиб бораётган Т.Гдьян ва Н.Иванов бошчилигидаги гуруҳ кўп ҳолларда қонунчиликни бузганлиги, тергов ишлари тартибсиз, қонунга хилоф равишда фактларни сохталантириш, кишиларни терговчиларга керак бўлган маълумотларни беришга мажбурлаш йўли билан олиб борилгани кўрсатишди. Қамоққа олинганларни асоссиз 4–5 йил ҳибсда ушлаш, руҳий таъсир кўрсатиш учун уларни маълум бир вақтгача терговга чақирмаслик ҳоллари бўлганлиги ҳам фактлар билан исботланди. Кўп ҳолларда ҳибсга олинганлар зўрлик, кўрқитиш орқали ўз “айбини” бўйнига олганлиги, кейинроқ суд жараёнида ўзларининг дастлабки кўрсатмаларидан воз кечганлиги аниқланди. Тергов гуруҳи фаолиятида пора берганлар ва воситачиларни “керакли гувоҳ” сифатида сақлаб туриш мақсадида жиноий жавобгарликдан озод этилиши ҳоллари учраган. Айрим маҳбуслар ўз жонига қасд қилгани ҳам аввало тергов гуруҳи олиб борган ноқонуний ишларнинг натижаси оқибатида рўй берганлиги кўрсатишди¹.

Таъкидлаш лозимки, сиёсий раҳбариятнинг Т.Гдьян бошлиқ тергов гуруҳини Ўзбекистонда олиб борган фаолиятини текшириш юзасидан кўрган чора – тадбирларини ўзбек халқи манфаатларини ҳимоя этиш, унинг миллий ҳис – туйғуларини, ҳурмати ва қадр – қимматини ўз ўрнига қўйиш мақсадида олиб борилган ҳаракат деёл баҳолаб бўлмайди. Марказ томонидан амалга оширилган бу ишлар орқали фақат мамлакатда чуқурлашиб бораётган ижтимоий – сиёсий вазиятни бироз юмшатиш, Гдьян гуруҳи марказдаги раҳбарларга қўйган айбони беркитиш учун қилинган ҳаракатлар эди, холос. Дастлаб сиёсий раҳбарият томонидан Ўзбекистонни мамлакат, жаҳон жамоатчилиги олдида, иқтисодий инқирозларнинг асосий сабабчиси қилиб кўрсатишда Т.Гдьянга катта ваколатлар берилган бўлса, кейинроқ Т.Гдьян қўшиб ёзишларнинг илдизи марказга бориб тақалишини аниқлагач, уни четга чиқариб қўйишга ҳаракат қилинди. Гдьян гуруҳига бўлган янги муносабат ҳам совет тузуми сиёсатиغا хос доимий такрорланиб турадиган сиёсий найрангларнинг бир кўриниши бўлди. Ўзбек халқига ноҳақ қўйилган турли таҳқирловчи тамгалар меҳнаткаш ўзбек халқи тўғрисида нотўғри фикр – мулоҳазаларни юзага

¹ РСМН ф- 24, перечень – 24, документ – 3, лист. 2 – 5

Кадрларни танлаш ва тарбиялаш масаласи КПСС МҚнинг 1985 йил 23 апрелда бўлиб ўтган пленумида ҳам кўриб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатда «қайта қуриш»нинг асосини бошлаб берган¹ мазкур пленумда ҳам кадрлар масаласи эътибордан четда қолмади. Мазкур апрель пленумида КПССнинг кадрлар сиёсати яна кескин танқид остига олинди ва кадрларни танлаш, улардан фойдаланиш масаласидаги жиддий камчиликлар — маҳаллийчилик, раҳбарларни шахсий садоқатига қараб катта лавозимларга тайинлашда намоён бўлганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу бош қотибга кадрлар масаласида ўз режаларини мустаҳкамлаб олишига кўмак берди². Шу йўл билан у «эски» раҳбарларни нисбатан четлаштирди, уларнинг ўрнига «ташаббускор» ходимларни тайинлаш йўлини тутди. Таъкидлаш лозимки, бу йилларда Ўзбекистонга юборилган «десантчилар»нинг кўнчилиги ҳамон шовинистик эътиқоди кучли, аввалги иш жойларида ўзини оқламаган, касбий малакаси паст даражадаги кишилар эди. Хўжалик лавозимига тайинланадиган раҳбарларнинг номзоди асосан партия таниқлотлари томонидан кўриб чиқилиб, сўнг тавсия этилди. Лавозимга сайланаётган маҳаллий раҳбарлар марказда суҳбатдан ўтишлари шарт эди. Бундай раҳбарлар ўз билими, тажрибаси, истеъдоди жиҳатидан фан ва техника тараққиёти ўртага қўйган вазифаларни тўғри ва тўла англаши, уларни бажара олиш даражасида бўлиши, ишлаб чиқаришда, жамиятда тартиб — интизомни мустаҳкамлаш заруриятини англаб етиши лозим эди. Бу даврга келиб кадрларни барча бўғинлардаги лавозимларга сайлаш усули қаттиқ туриб ўтказила бошланди.

Совет тузуми даврида КПСС юритган кадрлар сиёсати совет давлатининг «марксча — ленинча» партиявий ғояларига ҳамда шовинистик мақсадларига бўйсундирилган, бу сиёсат замирида миллий ўлкалардаги раҳбар — кадрларнинг инсонийлик принципларига зид тарзда бўлса ҳам республикаларнинг иқтисодий ҳаётини умумиттифоқ манфаатларига бўйсундиришга, халқларни ўз миллий манфаатидан ажратиб, уларни аста — секин тобе даражасига

¹ Горбачев М.С. Перестройка и новое мышление для нашей страны и для всего мира -М. Политиздат 1987 С 19

² Шубин А.В. От «застоя» к реформам СССР в 1917-1985гг. С 627

олиб келиш мақсади ётар эди. Марказ кадрлар сиёсатини оғишмай амалга оширишда ўзга миллатга мансуб раҳбар ва кадрларга нисбатан мунтазам таъқиб ва ўзига хос қатағонлар уюштириб турди. Вақти—вақти билан маҳаллий кадрларни силтаб “хушёр” қилиб туриш республикаларда олиб борилган кадрлар сиёсатининг асосий йўналишига айланиб қолди. Юқоридаги сиёсат 80—йиллар ўрталарига келиб, айниқса Ўзбекистонда миллий кадрларни қатағон қилишда яққол намоён бўлди. Ушбу йилларда Ўзбекистонда маҳаллий миллатга мансуб раҳбар кадрлар ўз обрў—эътиборлари билан лавозимларидан кетмадилар. Аксарият кўпчилик ўйлаб чиқарилган жараёнлар ортида беғуноҳ ҳибсга олинди, мол—мулки мусодара этилди, оила аъзолари қаттиқ таъқиб остига олинди. КПСС ва совет ҳукуматининг Ўзбекистонда олиб борган кадрлар сиёсатининг асосий натижалари шу тарзда сарҳисоб қилинган эди.

Инсоният тараққиёти учун зид бўлган коммунистик мафкура мунтазам равишда турли кўринишдаги сиёсий жараёнларни уюштирар экан, ушбу жараёнлар аслида ҳурфикрлик ва инсон ҳақ—ҳуқуқлари, эркин ва озод дунёга интилиш тамойилларига чек қўйиш мақсадида турли таъқиб, қатағонлар шаклида амалга оширилди. Мустақил фикрлай оладиган, миллатга изчиллигини танишга йўл берувчи ҳар қандай кадрлар доимо таъқиб остида бўлганлар¹. Кетма—кет уюштирилаётган қатағонлар «тадрижий» тарзда бир—бирига уланиб, кўплаб халқларининг бошига мислсиз азоб—уқубатларни келтирди. Халқларнинг инсоний ҳақ—ҳуқуқларини поймол этиш, мажбурлаш, қўрқитиш йўллариини ишга солиш орқали сиёсий мақсадларини амалга ошириш совет ҳукумати учун ўзига хос ҳолат эди. Бу эса, ўз навбатида халқлар орасида миллий руҳни йўқотишга, мустақиллик йўлида қилинадиган ҳар қандай ҳаракатларга чек қўйишга хизмат қилар эди. Шундай қатағонларнинг навбатдагиси 80—йилларда “пахта иши”, кейинроқ “ўзбек иши” деб аталган уйдирмалардан бошланди². Инқирозга учраб бораётган тузум бўйнига ташланган сиртмоқдан қутилиб кетиш учун айбдорларни излаб топиш ва жазосини

¹ Қаранг: Пивин А.А. Философия истории. - М.: Гардарики, 2000. С.66

² Қаранг: Шубин А.В. От «застоя» к реформам СССР в 1917-1985гг. С. 265-267.

Ўзбекистондаги вазиятни текшириш бўйича тузилган комиссиялар фаолиятига дастлаб Т.Гдян ва Н.Иванов ҳеч қандай эътироз билдирмаган эди. Аммо комиссия йўл қўйилган қонунсизликларни аниқлай бошлагач, улар очикдан – очик иввогарлик йўлига утиб оидилар. СССР халқ депутатлари съездида тузилган комиссия таркибида Гдяннинг тарафдорлари борлиги уларга қўл келди. Бу ҳол комиссиянинг Ўзбекистонда Гдян фаолияти билан боғлиқ ишларни чуқур текшириб, объектив хулоса чиқаришига тўсқинлик қилди¹. Комиссия Ўзбекистондаги вазиятни ўрганаётган вақтида оммавий ахборот воситалари орқали турли чиқишлар қилиниб, митинглар уюштирилиб, Гдян гуруҳининг бебошликларини оқлашга қаратилган ҳаракат ҳам қилиб кўрибди. Шу муносабат билан Ўзбекистон, ўзбек халқи ҳақида яна ивволар кўпайиб кетди.

РСФСРнинг баъзи шаҳарларида Гдян ва Ивановни ҳимоя қилувчи қўмиталар ташкил этилди.² СССР халқ депутатлари биринчи съезди бўлаётган кунларда "Гдяндан қўлингизни торт" сарлавҳали мақола чоп этилди. Шундай мақолалар чоп этилаётган "Голос избирателя" ("Сайловчи овози") газетаси барча СССР халқ депутатларига тарқатилди.³ СССР халқ депутатлари иккинчи съездида Зеленоград шаҳридаги 70 минг киши имзо чеккан, Гдянни ҳимоя қилиш қўмитаси томонидан уюштирилган "Ўзбекистонлик депутатларини минбарга яқинлаштирмаслик" ҳақида мактуб ҳам келиб тушди⁴. Москвада халқ депутатлари жойлашган меҳмонхоналар эшигига Гдян тергов гуруҳини қўлаб – қувватлашга ундовчи варақалар ёпиштириб кетилди⁵. СССР Ички ишлар вазирлиги берган маълумотларда кўрсатилишича, Россиянинг турли минтақаларида "Гдян ва Ивановни ҳимоя қилиш" ишори остида атайлаб уюштирилган митинглар, намойишлар ўтказила бошланди. 1989 йил май ойидан 12 сентябрга қадар, Ўзбекистондаги ҳақиқий аҳводдан буткул беҳабар, нотўғри маълумотларга эга кишиларнинг Россиянинг марказий шаҳарларида 51 та оммавий чиқишлари бўлиб, уларда 350

¹ РГАСИ ф - 89, перечень - 24, документ - 15, лист - 2

² «Тошкент ҳақиқати» 1990 йил, 3 февраль

³ «Тошкент ҳақиқати» 1990 йил, 3 февраль

⁴ «Тошкент ҳақиқати» 1990 йил, 3 февраль

⁵ Первый съезд народных депутатов СССР. Стенографический отчет. Том 2. С.255

минг нафар киши иштирок этди¹. Жумладан, бундай чиқишларнинг 38 фоизи Москва ва Москва вилоятига туғри келди. Турли ташкилотлардан ҳаттоки, Гдьян гуруҳини моддий маблағ билан таъминлаш мақсадида ҳам пул йиғила бошланди².

1989 йил 4 сентябрда Ярославль шаҳридаги "Шинник" стадионида расмий рухсат берилган митинг уюштирилиб, унда икки мингдан ортиқ киши иштирок этди. Сўзга чиққан Гдьян СССР Олий Советини "трагикомедия", митгақалараро депутатлар гуруҳини эса партиёга, ҳукуматга қарши муҳолифат деб таърифлади. Сўз олганлар бутун мамлакатда Гдьян ва Ивановни ҳимоя қилиш қўмиталарини тузишни, 14–20 сентябрь кунлари Москвада шу масалага бағишланган ҳафталик ўтказишни таклиф қилдилар.³ Гдьян Хабаровск шаҳрида ташкил этилган митингга сўзга чиқиб, М.С.Горбачевни «жиноятчи», СССР халқ депутатларини «мафиячилар» деб атаб, «мен бу жиноятчилар орасида бўлмайман» дея намойишкорона тарзда депутатлик белгисини кўксидан юлиб ташлади.

Таъкидлаш лозимки, Т.Гдьян раҳбарлик қилган тергов гуруҳи ишини текшириш учун тузилган махсус комиссия фаолиятини ҳаққоний тарзда ўзбек халқи шайини ҳимоя қилиш учун олиб борилган ҳаракат деб атаб бўлмайди. Марказ аслида бу ишларни Гдьяннинг марказдаги раҳбарларга қўйган айбини хасиўшланиш учун амалга оширган эди. Бунинг устига, бутун бир миллатга ҳақоратомуз тамғани босган марказ энди бемалол "пахта иши"ни "ўзбек иши"га айлантириб ҳам олганди.

Гарчи КПСС МҚ дастлаб Гдьянни буюк изқувар қилиб кўрсатиб ўзбек халқидан тортиб олинган бойликларни оммавий ахборот воситалари орқали кўрсатиб, бу Гдьяннинг хизматлари туфайли эканлигини таъкидласада, кейинроқ, Гдьян ўз вазифасини бажариб, мамлакатдаги мураккаб ижтимоий – сиёсий аҳвол марказга бориб тақалишини асослашга ҳаракат қилганидан сўнг уни четга чиқариб қўйди. Чунки, бу вақтга келиб Ўзбекистонда деярли қаттиқ қаршиликка учрамаган Гдьян бошлиқ терговчилар гуруҳи

¹ РГМШ ф -89, перечень - 24, документ - 7, лист - 1

² РГМШ ф -89, перечень - 24, документ - 7, лист - 1

³ РГМШ ф -89, перечень - 24, документ - 7, лист - 2

республикадаги мутахассис кадрларни жиний жавобгарликка тортиб бўлгач, энди улар ўзини замонанинг «адолатпарвар» кишиси сифатида тергов ипини Москвада юқори лавозимдаги раҳбарларга қараб торта бошлаган эди.

Аслида юқоридаги воқеликлар марказнинг навбатдаги сиёсий найранглари эканлигини шундан ҳам билиш мумкинки, Гдян гуруҳи фаолиятини текшириш учун тузилган нуфузли комиссиялар матлум хатти – ҳаракатлар қилгани билан, бироқ СССР Бош прокурори Н.С.Трубин Т.Гдян ва Н.Ивановнинг Ўзбекистондаги хатти – ҳаракатларини фақатгина "интизомий жазо беришга олиб келувчи мансаб нуқсонлари", дея ҳисоблади, холос. Гдян ва Ивановга нисбатан тергов ишлари олиб бориш жараёнида уларнинг ноқонуний усулларни қўллашгани ёки бошқа бирон бир жинояткорона иш қилганликлари ҳақида «гувоҳлик берувчи холос далил исботлар» топилмаганлиги учун тергов иши 1991 йил 31 августда тўхтатилади.

«Пахта иши», «Ўзбек иши» марказ томонидан амалга оширилган сиёсий ўйинлардан бири бўлиб, советлар мамлакатини инқироздан қутқариш учун қилинган сўнги урнинишлардан бири эди. Шунингдек, мазкур давр ноҳақ айбланган ва таҳқирланган халқнинг ўз қадр – қиммати, ҳақ – ҳуқуқи учун ошқора кураша бошлаган даври ҳам бўлди.

Ўзбекистонда 1989 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб юзага келган янги сиёсий ва ижтимоий вазият Гдян гуруҳига нисбатан муносабатни кескин ўзгартириб юборди. Республикани бадном қилиш, кадрларни таъқиб ва қатағон қилиш учун ўйлаб топилган "Пахта иши" билан боғлиқ бўлган бўҳтонларни фол эғишда, минглаб беғуноҳ кишиларни оқлашда, ҳалол фуқароларнинг пок номларини қайтаришда Ўзбекистоннинг янги раҳбари И.А.Каримовнинг хизматлари бениҳоя катга бўлди. 1989 йилнинг 23 июнида Ўзбекистон КП МҚ биринчи котиблигига сайланган И.А.Каримов марказдан бериладиган тавсия ва кўрсатмаларга муҳтож эмаслигини билдириб, "пахта иши" юзасидан амалга оширилган сохта ва ноҳақ жараёнларни қайта кўриб чиқишга қатъий киришди. И.А.Каримовнинг ташаббуси билан иттифоқ органлари билан маслаҳатлашмай "пахта иши"да айбланиб, жиний жавобгарликка тортилганларни оқлаш учун ҳаракатлар бошланиб кетди. Республика янги

раҳбариятининг олиб борган мустақил хатти — ҳаракатлари туфайли кишилар руҳиятида истиқболга ишонч туйғулари уйғона бошлади.

ЎзССР Олий Совети Президиуми 1989 йил 12 сентябрда "Пахтачиликдаги қўшиб ёзишга йўл қўйгани учун жиноий жавобгарликка тортилган кишиларни авф этиш мақсадида ҳужжатлар тайёрлайдиган" комиссия ташкил этди¹. Ушбу комиссия хулосаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми жиноий жавобгарликка тортилган 43 кишини авф этишни Ўзбекистон ССР Олий Советидан сўради. Шунингдек, маҳбусларни бир қисмига белгиланган жазо муддатларини енгиллаштириш сўралди. Умуман, «пахта иши» юзасидан судланганлар сони 4018 кишини ташкил этган бўлса, республикада бошланган ижобий ўзгаришлардан сўнг тўла оқланганлар сони 2940 кишини, қайта терговга юборилганлар 63 кишини, асоссиз судланганлар 1016 кишини ташкил этди².

1990 йил 8 февралда эса Ўзбекистон Республикаси Министрлар Совети судлар қарорида кўрсатилган, пахтачиликда қўшиб ёзишлар орқасида келтирилган зарарлар ҳақидаги маълумотлар ҳақиқатга қанчалик мос келишини чуқурроқ текшириш мақсадида яна бир комиссия ташкил этди. Кейинроқ бу комиссия Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг комиссиясига айлантирилди. Ушбу комиссия ўз фаолияти давомида жиноий жавобгарликка тортилган кўнлаб фуқароларнинг жиноий ишларини ўрганиб чиқди ва Республика Олий Суди пленумининг 1985 йил 9 августдаги 9-сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарор лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу лойиҳага биноан "судлар ҳар бир конкрет ҳолатда юқори раҳбарларнинг мажбурлаши ва тазйиқи остида қўшиб ёзишларга йўл қўйиш ҳолларини мажбурлаш орқасида амалга оширилган иш", деб баҳоланиши лозим эди. Иттифоқ ҳукумати органлари буйруқларини иттифоқдош республикаларга зўрлик билан ўтказишга ўрганиб қолган раҳбарлар, жумладан, СССР Бош прокурори Н.С.Трубин бу ўзгартиришларни "СССР қонунларини менсимаслик" дея, Ўзбекистон Олий Суди

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди жорий архиви. "Пахта иши" буйича маълумотнома.

² — том, 24 — ыарак.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди жорий архиви. "Пахта иши" буйича маълумотнома.

³ — том, 13 — бет.

пленумининг бу қарорини ҳам шаклан, ҳам мазмунан нотўғри деб баҳолади”.¹ СССР Бош прокурори республика Олий Судининг пахтачиликдаги қўшиб ёзишлар бўйича қўзғатилган барча жиноий ишларни қайта кўриб чиқиш, қамалганларни озод қилиш ҳақидаги қарорига қаттиқ қаршилик кўрсатди.

“Қўшиб ёзишлар” натижасида республиканинг мамлакатга келтирган зарари ҳақидаги турли бўҳтонлар қанчалик тўғри эканини текшириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Советининг махсус комиссияси тузилди. Комиссия юзлаб кишилар устидан қўзғатилган жиноий ишларни ўрганиб чиқди ва “судлар ҳар бир конкрет ҳолатда марказдаги раҳбарларнинг тазйиқи остида қўшиб ёзишга мажбур бўлишлик ҳолларига” ҳуқуқий баҳо бериши керак, деган қарорга келди. Комиссия Гдян тергов гуруҳи фаолияти “инсон ҳақ – ҳуқуқларини поймол қилиш”дан иборат ҳатти – ҳаракат бўлганини эътироф этди. Комиссия республикадаги қўшиб ёзиш ҳолларини “давлат вакиллари тазйиқи остида сохта квитанциялар олиш учун пул бериш бўлиб, хўжаликлар раҳбарларининг бу борадаги ҳаракатлари талон – тарож қилиш, пора бериш билан боғлиқ жиноят тартибларини танкил этмайди, чунки бунда фарзлик элементлари йўқ, бу ҳаракатлар товарсиз операциялар ва қўшиб ёзиш ҳақидаги кўрсатмаларни бажаришга қаратилган эди”, деб хулоса чиқарди. Бир вақтнинг ўзида “пахта иши” бўйича ҳақ – ҳуқуқлари бешафқат тарзда топталиб келинган фуқароларнинг тақдири масаласига адолатли муносабатда бўлиш билан боғлиқ бўлган чора – тадбирлар ҳам кўрилди. Тоталитар тузумнинг Ўзбекистонга нисбатан уюштирилган қатағон сиёсати шу тариқа барбод бўлди.

1991 йил 30 августда СССР Бош прокурори имзолаган Гдян ва Иванов устидан бошланган ишни тўхтатиш ҳақидаги қарорга норозилик билдирилиб, Ўзбекистон ССР прокурори Б.Мустафоев номидан СССР прокурорига яна бир хат йўлланди. Хатда Гдян устидан бўлган тергов жараёнида ўзбек халқига нисбатан қилинган ғайриқонуний ҳаракатлар ва уни шубҳага олишларга барҳам берилишидан умидвор бўлганлиги таъкидланиб, Гдяннинг иш фаолиятида

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди жорин архиви “Пахта иши” бўйича маълумотнома 2 – том, 5 – варак.

ноқонуний ва жинояткорона услублар бўлганлиги, шу муносабат билан мазкур жиноят ишینی тўхтатиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш ва тузилган комиссияга ҳеч монетабликсиз ва ҳолисона ишینی охиригача етказиш имконияти берилишини ёки жиноят ишининг барча материалларини бундан буён тергов қилиш учун Ўзбекистон ССР прокуратурасига юборилишини сўради. Бироқ, СССР Бош прокурори Н.С.Трубин Ўзбекистон прокурорига хат йўлаб, "терговнинг барча материалларини Ўзбекистон ССР прокуратурасига юбориш тўғрисидаги сўров амалдаги қонуinchиликка тўғри келмайди,"¹ деб жавоб қайтарди.

Совет мустабида тузумини Ўзбекистонда амалга оширган қатағонлик сиёсати, маҳаллий кадрларга ишончсизлик ва уларни поҳақ жиноий жавобгарликка тортиш, ўзбек халқи номини бадном қилишга уришиш, зўравонлик ва қонунсизлик авж олиши шундан далолат берар эдики, улуг давлатчилик ва шовинизм ботқоғига ботган совет ички сиёсати Ўзбекистонни хомашё манбан, чекка маҳаллий ўлка сифатидаги ўршини сақлаб қолиш эди. Ўзбек халқини пахтанинг ялчи ҳосили кетидан қувшинининг азоб — уқубатидан, давлат ҳуқуқий мажмуалари ва қонунлари, ижтимоий адолат тизимларининг айниб кетиши ва бўзилишидан ҳали нафасларини ростлаб олмай туриб, пахта билан боғлиқ бўлган қонунсизликлар уларнинг боши узра айлана бошлади. Совет ҳокимияти «халқлар дўстлигининг метиндек мустаҳкам занжири»да ўз ўрнинга эга бўлган ўзбек халқига шундай «миннатдорчилик» ва «саҳоват» кўрсатдики, натижада иттифоқдош республикалар орасида Ўзбекистон осонгина «боқиманда» номини олди. Гарчи 80—йиллар охирига келиб кишиларни асоссиз равишда қувғин қилиш, сохта гувоҳликлар тўплаш орқали маҳаллий кадрлардан ўч олиш, уларни жиноий жавобгарликка тортиш каби мудҳиш саҳифаларга барҳам берилган бўлсада, лекин «пахта иши» уйдирмалари совет давлатинини Ўзбекистонни қайта ишғол қилиш учун бошлаган навбатдаги сиёсий уйинларидан бири сифатида тарих саҳифаларига битилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди жорин архиви. "Пахта иши бўйича маълумотнома 2 том 3 -варак

3-қисм Ўзбекистонда миллатлараро муносабатдаги вазият

Совет давлатида «ленинча — бузилмас сиёсат» номини олган миллий сиёсатнинг энг фожеали оқибатлари 80 — йилларнинг иккинчи ярмига келиб яққол намоён бўлди. Совет иттифоқининг барча республикалари ва ўлкаларидаги халқлар ўз миллий манфаатлари ҳимоя қилиб турли намоёишлар уюштира бошладилар. Миллий урф — одат, анъана ва қадриятларни қайта тиклаш ҳаракатлари бутун мамлакатни қамраб олди.

80 — йиллардаги «ошкоралик» натижасида ўз тарихий ватанига қайтиш учун ҳаракат бошлаган халқлардан бири қрим — татарлар эди. Қрим — татарлар бошқа халқлар билан биргаликда Сталин буйруғига мувофиқ 1944 йил 18 майда «ватан хоинлари» сифатида ўз она ватанларидан бадарға қилинган эдилар. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланаётган ҳужжатлардан маълум бўлишича, Сталин қатағонлари натижасида Ўзбекистонга кўчириб келтирилган қрим — татарларининг умумий сони 883.400 кишини ташкил этган.¹ Улар республиканинг ишчи кучига эҳтиёж катта бўлган Олмалик, Бекобод, Чирчиқ каби шаҳарларга, янги ўзлаштирилган ерларда қурилган колхоз ва совхозларга жойлаштирилган.

Ўзбекистонга кўчириб келтирилган қрим — татарлари дастлабки вақтдан оқ ниҳоятда оғир шароитда яшаганлар. Улар жойлаштирилган лагерларда оддий шароитлар ҳам бўлмаган, натижада қрим — татарлар кўчириб келтирилган биринчи йилнинг ўзидаёқ 195.000 киши вафот этган².

Совет ҳукумати сиёсий ҳақ — ҳуқуқлардан маҳрум этилиб, маънавий ва иқтисодий қийинчиликлар домига ташланган қрим — татарларининг миллий мансублигини йўқотишга ҳам уриниб кўрди. Марказий Давлат архивида сақланаётган ҳужжат маълумотларида «қрим — татарлари истиқомат қиладиган ерлардаги аҳоли рўйхатини қайд қилувчи маълумотларда агар киши қрим — татар миллатига мансуб бўлса, унга нисбатан «қрим — татар» деган сўз

¹ Ўз МДА ф - 2454, руйхат - 6, йилма жилд - 6305, 16 - варақ

² Ўз МДА ф - 2454, руйхат - 6, йилма жилд - 6305, 16 - варақ

қўлланилмай, «татар» деган атама ишлатилди»¹ деб кўрсатилди. Маълум бўлишича, қрим – татарларининг миллий мансублигини тугатиш учун татар ёки ўзбек деб ёзишга мажбурлаш ҳолатлари бўлган.

Кам сонли халқларни камситиш мустабид тузум миллий сиёсатининг асосий қирраларидан бири бўлганлигини, қрим – татарларига «сотқин» деган ёрлиқ ёпиштирилганидан ҳам куриш мумкин эди². Мазкур халқнинг миллий мансублигини камситиш ҳоллари билан бирга уларнинг сонини сунъий тарзда камайтириб кўрсатишга ҳам уриниб кўрилди. Фақат 1989 йилдаги бугуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш вақтига келиб, қрим татар жамоатчилиги бундай сохталикларнинг олдини олишга муваффақ бўлиб, қатъий порозиликларини билдирдилар.

«Халқлар отаси» Сталиннинг вафотидан сўнг «ишончсиз» ҳисобланган халқларга нисбатан бир оз «илиқлик» пайдо бўлган эди. Лекин бу «илиқлик» сиёсати адолатни тиклаш борасида қрим – татарларига нисбатан қўлланилмади. Совет ҳукуматининг талаби билан республика, вилоят, шаҳар раҳбарлари қрим татарлар орасида «ватанпарварлик» кайфиятини кучайтиришга қаратилган ташвиқот ва тарғибот ишларини давом эттирдилар. Аслида қрим – татарларнинг ўз тарихий ватанларига қайтиш учун қилган ҳаракатлари бир зум ҳам тўхтамаган, бу эса мамлакатдаги турли сиёсий кучларнинг эътиборини ҳам узига тортган эди.

Шу боис ҳам сиёсий раҳбарият 1967 йилдаёқ қрим – татарлар ҳаракатини тўхтатиш, улар билан учрашиб, талабларини ўрганиш мақсадида Ю.В.Андронов раҳбарлигида биринчи комиссияни ташкил қилишга мажбур бўлган эди³. Мазкур учрашувдан сўнг КПСС МҚ кўрсатмаси билан 1967 йил 17 августда совет ҳукуматининг «Татар миллиати граждандари тўғрисида»⁴ги буйруғи чиқди. Унда қрим – татарлар истиқомат қиладиган республикаларда уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун сиёсий – ғоявий ташвиқотни кучайтириш вазифаси юкланди. Ундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги Павоий ҳамда Бухоро вилоятларида

¹ Ўз МДА ф - 2454, рўйхат - 6, шифра жидд - 6305, 18 - барак

² Ўз МДА ф - 2454, рўйхат - 6, шифра жидд - 6305, 19 - барак

³ Медведев Р. А. Неизвестный Андронов Ростов на Дону "Феликс", 1999, С 102.

⁴ Ўз МДА ф - 2459, рўйхат - 6, шифра жидд - 6305, 15 - барак

яшаётган қрим-татар аҳолиси ичида Қримга қайтишни ташвиқ этаётганлар устидан қаттиқ назорат ўрнатилди. 1967 йил 5 сентябрда эса СССР Олий Совети ўзининг махсус қарори билан қрим-татар халқидан "ватан хоинлари" деган сохта айбловни олиб ташлашга мажбур бўлди. Марказнинг бу ҳаракатлари ўз вақтида "мухториятчиларга" қарши чора-тадбир деб баҳоланди. Марказнинг юқоридаги ҳаракатлари натижасида 60-йилларнинг иккинчи ярмидан кейин Қримга кўчиб кетаётганларнинг сони мунгазам равишда камайиб борган. Буни эса қуйидаги жадвалдан ҳам кўришимиз мумкин¹.

Йиллар	1968	1969	1970	1971	1972	1973	1974	1875	1976	1977
ойлар сони	198	102	45	65	50	29	50	30	20	20
Ойла аъзолари сони	1200	623	277	391	329	177	271	170	113	131

Совет ҳукумати қрим-татарларининг ўз тарихий ватанларига қайтишларини сунъий тарзда тўхтатиш йўлидаги ҳаракатлари шу билан тугамади. 1978 йил 16 августда қабул қилинган СССР Министрлар Советининг "Қрим областида паспорт режимини мустақкамлаш мақсадида қўшимча чора-тадбирларни кўриш" тўғрисидаги қарори қрим-татарларининг ватанларига қайтиши йўлидаги яна бир тўсиқ вазифасини ўтади. Ушбу қарорда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган эди:

- а) Қрим областига ўз ихтиёри билан келган, паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан рўйхатдан ўтмай яшаётган кишилар, шаҳар, туман ижроия қўмиталари қарорига биноан милиция кучлари ёрдамида вилоятдан ҳайдаб чиқарилади,
- б) ўз уйига эга бўлган ёки уйни ижарага олган, ётоқхоналарда яшаётган кишилар паспортсиз ёки сохта паспорт билан келганларни ўзлари билан яшашга рухсат берсалар, уларга бу ишлари учун бир йилда икки марта

¹ УЭИДХ ф-2459, рўйхат-6 шима жидд-6395, 11-барак

жарима солинади. Агар шундан кейин ҳам бу иш давом этса, улар шаҳар ва район ижроия комитетлари қарори билан вилоятдан икки йилга сургун қилинадилар"¹.

Ушбу қарорда собиқ иттифоқ прокуратураси ва ички ишлар вазирлигига унинг талабларини амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар юклатилган. Марказнинг ушбу қарори ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиб чиқаётган, тарихий ватанларига қайтиш истагида бўлган халққа нисбатан юқори даражадаги адолатсизликни яна бир карра намоён этди. Мустабид совет тузуми қрим–татарларига нисбатан қанчалик кўн тазйиқ ва таъқибларни ўтказмасин, у аксил натижа бериб, 60 – йиллардан бошлаб қрим – татарлар ўртасида миллий бирликни мустаҳкамлаш, ўз тарихий ватанларига қайтиш ҳаракати жиддий тус ола бошлади. Марказ сиёсатига нисбатан, қрим–татарларининг табиий ўсиши ортиб борди. 80 – йилларга келиб, Ўзбекистонда истиқомат қилган ҳар 1000 оиланинг 33 тасини қрим – татар оилалари ташкил этди. 1959 йилдан то 1989 йилгача республикада истиқомат қилган қрим – татарлари сони 398.275 кишидан 467.829 кишига кўпайган, қрим – татарларнинг сони руслар сонига қараганда эса 2,2 – 2,5 марта юқори, узоекларнинг ўсишига нисбатан 3 марта кам бўлган². Демак, Ўзбекистондаги қрим – татарларининг табиий ўсиши республикада истиқомат қилаётган бошқа халқларнинг кўпайишига нисбатан тезроқ бўлган. Табиийки, уларнинг тарихий ватанларига қайтиш учун бўлган хатти – ҳаракатлари ҳам кучайиб борган. Айни пайтда қрим – татарларининг бу ҳаракатлари республикада кечаётган ижтимоий – сиёсий жараёнларга ҳам таъсир этмай қолмасди.

М.С.Горбачев ҳокимият тепасига келгандан сўнг эълон қилинган "қайта қуриш" сиёсати, демократия ва ошкоралик шароитида қрим – татарларининг ўз тарихий ватанларига қайтиш йўлидаги ҳаракатлари янада авж олди ва уларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ижтимоий – сиёсий кучлар майдонга чиқди. 1989 йилга келиб, КПСС МҚга қрим – татарларга нисбатан тарихий адолатни тиклаш, ҳақиқатни рўёбга чиқаришни талаб қилиб ёзилган хатлар

¹ ЎзМДА ф – 2454, рўйхат – 6, йиғма жидд – 6305, 15 – varaқ.

² Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. 36 – бет.

сони 250 жилдни ташкил этди¹. Аммо совет ҳукумати "қайта қуриш" йилларида ҳам қрим-татарларининг ўз тарихий ватанларига қайтиш йўлидаги сиёсий хатти-ҳаракатларига янги тўсиқларни қўймоқчи бўлди. Лекин, 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб қрим-татарларининг ўз ватанига қайтиш йўлидаги ҳаракатлари куч билан тўхтатиб бўлмайдиган жараёнларга айланиб бўлганди.

Марказий матбуот эса ўз вақтида зўрлик билан кўчириб келтирилган халқларнинг бу хатти-ҳаракатларини сепаратчилик ва ашаддий миллатчиликда айблаб, ғоявий мақолалар чоп этиб турди. 1988 йил сентябрь ойида "Советская Кубань" газетасида "Сўқир йўлбошловчи қаёққа етаклаяпти?", номли мақола эълон қилинди. Бу мақола марказнинг кўрсатмаси билан собиқ иттифоқдош республикалардаги барча газеталар саҳифаларида ҳам кўчириб босилди. Мақолада қрим-татарлар миллий ҳаракатлари йўлбошчиларига бутун мамлакатдаги вазиятни кескинлаштираётган "ашаддий миллатчи экстремистлар" ёрлиғи ёпиштирилди. Мақолада ёзилишига кўра, "Сўнги йилларда қрим-татарлари гавжум бўлиб яшайдиган ерларда экстремистик кайфиятдаги шахслар ўз ватандошлари ўртасида оммавий ҳаракат—"Тамандан—Қримга марш—поход" ўтказиш учун ташвиқотни кучайтириб юбордилар. Режадаштирилган ишнинг ифвогарлик характерини уни ўтказиш учун мўлжалланган вақт ҳам исботлаб беради. Бу 7-ноябрь ва СССР конституцияси кунидир. Шу куни қрим-татарларининг экстремистик кучлари Тамань станциясида намойиш ва митинглар ўтказиб, сўнгра "Қрим сари пиёда юриш"га отланиш ниятидалар. Бу воқеаларнинг илдизи Ўзбекистондадир".²

Қрим-татарлари ўз ерларидан кўчирилган вақтда, улар аввал истиқомат қилган уйларига, ерларига РСФСРнинг марказий вилоятларидан, Украинадан аҳоли кўчириб келтирилган эди. "Улар эса ўрнашиб олгунларига қадар мунтазам маблағ билан таъминлаб турилган эди"³. Тўпланган ҳужжатлардан маълум бўлишича, Қримда 2 миллионга яқин турли миллат вакиллари истиқомат қилган.⁴ Иккинчи жаҳон

¹ Союз можно было сохранить. Белая книга. М. Апрель. 1995. С.351.

² «Совет Ўзбекистони». 1987 йил, 14 октябрь.

³ ЎЗМ ДА фонд—2459, руйхат—6, илгма жид—6306, 10—варақ.

⁴ РГАНИ ф—89, перечень—42, документ—17, лист—5.

урушидан аввал Қримнинг миллий таркибида украинлар 13 фоизни, руслар 49 фоизни ташкил этган бўлса, 1980 йилларга келиб, украинлар сони 26 фоизга, руслар сони эса 68 фоизгача етган.¹ Шу боис ҳам марказ Қримда яшаб турган аҳолини кўчиришдан сиёсий жиҳатдан манфаатдор эмас эди. Қримда яшаётган славян халқларига мамлакатнинг чегарага яқин ҳудудидаги асосий таянч сифатида қаралган. Юқорида келтирилган мақола муаллифи ҳам бу масала устида тўхталиб, "қирқ йилдан буён Қримда яшаб келаётган бошқа халқларни кўчириш ҳисобига қрим-татарларига нисбатан "адолатни тиклаш" керак эмас",² деб хулоса қилган. Муаллифнинг ушбу фикр — мулоҳазалари айнан совет ички сиёсати мазмун — моҳиятига ҳамоҳанг эди.

Қрим-татар халқи вакиллариининг Қрим Автоном республикасини тиклашни илтимос қилиб ёзган мурожаатномаларига жавобан СССР Олий Совети Президиумининг раиси А.А.Громико бошчилигида яна бир давлат комиссияси тузилди. Лекин комиссия билан вакиллар ўртасида бўлган учрашувлар ҳам кутилган натижани бермади. Марказ ўзининг шовинистик руҳдаги «ленинча» миллий сиёсати тамойилларидан воз кечмади. Комиссия тузилган вақтдан бошлаб турли учрашувлар ташкил этилди. 1987 йил июль — сентябрь ойларида Краснодар ўлкасида истиқомат қилаётган қрим-татарлари вакиллари билан бўлган урашув ҳам кескин баҳс — мунозара тарзида ўтди. Ҳукумат вакиллари қрим-татарлар ватанларига қайтиши учун муайян вақт керак бўлишини таъкидладилар. Марказ ўз ҳаракатларини давом эттириб, 1987 йил 27 декабрда жамоат хавфсизлигини сақлаш, аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш баҳонаси билан вақтинча тадбир сифатида номи рўйхатда эълон қилинган шаҳарлар ва қишлоқларда доимий яшаш учун кўчиб келаётган кишиларни рўйхатга олиш тўхтатилиши тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорга илова қилиниб, маҳаллий ташкилотларга истисно тариқасида, маълум зарурият билан кўчиб келаётган кишиларни рўйхатга олиш ва ишга жойлаштириш ҳуқуқи берилди.

Аmmo шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бу илова асосан Россиянинг турли вилоятларидан Қрим ва Краснодар

¹ Союз можно было сохранить. Белая книга. С.14.

² «Совет Узбекистони». 1987 йил, 14 октябрь.

ўлкасига кўчиб келаётганлар учун қўлланилди. Кўчиб келаётганларни рўйхатга олиш таъқиқланган жойлар асосан қрим – татарлари қадимдан яшаб келган ва айнан улар бориб жойлашиш учун интилаётган ерлар эди. Улар жумласига Қримдаги Алушта, Евпатория, Керч, Севастополь, Симферополь, Феодосия, Ялта шаҳарлари киритилди. Шу билан бирга Богчасарой, Ленин, Раздолин, Сак, Симферополь, Судак, Қора денгиз районлари ҳам кўчиб келаётган қрим – татарларини рўйхатга олиш таъқиқланган жойлар жумласига киритилди.

Ушбу қарорлардан кўзланган асосий мақсад қанчалик адолатсиз характерга эга бўлганлигини Наманган вилоятида яшовчи бир гуруҳ қрим – татарларининг КПСС МҚ Сиёсий бюроси, СССР Министрлар Совети, Давлат статистика қўмитаси, матбуот ташкилотларига ёзган хатлари мисолида ҳам кўриш мумкин бўлган. "Қрим – татарларига бўлган муносабат мустамлакачилик сиёсатининг давомидир, – дейилган эди хатда, – Россия подшолари, императорлари ҳам асрлар давомида шундай сиёсатни амалга оширганлар. Совет давлати ҳам бу сиёсатни изчиллик билан амалга оширмоқда... , бутун бир миллатни ўз юртидан бадарға қилиш, жисмоний азоблаш ва йўқ қилиш, турли жойларга тарқатиб юбориб, бошқа халқлар билан ассимиляциялаштириш, тили, миллий маданияти ривожланишини чеклаш миллий адолатсизликнинг ёрқин кўринишидир. СССР Министрлар Советининг қарорлари бутун бир миллатга қарши бўлган жиноятни яшириш учун чиқарилган"¹.

1987 йилга келиб, совет мамлакатининг тарихида биринчи маротаба мамлакатнинг асосий шаҳарлари майдонларида Қрим автоном республикасини тиклашни талаб қилиб борган қрим – татарларининг намоёнлари бўлиб ўтди. Вазиятнинг тобора оғирлашиб бориши натижасида, 1987 йилда КПСС МҚ Сиёсий бюросида қрим – татарлар муаммоси масаласи кўриб чиқилиб, унда қрим – татарларини Қримга кўчириш масаласи қаттиқ қораланди. Мажлисда маъруза қилган М.С Горбачев, жумладан, шундай деган эди: "Қрим автономиясини тиклаш Ленин ғоялари бўйича умуман ҳақиқатга тўғри келмайди. Ўтган 45 йил давомида Қримда жуда кўп нарса ўзгарди. Қримнинг ривожланиши учун

¹ Ўз ДА фонд - 2451, рўйхат - 6, йилга жидд - 6305, 17 – varaқ.

бошқа халқлар, айниқса руслар, украинлар жуда катта ҳисса қўшдилар. Шунинг учун Қримни татарлар қўлига топширишнинг иложи йўқ. Аммо Қримга кўчиб келаётганларга жанубий қирғоқларни беркитиб, 15—20 йил давомида Қримнинг бошқа, ўзлари истаган қисмларида жойлашиши учун ёрдам бериш мумкин¹.

КПСС ва Совет ҳукумати Ўзбекистонда ҳам қрим—татарлар ҳаракатини тўхтатиш учун барча чора—тадбирларни кўриш, оммавий ахборот воситалари орқали турли гоаявий мазмундаги кўрсатувлар уюштириш лозимлигини таъкидлади. Бу ишларни назорат қилиб туриш учун Громико А.А, Шербицкий В.В, Воротников В.И, Усмонхўжаев И.У, Демичев П.Н, Чебриков В.М, Лукьянов А.И, Разумовский Г.П, А.Н.Яковлевдан иборат комиссия тузилиб, уларга қрим—татар вакиллари билан учрашиш, оммавий ахборот воситалари орқали турли чиқишлар уюштириш каби вазифалар юклатилинди.² Комиссия фаолиятдан норози бўлган қрим—татарлари 1987 йил 25—27 июль кунлари Москвада “Громико бошлиқ сталинозаврлар йўқолсин”, деган чақириқлар билан оммавий намоишлар уюштирди³.

Бу вақтга келиб, қрим—татарлар ҳаракати муаммолари билан шуғулланувчи комиссиялар Ўзбекистон ССРнинг саккиз вилоятида ташкил этилди. Комиссиялар таркибига нуфузли қрим—татар халқи вакиллари, иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ҳам киритилди. Бу комиссиялар қрим—татарлари вакиллари билан 80 га яқин учрашувлар ўтказиб, 12 миңдан кўпроқ киши билан суҳбат ўтказди. Комиссиялар асосан қрим—татарлардан келиб тушган таклифларни марказнинг тегишли ташкилотларига юбориш билан шуғулландилар. Комиссияларнинг асосий вазифалари қрим—татар тилида нашр этилаётган адабиётлар сонини кенгайтириш, ўқув дастурлари ва дарсликларни яратиш, Ўзбекистонда қрим—татарлари маданият ва санъатини янада ривожлантириш имкониятларини излашдан иборат бўлди. Республикадан Украинанинг Қрим ва Херсон вилоятларига, Краснодар ўлкасига қрим—татар тилидаги китоблар

¹ Союз можно было сохранить. Белая книга. С.15

² Союз можно было сохранить. Белая книга С.14

³ Крымские татары: проблемы репатриции РАН. Инс востоковедения.М.: 1997 С.32

жўнатилиб гурилди. Бу ишлар асосан маданий – маърифий характерга эга бўлиб, қрим – татарлари қўйган ижтимоий – сиёсий талаблардан буткул йироқда эди. Қрим – татарлари ҳаракатининг ташкилотчилари ўз халқининг асосий қонуний талаблари эътиборга олинмаганидан ҳафсаласи пир бўлиб, шундан сўнг тарихий ватанларига қайтишни ташкил этувчи «Ташаббус» гуруҳини туздилар. Мазкур вақтдан бошлаб республиканинг бир қанча вилоятларида бўлган «Ташаббус» гуруҳи аъзолари миллатдошлари билан учрашиб, уларнинг таклиф – истакларини ўргандилар ва шундан сўнг партия ва ҳукумат раҳбарияти олдига қўйидаги талабларни қўйдилар.

– РСФСР таркибида Қрим автоном республикасини тиклаш;

– қрим – татарларини ташкилий равишда она ватанларига кўчиришни ташкил этиш;

– қрим – татарлари паспортга “қрим – татар” деб ёзишни кафолатлаш;

– қрим – татарларининг умумий сонига тааллуқли бўлган маълумотларга аниқлик киритиш;

– қрим – татарларига Қримда уй – жой сотиб олиш, ўз уйларини алмаштиришига рухсат бериш;

– қрим – татарларига кўчиб борадиган жойларда, маблағларнинг бир қисмини аввалдан тўлаш шarti билан уй – жой қурилиш кооперативларини ташкил этиш;

– уруш ва меҳнат фаҳрийлари, ишлаб чиқариш ногиронларининг хизматларини эътиборга олиб, уларни биринчи навбатда кўчириш.

Кейинроқ бориб, бу талаблар қаторига матбуотда қрим – татарлари фаолиятини кенгроқ ёритиш, қрим – татарларининг Қримга кўчиб бориши ва шу бўйича тузилган комиссия фаолияти ҳақида тез – тез маълумот бериб туриш, кўчиб кетаётган қрим – татарларининг ҳужжатларини тезда расмийлаштириш, 40 – 50 йилларда режасиз қурилган уйларнинг ҳужжатларини тезлик билан тўғрилаб бериш масалалари киритилди.

«Ташаббус» гуруҳи қрим – татарлари ўз ватанларига кўчиб бориши билан боғлиқ бўлган масалаларни тезроқ ҳал этиш мақсадида бир қатор тадбирларни ҳам амалга оширди. Улар тузган комиссиялар республиканинг вилоятларида қрим – татар халқи вакиллари билан учрашувлар ўтказиб,

уларнинг фикрларини ўрганиб чиқди. Масалан, Тошкент вилоятида тузилган комиссия 1987 йил 31 августдан 17 сентябрга қадар 17 меҳнат жамоасида учрашув ўтказди. Жумладан жойлардан келган 1590 ариза кўриб чиқилди. Комиссияга эса шу давр ичида 9096 киши мурожаат қилди¹.

Фарғона вилоятида тузилган комиссия мунтазам равишда фуқароларни қабул қилди, уларнинг фикрларини ўрганиб, 15 минг киши имзо қўйган 3005 та аризани кўриб чиқди. Ундан ташқари, 34 жамоада ҳам учрашувлар ўтказилди².

Қашқадарёда тузилган шундай комиссия 7316 кишининг аризасини кўриб, жойларда турли учрашувлар ўтказди³.

Наманган вилоятида ишлаган комиссия 1987 йилнинг сентябрь октябрь ойларида 2246 кишини қабул қилиб, 5355 киши имзо қўйган 1020 хат, телефон орқали 1408 таклифлар олди⁴.

1988 йил 24 апрелда эса Чиноз туманининг Олмазор қишлоғида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Краснодар ўлкаси, Украинанинг Херсон области, Қрим ва Москвадан келган 112 вакил иштирокида «Ташаббус» гуруҳининг учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашувда «Қрим – татарлари миллий ҳаракатининг яқин даврлардаги фаолияти» ҳақида қарор қабул қилинди.⁵ Мустафо Жемилов марказий ижроия қўмита раиси этиб сайланди. Шунингдек, учрашувда қабул қилинган қарорни тезда КПСС МҚ бош котиби М.С.Горбачевга юбориш масаласи келишиб олинди. Бош котиб номига юборилган хатда эса қрим – татарларининг ўз ватанларига қайтиш учун ўтказаетган митинг ва намойишларини қонуний деб ҳисоблаш, уларнинг Қримга оммавий кўчиб боришини қўллаб – қувватлаш, қрим – татарлари бадарға қилинган кун – 18 майни «миллий фожеа куни» деб эълон қилиш ва шу куни намойишлар ўтказиш, қрим – татарлари миллий ҳаракатида бошқа халқлар вакиллари ҳам иштирок этишини таъминлаш, миллий ҳаракат фаолиятини ёритувчи нашрни тайёрлаш ва

¹ ЎзМДА ф – 2456, рўйхат – 6, йиғма жилд – 6304, 33 – varaқ.

² Ўз МДА ф – 2456, рўйхат – 6, йиғма жилд – 6304, 60 – varaқ.

³ Ўз МДА ф – 2456, рўйхат – 6, йиғма жилд – 6304, 48 – varaқ.

⁴ ЎзМДА ф – 2454, рўйхат – 6, йиғма жилд – 1 – 2 varaқ.

⁵ Ўз МДА ф – 2454, рўйхат – 6, йиғма жилд – 6305, 28 – varaқ.

бу ишдаги ҳаражатларни таъминлаш учун миллий фонд ташкил этиш кераклиги кўрсатилди¹.

Аммо марказ бу талабларни «экстремистик ҳаракат» деб баҳолади ва СССР Олий Совети президиуми 1988 йил 28 июлда "СССРда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларни уюштириш ҳамда ўтказишнинг тартиби тўғрисида" фармон қабул қилди. Унга биноан тадбирларни ўтказиш учун ҳудудда бу тадбирлар ўтказилаётган маҳаллий совет ижроия қўмитасининг ёзма рухсатини олиши лозим эди. Икки ва ундан кўп маҳаллий советлар ҳудудда олмавий тадбирлар ўтказиладиган бўлса, улардан юқори турган идораларнинг рухсати олиниши шарт қилиб қўйилди. Рухсат сўраб ёзилган ариза тадбир ўтказиладиган кундан камида 7 кун аввал тегишли маҳаллий совет ижроия қўмитасига берилиши ва ижроия қўмита уни уч кун ичида кўриб чиқиб, жавоб бериш тартиби ўрнатилди. Аризада шу тадбирни ўтказадиган ташкилотнинг аниқ номи, тадбирнинг мақсади, тарзи, жойи ва ўтказилиш вақти, шунингдек, қатнашчиларнинг тахминий сони кўрсатилиши ҳам лозим эди. Бундай йўл билан эса бирон — бир тадбир ўтказиш учун рухсат олиш, табиийки, ниҳоятда мураккаб бўлган.

Ушбу фармондан сўнг, 1988 йил 19 августда Ўзбекистон ССР Олий Совети президиуми ҳам "Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар уюштириш ҳамда ўтказишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида" фармон қабул қилди. Ушбу фармонда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар ўтказиш тартиби бузилса, огоҳлантириш ёки уч юз сўмгача жарима солиниши белгилаб қўйилди. Шунингдек, айрим ҳолларда жамоат тартибини бузганлиги учун ўн беш суткагача маъмурий ҳибсда сақлаш ҳам кўзда тутилди².

Шундан сўнг, ташкилий қўмиталар йиғинларини шаҳар ва қишлоқларда ўтказиш ҳам таъқиқлаб қўйилди. Масалан, Шаҳрисабзда митинг бўлаётган жой милиция ходимлари томонидан ўраб олинди³. Лекин, партия ва совет органларининг қаршилигига қарамай, бундай йиғинлар

¹ Ўз МДА ф-2454, рўйхат — 6, йилма жид — 6305, 35 — varaқ.

² Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари. Тўққизинчи сессия. Тошкент, 1989. 180 — бет.

³ Ўз МДА ф-2454, рўйхат — 6, йилма жид — 6305, 51 — varaқ.

Қўқон шаҳрида ҳам бўлиб ўтди. Қрим – татарлари ҳаракати вакиллари 1988 йилда «Октябрь инқилоби» байрамини нишонлаш мақсадида Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида намойиш ўтказишни режалаштирдилар. Лекин бу намойиш «демократия ва ошкораликни поймол этиш» деб ҳисобланди ва шаҳар ҳокимияти томонидан таъқиқланди. Шаҳарда намойишнинг олдини олиш мақсадида турли жойлардан 1014 милиция ходими келтирилди. Шаҳар истироҳат боғи ёпиб қўйилди. В.И.Лениннинг ҳайкали таъмирланиши баҳонаси билан атрофи тахталар билан ўраб қўйилди. Шаҳар марказий клубини ҳам милиция ходимлари ўраб олдилар. 17–18 октябрдан бошлаб эса шаҳарда истиқомат қилувчи қрим–татар миллати вакиллари пахта теримига юборила бошланди. Шунингдек, шаҳардаги бозор ва дўконлар ҳам ёпиб қўйилди¹.

Марказ ва Ўзбекистон раҳбарияти қрим–татарлари ҳаракатига нисбатан ўз муносабатини билдириб қўйиш мақсадида «Ташаббус» гуруҳининг бир қанча вакиллари билан Ўзбекистон ССР прокурори А.В. Бутурлиннинг учрашувини ташкил этди. Учрашувда Бутурлин қрим–татар аҳолисининг қонуний талабларини бажаришни талаб қилиб чиққан кишиларни “экстремистлар” деб атаб, уларни республикадаги вазиятни “кескинлаштиришга ҳаракат қилганликда” айблади. Ушбу йиғилишда маъруза қилган Бутурлин “бизда ҳар қандай ҳаракатни бостириш учун етарли куч бор, уларни бостириб қўйиш учун кучимиз етади,» – деб, бу қатъий огоҳлантириш эканини алоҳида таъкидлади.² А.В.Бутурлин партия ва совет идоралари томонидан тайёрланган, гуруҳ номидан қрим татар аҳолисига топширилиши мўлжалланган мурожаатномани «Ташаббус» гуруҳининг раҳбарларига топширди. Мурожаатнома уч банддан иборат бўлиб, биринчи бандда қрим–татарлари давлат комиссияси чиқарадиган қарорни кутиб туриши, митинглар, намойишлар ўтказмаслиги таъкидланади. Иккинчи бандда қрим–татарлари ҳаракатининг иштирокчилари – “экстремист”лар асосий бузғунчилар сифатида кўрсатилди. Учинчи бандда ана шу “экстремист”ларнинг исми шарифлари кўрсатилган бўлиб,

¹ Ўз МДА ф – 2454, рўйхат – 6, йиғма жилд – 6305, 49 – varaқ.

² Ўз МДА ф – 2454, рўйхат – 6, йиғма жилд – 6305, 38 – varaқ.

рўйхатда кўрсатилганлар ўз исми шарифлари тўғрисиغا имзо чекишлари керак эди.

Юқоридаги ҳолатлардан шу ҳол намоён бўлдики, марказ ҳар қандай йўл билан «Ташаббус» гуруҳи фаолиятини тўхтатишга ҳаракат қилди. Миллий ҳаракат фаол намоёндаларига "экстремист" тамғасини босиш орқали уларни халқ ўртасида обрўсизлантирмоқчи ҳам бўлди. Аммо юқоридаги мурожаатнома «Ташаббус» гуруҳи ташкилотчилари томонидан қабул қилинмади. Шунга қарамай, бу мурожаатнома, совет қонунчилигини бузган қрим—татар аҳолиси вакиллари қонуний жавобгарликка тортиш мумкинлиги ҳақида қрим татарлари кўп яшайдиган ерларда кенг тарғиб қилинди¹.

«Ташаббус» гуруҳининг олиб борган ҳаракатлари натижасида қрим—татарларининг ўз тарихий ватанларига кўчиб бориб жойлашиш жараёнлари тезлашиб кетди. Кўчиб бораётган қрим—татарлар билан у ердаги аҳоли ўртасида муаммоли вазиятлар юзага келиши эҳтимолдан холи эмас эди. Шу боисдан ҳам, 1990 йилда ушбу муаммони ҳал этиш юзасидан СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари В.Х.Догужнев бошчилигида яна бир махсус комиссия тузилди. Комиссия таркибига қрим—татар вакиллари ҳам беш киши аъзо сифатида киритилди².

Комиссияга қрим—татарларининг Қримга ташкилий кўчиб келиши билан боғлиқ бўлган комплекс дастурини ишлаб чиқиш, Қрим АССРни қайта тиклаш билан боғлиқ бўлган иқтисодий—ижтимоий, хўжалик ишларини ўрганиш, Қримга кўчиб келишни ташкилий тусда бўлишини таъминлаш ва Қримда яшаётган аҳолининг манфаатлари билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳам ҳал этиш вазифалари юклатилди. Иккинчи вазифа сифатида қрим—татарларининг тили, маданияти, миллий анъаналари ривожланиши учун ижтимоий—иқтисодий шароитларни яратиш масалалари белгиланди.

Комиссия ўз фаолиятининг дастлабки давриданоқ Ўзбекистон, РСФСР, Тожикистон ва бошқа республикалар ва вилоятлардаги қрим—татарларнинг миллий қўмиталари

¹ «Правда Востока». 1987 год, 8 октябрь.

² Четвертая сессия Верховного Совета СССР. Стенографический отчет. Часть - 7. Издание Верховного Советв СССР. 1990. С.209.

билан ҳам ҳамжиҳат тарзда иш олиб борди. Комиссия ўз фаолияти давомида, асосан, тўрт ҳолатга эътибор берди;

- Қрим АССРни тиклаш;
- қрим – татарларни ўз юртига қайтиб келишдаги тўсиқларни бартараф этиш;
- Қримда қрим – татар тилида газета ва журналлар чиқаришни ташкил этиш;
- СССР Олий Совети президиуми ва совет ҳукуматининг қрим – татарларининг ўз юртига кўчиб келишини чеклаш ҳақидаги 1987 йил 24 декабрда қабул қилинган қарорини бекор қилиш.

Иқтисодий жиҳатдан қрим – татарлари кўчиб келиши ва ишга жойланиши билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш учун бутуниттифок ҳисоб рақамини очип, қрим – татарларининг уй – жойларини колхоз, совхоз, турли ташкилотлар томонидан келишилган нарҳда ёки техник инвентаризация белгилаган баҳода сотиб олинишини таъминлаш;

Молиявий жиҳатдан қрим – татарлари сотаётган уйлар учун олинмаган тўловларни камайтириш, кўчиб келаётганларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларга уй – жой қуриш учун кредитлар бериш;

Ҳуқуқий жиҳатдан Қримга кўчиб келиб, ишга жойлашган қрим – татар вакилларига имтиёзлар бериш, Ўзбекистон, Тожикистон ва бошқа ерларда яшайдиган қрим – татарлари уй – жойларини алмаша олишларини таъминлаш, уларни депортация қилинганда кейинги барча иш стажларини ҳисобга олиш, ижтимоий ҳуқуқлар ва енгилликлар бериш каби масалалар ҳам комиссиянинг асосий вазифалари қаторига киритилди.

Комиссия ўз фаолияти давомида қрим – татарларининг Қримга кўчишини 1990 – 2000 йилга қадар амалга ошириш лозимлигини белгилади. Аммо қрим – татарларининг қатъий талабига кўра, бу масала 1991 – 1996 йилларда амалга оширилиши лозимлиги, СССР Олий Совети бу масалани кўриб чиқиб, қрим – татарларининг ташкилий кўчиши 1991 йилда тугалланиши керак, деган хулосага келишга мажбур бўлди¹.

¹ Четвертая сессия Верховного Совета СССР. Стен отчет. 1990, Часть-7, С 212.

Ушбу комиссия фаолияти давомида, 1990 йилнинг биринчи ярмигача Қримга кўчиб борган 8400 нафар оила уй – жой билан таъминланди. Умуман, қрим – татарларининг миграцияси бўйича берилган маълумотлардан маълум бўлишича, 1989 йилдан кейин Ўзбекистондан яна 105 минг нафар киши Қримга кўчиб кетди¹. Қримга кўчиб бориб ўрнашаётган аҳолига асосан кўриқ ерлар, тоғолди адирлари, янгидан ўзлаштирилиши керак бўлган ерлардан жой ажратиб берилди.

Қримга кўчиб бораётганларни жойлаштириш ва ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун вилоятнинг ўзида ҳам комиссия тузилди. Бу комиссияга 1990 йилнинг биринчи ярмига қадар кўчиб келган 13.000 оиладан 5900 оила учун хусусий уй – жой қуриш учун ер ажратиб берилди, 5500 оила уй сотиб олди, 1700 оилани колхоз ва совхозлар уй билан таъминлади. Лекин 90 – йиллардан бошлаб қрим татарларининг ижтимоий иқтисодий аҳволи мунтазам тарзда оғирлашиб борди.

Қайд қилинган маълумотлардан кўринадики, қрим – татарлари олиб борган ҳаракатларига нисбатан марказнинг муносабати ижтимоий адолатсизликнинг ёрқин намунаси эди. Юқоридаги воқеликлар совет мустабид тузумининг миллатлараро муносабатлардаги «халқларни буюк дўстлиги» роъйсига, «социалистик жамиятда миллий масалада ҳеч қандай муаммо йўқ», деган, ҳамда «барча муаммолар тўлиқ ҳал этилган», деган сафсатасига буткул зид эди.

Сталин қатағонлари натижасида Россиянинг бир қанча минтақаларига зўрлик билан кўчирилган бошқа халқлар ҳам ўз тарихий ватанларига қайтиб бориш ҳаракатларини кучайтирдилар, барча таъқиқларга қарамасдан, йиғилишлар ва намойишлар уюшгирдилар. Масалан, Волга бўйида жойлашган немислар ўз автономиясини тиклаш талаби билан чиқдилар. Лекин бу талабларга қарши шаҳарларда оммавий намойишлар ўтказилди. Бунинг натижасида Ўрта Осиёга, Қозоғистон ерларига ноқонуний тарзда сургун қилинган минглаб немислар ўз ота – боболари асрлар давомида яшаб, обод қилган Волгабўйига кела олмай, Германияга кўчиб кета бошладилар².

¹ Алихан Аман. Миграция населения Узбекистана (1989-1998). Т.: 2000. С.81.

² «Комсомольская правда». 1990 год. 4 февраль.

Умуман, оғанда 80 — йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб, кўпгина иттифоқдош республикаларда миллий ўзликни англаш жараёнларининг кучайиши натижасида миллий манфаатларни ҳимоя этиш билан боғлиқ бўлган бир қатор оммавий норозилик ҳаракатлари бошланиб кетди. КПСС ва совет давлати мазкур ҳаракатларни ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам чеклашга, турли тўсиқлар қўйишга мажбур бўлди. Болтиқбўйи, Кавказ, Молдавия ва бошқа ерларда бошланган миллий ҳаракатлар ўз фаолиятлари давомида марказ томонидан уюштирилган зўрлик ва куч ишлатиш сиёсатига дучор бўдилар.

Халқларни ўз оца ватани ва миллий ўзлигидан маҳрум этиш, совет давлати амалга оширган «ленинча» миллий сиёсатнинг энг мудҳиш кўриниши, миллий фожиянинг белгисидан далolat берар эди. Ўз тарихий ватанларига қайтиш умиди Ўрта Осиёнинг турли республикаларида яшовчи месхети — туркларининг ҳам бош ғояси бўлиб қолди. Кичик халқларнинг ўз тили, тарихи ва маданиятини йўқотиб, уларни бошқа халқлар билан қўшиб юборишдек сиёсат қанчалик зўрлик ва турли шнорлар билан олиб борилмасин, месхети туркларининг ассимиляциясига олиб келмади, аксинча, миллий бурч ва масъулият туйғусини кучайтириб, халқларнинг янада жипслашишига олиб келди.

1944 йили Грузиянинг жануби — ғарбий Месхетия ўлкасидан Ўзбекистонга зўрлаб кўчириб келтирилган месхети туркларининг умумий сони ўша вақтда 110 минг кишини ташкил этган¹. Улар, асосан республиканинг Фарғона вилояти, Қўқон, Қувасой, Марғилон каби шаҳарларга, Тошкент вилоятининг баъзи туманларига жойлаштирилган.

Таъкидлаш лозимки, совет давлати ҳудудида яшовчи халқларнинг «қайта қуриш» йилларидан миллий манфаатларни ҳимоя қилиб олиб борган ҳаракатларининг ҳаммаси қаттиқ сиқув ва таъқиблар асносида ўтди. баъзилари эса қонли тўқнашувларга ҳам сабаб бўлди. Бу тўқнашувлар мамлакатнинг турли минтақаларида, хусусан, Болтиқбўйи, Тоғли Қорабоғ, Днестрбўйи, Тбилиси, Янги Узен шаҳарларида истиқомат қилган кўшлаб фуқароларнинг ҳалок бўлишига, яшаб турган жойларидан кўчиб, қочоқ сифатида

¹ «Совет Ўзбекистони». 1988 йил. 15 сентябрь.

кун кечиринишга сабаб бўлди. Жумладан, миллатлараро муносабатлардаги чигалликлар 80 – йилларнинг охирларида Фарғона вилоятида, Қирғизистоннинг Ўш вилоятида, Тошкент вилоятининг Бўка, Паркент туманларида бўлиб ўтган воқеалар мисолида ҳам кўринишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2004 йил 17 октябрь ойида Фарғонада халқ депутатлари вилоят кенгашининг бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида Фарғона фожналарининг асл сабаблари шу вақтгача чуқур таҳлил этилмаётгани, олимлар, публицистлар, журналистлар ҳалигача сукут сақлаб келаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди¹.

Совет давлати ҳукмрончилигининг сўнги ўн йиллигида содир бўлган қонли воқеалар юзасидан тузилган турли комиссиялар Фарғона воқеаларининг асл сабабларини кўрсатиб беришга муваффақ бўла олишмаган. Совет ҳукумати баъзи расмий доиралари, айниқса Давлат Хавфсизлик Қўмитаси мазкур воқеаларнинг асл сабаб ва моҳиятини яширишга ҳаракат қилди. Шу боис ҳам ушбу муаммони ўрганиш жараёнида бу воқеаларга доир маълумотларни тошиш имкони ҳам мураккабликларга сабаб бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий судида сақланаётган ҳужжатлар билан танишиб чиқиш жараёнида шу намоён бўлдики, жорий архивда сақланаётган маълумотларда аксарият туб миллат вакиллари содир этган жиноятлар масалалари акс этирилади. Ваҳоланки, ўша фожеали туқнашувларда фақат маҳаллий миллат вакиллари эмас, балки бошқа миллат вакиллари, хусусан месхети – турклари ҳам иштирок этганлиги маълум. Фарғона воқеалари юзасидан ишлаган комиссиялар ҳулосаларининг барчаси марказга олиб кетилиб, аксарият маҳаллий миллат вакиллариининг ишлари юзасидан асосий тўпланган маълумотлар қолдирилган, холос.

Шу ўринда собиқ совет давлатида юзага келган миллатлараро муносабатлардаги зиддиятлар тўғрисида, жумладан, «Фарғона воқеалари» хусусида бир қатор мақолалар чоп этилганлигини таъкидлаш лозим². Жумладан,

¹ «Хаақ сўзи». 2004 йил, 18 октябрь.

² Зиямов Ш. О межэтническом конфликте 1989 г. в Узбекистане. // Центральная Азия и Кавказ. 2000. №6 С157.
Абдуллаев Ш. Франские события и «этнический парадокс» современности. // Звезда Востока. 1991. №4:
Бобобоев Н. Фарғона фожеалари кундаги. //Дан ва турмуш. 1990. №4;№5.

проф. Х.Бобобеков ва проф. Ш.Зиёмовлар ўз мақолаларида воқеанинг бошланиши ва бориши жараёнларини кенгроқ очишга ҳаракат қиладилар.

Ўзбекистонда бу фожиаларни текшириш учун, 1989 йил 23 июнда ташкил этилган комиссия хулосаларида Фарғонада юз берган миллатлараро муносабатлардаги тўқнашувлар ёшлар ўртасида келиб чиққан можароларнинг тасодифий натижаси эмас, балки унинг чуқур ижтимоий, иқтисодий илдизлари бўлганлигини алоҳида таъкидлаган. Унинг сабаблари қаторига партия ташкилотларининг аҳоли ўртасида кенг кўламда тарбиявий – ташкилий ишларни олиб бормаганлиги, миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга эътибор қилмаганлиги, маъмурий органларнинг заифлиги, можаронинг олдини олиш учун чора – тадбирлар кўрмаганлиги қабилар ҳам кўрсатилаган. Шунингдек, гўёки бу низолар маҳаллий аҳоли ўртасида кучайган «ашаддий миллатчилик» кайфиятининг натижаси экани, бу тўқнашувлар республикада яшаётган халқларни бир – бирига қарама – қарши қўйишга қаратилгани ҳам қайд қилиб ўтилди¹.

Фарғона водийсида мазкур можароларнинг авж олиб кетишига эса аслида аҳоли моддий турмуш даражасининг оғирлиги, пахта яккаҳокимлиги натижасида юзага келган ерсизлик, инсизлик, партия ва совет идораларининг калтабин ва адолатсиз сиёсати бош сабаб бўлган эди. 1980 – 90 йиллар давомида Фарғона вилоятда ишчи кучи ҳар йили ўрта ҳисобда 22,4 минг кишига кўпайиб борган. Буларнинг 20 фоизи ишга жойлаша олмаган. Бундай ёшларнинг сони, айниқса, Фарғона, Охунбобоев, Ўзбекистон, Тошлоқ туманларида кўп бўлган.² Фарғона фожиалари бошланишидан аввал ушбу масалани ўрганиш учун тузилган комиссия ҳисоботларида ҳам вилоятда иш билан банд бўлмаганларнинг сони 70.000 дан ошганлиги, айти вақтда иш жойи бутланмаганлиги сабабли, Фарғонада 2.700, Марғилонда 1000, Тошлоқда 600 дан ортиқ иш ўрни бўш қолгани ҳам кўрсатиб ўтилган эди.³

¹ Известия ЦК КПСС №10, 1989, С 95.

² «Ташкентская правда», 1989 год, 17 июль.

³ «Наманган ҳақиқати», 1989 йил, 1 август.

Маъмурий — буйруқбозлик тузуми даврида мафжуранинг иқтисодиётдан устун кўйилиши, режали иқтисодиёт ва экстенсив хўжалик юритиш амалиёти, ижтимоий демографик муаммолар миллий муносабатлар жараёнлари мураккаблашувининг сабабларидан бири бўлиб қолди. Натижада, деҳқонларнинг томорқа ерлари қисқартирилиб, у ерларда ҳам пахта экилди. 80 — йилларнинг охирларига келиб, вилоятда пахта экиладиган майдонларнинг ҳажми умумий экинга яроқли ерларнинг деярли 80 фоизини ташкил этди. Ҳолбуки, бутун дунёда пахта энг кўп миқдордаги экин майдонларининг 60 фоизига экилишига рухсат берилар эди.

Ўзбекистон индустриал ривожланиш суръатларининг ўсиб бориши натижасида кўнлаб мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжни қондиришни талаб этар эди. Фарғона вилоятининг миграция бўйича алоқалари собиқ иттифоқнинг барча минтақалари билан яхши йўлга қўйилганлиги бу ерда миграция жараёнини янада кучайтирди. Натижада, республика раҳбарияти ҳам марказнинг бундай кадрларнинг Россиянинг турли минтақаларидан олиб келиш зарурлиги ҳақидаги кўрсатмасини бажариб, асосий эътиборни республикага четдан келган кадрларни жойлаштиришга ва иш билан таъминлашга қаратган эди. Ишсизлик муаммоси шундоқ ҳам кучайиб бораётган Фарғона вилоятида бу сиёсат катта асорат қолдирди ва кўнлаб «малакали» кадрларни келтирилиши ҳисобига 70 — йилларга келиб, маҳаллий бўлмаган миллат ҳисобига ишчилар сонини суръати доимий равишда ортиб борди¹. Таъкидлаш лозимки, бу оддий миграция бўлмасдан, балки миллий республикалар ҳудудларида бошқа миллат вакиллари сонини кўнайитиришга қаратилган совет миллий сиёсатининг амалдаги кўриниши ҳам эди. Миграция жараёнларининг тез суръатлар билан ўсиб бориши билан Фарғона водийсида ҳам аҳолининг таркиби тобора кўп миллатли бўлиб борди.

¹ Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий — иқтисодий муносабатлар. 112 — бет

1989 йилда Фарғона вилояти аҳолиси миллий таркиби¹

Миллатлар	1989 йил			
	Шаҳар аҳолиси	Фоиз ҳисобида	Қишлоқ аҳолиси	Фоиз ҳисобида
Жаъми аҳоли	694115	100,0	1447622	100,0
ўзбеклар	433338	62,4	1301673	89,9
Руслар	120918	17,4	2908	0,2
Украинлар	8629	1,2	2518	0,2
Белоруслар	781	0,1	440	0,0
қozoқлар	835	0,1	339	0,0
тожиклар	27467	4,0	87015	6,0
қирғизлар	3563	0,5	39989	2,8
туркманлар	208	0,0	329	0,0
Арманлар	4016	0,6	96	0,0
қрим – татарлари	21295	3,1	1538	0,1
Уйғурлар	249	0,0	131	0,0
турклар	8971	1,3	4611	0,3
немислар	4543	0,7	47	0,0
еврейлар	3352	0,5	24	0,0
бошқа миллатлар	55950	8,1	2964	0,5

Республиканинг ўзига хос минтақавий ижтимоий демографик тараққиёти маҳаллий аҳолининг ҳудудий ва ижтимоий ҳаракатчанлиги муаммосини янада чуқурлаштирди. Чунки республикада миграцион ҳаракатнинг пастиги аҳоли зичлигини янада ошишига, шу жумладан ортиқча меҳнат ресурсларининг кўпайишига сабаб бўлди. Натижада, бу аҳвол аҳолини иш билан таъминлаш, уй – жойли, ер – сувли бўлиши, ҳатто оилаларнинг катта – кичиклигига ҳам салбий таъсир этди. 1979 йилга келиб республика бўйича 1 кв. км. га 34,4 киши тўғри келгани ҳолда Фарғона вилоятида 238,6 киши, Андижонда 321,3 киши, Наманганда 139,2 киши тўғри келди². Бу ҳар бир кв.км. га тўғри келадиган аҳоли сонини кўпайтириб, ниҳоятда мураккаб ижтимоий, иқтисодий вазиятни янада оғирлаштирди. Туб миллат аҳолисининг аксарияти эса асосан дала – қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилди. 1979 йилги

¹ Итоги всесоюзной переписи населения 1989 года. Часть 4. Стат сборник - Г. Госкомстат. 1990. С. 210-218.

² Итоги всесоюзной переписи населения 1989 года. Стат сборник. Часть 4. С. 13.

бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш маълумотларидан маълум бўлишича, Фарғона вилоятининг 1.693.973 аҳолисидан 1.128.539 киши шу даврларда қишлоқларда истиқомат қилган¹.

Бундай аҳвол табиийки, озиқ – овқат, саноат моллари билан таъминлаш масаласида ҳам оғир вазиятни юзага келтирди. Гарчи аҳоли жон бошига халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш 1989 йилда республиканинг бошқа вилоятларига нисбатан Фарғонада 652,2 фоизни ташкил этсада, бу аҳоли кўчиб келиши даражаси юқори бўлган вилоятда аҳолининг халқ истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини қондира олмас эди. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ўз навбатида, республикада 1981 – 1985 йиллар оралиғида 1971 йилдагига нисбатан 4 фоизга камайиб кетди. Табиийки, бундай аҳвол маҳаллий аҳоли турмуш даражасида, миллатлар ва элатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳам салбий вазиятни юзга келтириши аниқ эди. Шу сабабли, аҳолининг маълум қатламида водийда жойлашган месхети турклари, ижтимоий – иқтисодий қийинчиликларнинг асосий айбдорлари сифатида кўрсатишга ҳам уриниш бўлди. Ҳатто, бундай сохта уйдирмалар, можаронинг асл моҳиятини таҳлил этмаслик марказий матбуотда ҳам авж олдирилди.

"Труд" газетаси Фарғонада бўлиб ўтган воқеалар ҳақида жумладан шундай деб ёзган эди; "Номаълум кишилар номерсиз машиналарга ўтириб, руслар, татарлар хонадонларига кириб, ёндирилган ўликлар туширилган расмларни кўрсатиб, маълум вақт ичида водийни ташлаб чиқиб кетишни талаб этдилар."² Шунингдек, матбуотда бу ҳаракатларнинг асосий ташкилотчилари "экстремистик кайфиятдаги маҳаллий аҳоли экани", "Ўзбеклар туркларни русларга қарши қўймоқчи бўлганликлари, улар бунга қўнмагач, туркларга қарши ҳаракат бошланиб кетгани"³ ҳақидаги уйдирмалар ҳам газета – журналлар саҳифаларида тез – тез такрорланиб турди. Ўша машғум кунларда шаҳар ва қишлоқ кўчаларига топталган миллий манфаатларини ҳимоя

¹ Итоги всесоюзной переписи населения 1989 года. Стат сборник. Часть 4. С.52.

² "Фарғана. Вчера и завтра." «Труд», 1989 год, 20 июнь

³ «Красная звезда». 1989 год, 21 июнь.

қилиб чиққан халқ вакилларига «экстремист» ёрлиги ёпиштирилди.

Воқеалар таҳлили шуни кўрсатдики, Фарғона воқеаларининг асл сабаблари юзага келган инқироздаги ижтимоий – иқтисодий, демографик ва экологик вазият билан боғлиқ бўлган. Фарғона вилоятининг миллий тақиб ҳам ўзи хос бўлиб, бу ерда ташкил этилган завод, фабрикалар ҳам мамлакатнинг бошқа минтақаларидан кўчиб келганлар ҳисобига тўлдириб турилган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, тили, дини, маданияти яқин бўлган месхети турклари билан ўзбеклар 45 йилдан зиёдроқ давр ичида ҳамжиҳат тарзда елкадош бўлиб далаларда ишлади, бир – бирига ҳамдард, қон – қариндош, куда – анда бўлиб, аҳил ҳаёт кечирдилар. Ярим асрга яқин вақт давомида улар ўртасида бирор маротаба ҳам ихтилоф чиқмади. Бағрикенг ва меҳнаткаш ўзбек халқи барча халқларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлди. Фарғона фожиалари бўлаётган вақтда ҳам ўзбеклар кўплаб турк оилаларига ўз хонадонларидан жой бериб, хавф – хатардан қутқариб қолдилар. Ўзбек халқининг юксак инсонпарварлик хусусиятлари тўғрисида Президент И.А.Каримов, жумладан, шундай деган эди; “Байналминалчилик, меҳмондўстлик, яхшилик, қалб саховати ҳамиша ўзбек халқига хос фазилатлар бўлиб келди. Халқимиз ҳеч қачон бошқа халқларга нисбатан душманлик кайфиятида бўлмаган. Бу қадимий ва ҳозирги тарихимиздан олинган кўпгина мисоллар билан исбот қилинган”¹.

Бўкалик машҳур пахтакор, меҳнат қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова ўзбек халқининг қалб саховати, меҳрибон ва меҳмондўстлиги тўғрисида шундай сўзларни айтган эди; “Беш ёшимда Ўзбекистонга келиб қолганман. Ўзбек халқининг бизга ўз гўшаларидан жой берганини, бир бурда нон насибаларини биз билан баҳам кўргани ҳали кўз ўнгимдан кетмайди. Ўшандан буён қанча вақтлар ўтди. Лекин орамизда самимий меҳр – оқибат, бошқа инсоний фазилатлар мустаҳкамланса мустаҳкамландики, пасаймади»².

Ўша йилларда республиканинг собиқ раҳбарияти бошланиб кетган Фарғона воқеаларини хаспўшлаб, “бозорда

¹ Жўраев.Н. Агар огоҳ сен.. Тошкент. Ёзуви. 1998. 27 – бет.

² «Совет Ўзбекистони». 1989 йил, 16 июнь.

қулупнай сотишдан келиб чиққан можаро»¹ деб кўрсатиб, кенг жамоатчилик фикрини чалғитмоқчи бўлди. Ўзбекистон КП МК биринчи котиби Р.Н.Нишонов Фарғона фожиаларининг туб сабаб ва моҳиятларини сохта тарзда яшириб кўрсатишга ҳаракат қилди. Ҳақиқат кунлари СССР Халқ депутатларининг навбатдаги съезди иш бошлаган бўлиб, Республиканинг биринчи раҳбари Р.Н.Нишоновнинг бу воқеаларга ўта даражада масъулиятсиз ёндашгани баъзи депутатларда норозилик туғдирди. Съезд мажлисида арманистонлик депутат Игитян Нишоновга қараб: "Рафиқ Нишонович, бир неча кундан бери мен ниҳоятда ҳаяжонланиб юрибман. Шу сабабли сизга танбеҳ бермай, иложим йўқ. Мухбирлар берган маълумотларга қараганда, ҳозир Ўзбекистонда вазият ниҳоятда кескинлашган. Сиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби бўлишингизга қарамай, бу ерда бепарво ўтирибсиз, "ҳавотирланманг ўртоқлар, ҳамма нарса яхши бўлади, ҳамма ишни яхшилаيمиз" — деб бизни юпатмоқчи бўласиз. Менда миллатнинг йўлбошчиси ҳақида бир тушунча бор, мен учун бундай лидер Беларусияда Машеров бўлган, у партизанларга раҳбарлик қилиб, ўз ватанини фашистлардан озод қилди... менинг таклифим сиз тезда Ўзбекистонга кетинг"².

Р.Нишонов Фарғона фожиаларининг асл мазмун — моҳиятини тушуниб етмагани унинг 1989 йил 15 июнь куни республика партия хўжалик фаоллари йигинида сўзлаган нутқида ҳам яққол кўзга ташланади. У Фарғонада бўлиб ўтган воқеаларни ўзбек ёшларига хос бўлган "миллатчилик" кайфиятлари билан боғлаб, қуйидагиларни айтган эди: «Фарғонадаги "тартибсизликлар оммавий тўс — тўполонлар ташкил этиш йўли билан амалга оширилди. Тўполон иштирокчилари туркларни тезда кўчириб юбориш ҳақидаги талабларни ўртага қўйдилар, ерли бўлмаган бошқа халқларга ҳам дўқ — пўписалар қилинди. Фақат месхети — туркларига эмас, балки саноат корхоналари, темирйўл станциялари, алоқа узеллари, милиция бўлимларига ҳам ҳужумлар уюштирилди. Ҳаддидан ошиб кетган оломон район, вилоят партия ташкилотлари идораларига ҳам бостириб кира

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 663 — бет.

² Первая сессия Верховного Совета СССР. Бюллетень 2. изд Верховного Совета СССР. 1989. С.9.

бошлади. Бу фақат миллий низогина бўлиб қолмай, совет тузумига қарши ҳаракат ҳам эди"¹.

Қайд этиш лозимки, месхети — турклари аксарият савдо — сотиқ, маиший хизмат ва бошқа шу каби соҳаларда кўпроқ жойлашиб олган эдилар. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган колхозчиларнинг иш ҳақлари жуда оз миқдорда бўлгани ҳолда, савдо — сотиқ ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаш юқори даромадли деб ҳисобланар эди. Бу соҳа ходимлари ўзлари яшаб турган жойларида маълум имтиёзларга эга бўлганлар. Кўплаб даромадли лавозимлар ҳам уларга тегишли эди. Проф. Х.Бобобековнинг таъкидлашига кўра, даромадли соҳаларда ўрнашиб олган ёш месхети турклари "маҳаллий ёшларга менсимай қарашган, уларнинг иззат — нафси, миллий ғурурини топташган, тез — тез муштлашишлар уюштиришган".² Айни пайтда "ошкоралик" сиёсати уларнинг ватанларига қайтиш учун бўлган ҳаракатларига туртки бергач, улар бир неча маротаба турли идораларга, маҳаллий ташкилотлар раҳбарларига мурожаат этиб, тарихий ватанларига қайтаришни талаб қилганлар. Кейинроқ бориб, бу талабни янги сайланган СССР халқ депутатлари олдига ҳам қўйганлар.³ Совет раҳбарияти ўша вақтларда месхети — турклари кўтарган масалани ҳал этишдан манфаатдор эмас, қолаверса Грузия ССР раҳбарияти ҳам месхети — туркларининг тақдирига бефарқлик билан муносабатда бўлди.

Марказнинг славян бўлмаган миллатлар тақдирига беписандлиги мана шундай ҳолларда яққол кўзга ташланди. Проф. Х.Бобобеков берган маълумотларга кўра, "юқори ташкилотлар қулоқ солмагач, улар СССР халқ депутатлари биринчи съездининг очилиши кунларида бу зиддиятларни атайлаб кучайтириб юборишга муваффақ бўлганлар. Месхети турклари аввалдан қуроллана бошлаб, уруш учун махсус мосламалар тайёрлашган, юк машиналарида эса уйларига тошлар келтириб тўктиришган. Сўнгги пайтда месхети турклари ўз уйларини сота бошлаган, ер участкалар ва чорва молларини, айрим буюмларини ҳам сотганликлари ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд"⁴.

¹ «Ташкентская правда». 1989 год, 16 июнь.

² Бобобеков Х. «Фаргона фожеалари кундалиги». // Фан ва турмуш. 1990. №5, 17 — бет.

³ Бобобеков Х. «Фаргона фожеалари кундалиги». // Фан ва турмуш. №5, 17 — бет.

⁴ Бобобеков Х. «Фаргона фожеалари кундалиги». // Фан ва турмуш. №5, 18 — бет.

Фарғона фожеалари муносабати билан республикада тузилган комиссия "водийда месхети – турклари ҳатти – ҳаракатларига нисбатан анча бефарқликлар бўлганини, улар орасидаги айрим шахслар Грузия ССРнинг жанубий районларига тезроқ қайтиш муаммосини ҳал этиш мақсадида вазиятни кескинлаштиришга урингани, бу эса аҳволни анча чигаллаштириб юборгани,"¹ ҳақидаги хулосага келган. Фикримизча, бу хулоса ҳам ўзида маълум ҳақиқатни мужассам этган. Месхети турклари ўз миллий муаммолари ҳал қилинмагач, яшаётган жойларида миллий низоларни кучайтиришга, шу йўл билан ўз ватанига қайтаришни тезлаштиришга ҳаракат қилганликлари ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Фарғона фожиалари сабаблари ҳақида шундай деган эди: "Фарғонадаги воқеалар ва ундан кейингилар турли миллат кишилари ўртасида ишончсизлик туғдирди. Буларнинг ҳаммасини кимлар бошлади? Имоним комилки, ушбу воқеа – ҳодисаларнинг маркази республикадан ташқаридадир. Бозор муносабатларига ўтиш даврида иттифоқдош республикаларнинг аҳволи танг бўлиши кимларгадир жуда зарур. Ана шундай вазиятда исталган пайтда уларнинг ички ишларига аралashiш ва масалани хоҳлаган тарафга қараб ҳал этиш мумкин бўлади."²

Фарғона водийсида юз берган фожиалар ҳақидаги фактларга мурожаат қилар эканмиз, бу можаролар Қувасой шаҳрида ишсиз юриб, жинойий гуруҳга тортилган ёшлар ўртасидаги келишмовчиликларга ҳам сабаб бўлганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Юзага келган зиддиятлар йиллар давомида йиғила борган, лекин буни кўра туриб, маҳаллий партия ва совет раҳбарияти зарур чоралар кўрмаган ва воқеликни таҳлил қила олмаганлар, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Фарғона фожиаларидан кейин бу масала хусусида таъкидлаб ўтганидек, "ўша даврда маҳаллий партия, совет ташкилотлари, жамоат ташкилотлари халқдан, унинг даври ва эҳтиёжларидан ажраб қолган эдилар, вазиятни назорат қилиш, воқеаларни олдиндан билиб олиш ва уларни

¹ «Наманган ҳақиқати». 1989 йил, 1 август.

² «Комсомольская правда». 1991 года, 7 марта.

бошқариш қобилиятидан маҳрум бўлиб қолган эдилар"¹. Мана шундай шахсларнинг халқдан ажраб қолиши, уларнинг эҳтиёжи, арзига қулоқ солмаслиги, вазиятни тўла таҳлил қила олмаслиги, уқувсизлиги, кўпгина порахўрлик ва бошқа салбий ҳолатлар вилоятда вазият кескинлашишига сабаб бўлган. Бунда марказдан келган ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотларининг оммавий қатағонликлар давридаги фаолияти, ноқобилликлари ҳам ўз изини қолдирган эди. "Улар оммавий тартибсизликларни олдини олиш у ёқда турсин, кўпинча бу тартибсизликларга ўзлари йўл очиб бердилар. Кейинчалик эса, яна вазият барқарорлашиб, тергов бошлангач, улар ишни юзаки юритишни афзал кўрдилар. Оқибатда, фожианинг бош ташкилотчилари ва асосий сабабчилари панада қолиб кетди."² Натижада, 1989 йил 23 май куни Қувасойда маҳаллий миллатта мансуб ёшлар билан месхети – турклари ёшлари ўртасида катта можаро келиб чиқди. Бунинг оқибатида 56 киши нобуд бўлди, 400 дан ортиқ уй, 116 транспорт воситаси, 8 саноат корхонаси ва бир неча мактабга ўт қўйилди, 650 дан ортиқ киши жароҳатланди³.

Шу кундан бошлаб, месхети турклари ўз ватанларига қайтиш учун бўлган талаблари, яна кучайтирдилар. Улар ўзларини миллий манфаатларини ҳимоя этиб, Грузиянинг Адигин, Аскизин, Ахалцика районларига қайтаришни талаб қилдилар⁴. Бир вақтнинг ўзида сабр косаси тўлган маҳаллий аҳоли республикадаги оғир ижтимоий – иқтисодий шароитда турмуш шароитларини яхшилаш, ёшларни иш билан таъминлаш, миллий муносабатлардаги адолатсизликка чек қўйиш масалаларини ҳал этишни жиддийроқ талаб қилиб чиқди. Вилоятдаги оғир ижтимоий – иқтисодий вазият ҳиссиётта берилган ёшлар билан бир қаторда катта ёшдаги кишиларни ҳам бу норозилик ҳаракатларида иштирок қилишга мажбур этди. Улар ўз талабларини "пахтанинг нархи оширилсин!" деган шиорлар билан ифодалашга ҳаракат қилдилар. Ушбу можаролар иштирокчиларидан бири ўз норозилиklarининг сабаблари ҳақида шундай деган эди: "Фарғонада кўп миллат вакиллари яшайди, турklar, қрим –

¹ «Тошкент ҳақиқати». 1990 йил, 5 июнь.

² «Тошкент ҳақиқати». 1990 йил, 5 июнь.

³ «Совет Ўзбекистони». 1989 йил, 8 июнь.

⁴ Бобобеков.Х. "Фарғона фожеалари" // Фан ва турмуш. 1990. №4, 26 – бет.

татарлари, яҳудийлар, немислар ва ҳоказо. Аммо шуниси ажабланарлики, уларнинг ҳаммаси ўзбекларга қараганда тўқ, фаровон. Қишлоқда яшаганимиз, пахта экканимиз бизнинг айбимизми?"¹. Кўпчилик қишлоқ аҳолиси фикрини умумлаштирган бу мулоҳаза йиллар давомида қолоқлик ва қашшоқлик домига тушган оддий кишиларнинг дил нолаларини ўзида ифода этган эди.

Республика газеталари мухбирлари вилоятнинг Марғилон, Тошлоқ каби шаҳарларида бўлиб, маҳаллий аҳоли билан уюштирган суҳбатларида ҳам ушбу кайфият сезилиб турган. Жумладан, Йўрмадўз маҳалласининг аҳолиси пахта харид нархининг пастлиги, турмуш шароитининг оғирлиги, азот заводи атроф – муҳитни ифлослантираётганидан ўз норозилиklarини билдирган эдилар².

Маҳаллий ёшлар ва месхети – турклари ўртасидаги келишмовчиликлар Қувасойдаги воқеалар билан тугамади. Фожианинг давоми Тошлоқ, Марғилон, Фарғона шаҳарларига ҳам кўчди. 3 июнь куни Тошлоқда бўлган тартибсизликларда 3000 га яқин ёшлар қатнашди.³ Месхети турklarига қарашли бўлган бир қанча хонадонлар ёқиб юборилди. Тўпланган маълумотлардан аниқланишича, Тошлоқда бўлган тўқнашувларда 16 киши ҳалок бўлди, улардан 11 таси месхети турки, 5 таси ўзбек эди. Тошлоқ посёлкасида яшаган 192 месхети турк оиласининг 171 таси жиддий зарар кўрди.⁴ Марказдан мазкур тўполонларни бостириш мақсадида СССР ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлар бош бошқармаси бошлиғи Ю.В.Шаталин,⁵ Киев, Боку, Ереван, Ленинград, Харьков, Саратов, Пермь, Оржоникидзе шаҳарларидан ички ишлар қўшинлари вакиллари етиб келди. 5 июнга келиб, уларнинг сони 6.000 кишини ташкил этди⁶.

Бутун Фарғона водийси бўйлаб вазият оғирлашиб бориши натижасида 4 июнь куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қарори билан вилоятда кеч соат 22 дан эрталаб 6 гача комендантлик соати жорий этилди. Намойишлар,

¹ "Совет Ўзбекистони." 1989 йил, 10 июнь.

² "Ўзбекистон адабиёти ва санъати". 1989 йил, 16 июнь.

³ Бобобеков.Х. "Фарғона фожеалари" // Фан ва турмуш. 1990. №5, 16 – бет.

⁴ Бобобеков.Х. "Фарғона фожиалари" // Фан ва турмуш. 1990. №5, 16 – бет.

⁵ М. Лурье. П. Студеникин. "Запах гори и горя. Фергана тревожный июнь 1989-го" С.4

⁶ Лурье.М. Студеникин.П. «Запах гори и горя. Фергана тревожный июнь 1989-го» С.5.

митинглар ўтказиш, манифестациялар уюштириш, кишиларнинг тўпланиб туриши таъқиқланди. 16 ёшдан юқори бўлган шахсларни уйларга ижарага қўйиш, совуқ қуроллар сақлашга, кеч соат 22 дан сўнг махсус рухсатномасиз Фарғона вилояти ҳудудида юрганларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрилиши белгиланди.¹ Тўполонлар ва бебошликларни уюштирганлардан 12 киши ҳибсга олинди. Бундай ҳаракатлар водийнинг чекка қишлоқларига ҳам тарқалмаслиги учун жойларда кўнгилчилар дружинаси тузилди. Биринчи бўлиб Олтиариқ районида ана шундай дружиналардан 900 та тузилди.

Мушкул аҳволда қолган месхети – турклари 4 июнь куни ўзларини ҳимоя қилишни сўраб, вилоят партия комитети биноси оддига тўпландилар. Турк миллатига мансуб кўп кишиларнинг уйлари ёндириб юборилгани, ҳаёти хавф остида қолганлиги сабабли вилоятга келтирилган қўшинлар маҳаллий аҳоли ёрдамида уларни шаҳар яқинидаги ҳарбий машқ базасига жойлаштирди. 3 июндан 12 июнгача ҳарбий лагерга 4981 эркак ва аёл, шу жумладан 1765 та бола кўчирилди².

Фарғонада бўлиб ўтган воқеалар бир неча кундан кейин Қўқон, Наманган шаҳарларида ҳам такрорланди. Қўқон шаҳрига Риштон, Тошлоқ, Ўзбекистон районларидан турли совуқ қуроллар билан қуролланган ёшлар етиб кела бошлади. Қўқондаги тўқнашувлар натижасида 5 киши ҳалок бўлди, 93 киши турли жароҳатлар олди, 60 киши касалхоналарга ётқизилди.³ Тўқнашувлар давомида ҳаракат иштирокчилари Қўқон кимё заводини, Қўқон ёғ – мой комбинатини, автобаза, темирйўл вокзали ва бошқа бир неча объектларни эгаллаб олдилар. Вазият оғир бўлиб боргани боис ва резерв кучлари етишмаганлигидан ички ишлар ходимлари Қўқонда фақат банк ва почталарни қўриқладилар.

7 июнь куни Риштон тумани ижроқўми олдида ҳам бир неча минг киши тўпланди. Бу ерда бўлиб ўтган воқеаларга оид маълумотларда кўрсатилишича, тўпланганлар Фарғона ва Қўқондаги воқеаларда иштирок этган, лекин ҳаракатида жиноят аломатлари бўлмаганларни вақтинчалик қамоқдан

¹ «Ферганская правда». 1989 год. 5 июнь.

² Гобобоеков.Х. "Фарғона фожасалари." // Фан ва турмуш. 1990. №5. 17 – бет.

³ «Ферганская правда». 1989 год. 9 июнь.

озод этишни, шу билан биргаликда пахта, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган нархларини оширишни, аҳолини иш билан таъминлашни, уй — жой муаммоларини ҳал этишни талаб қилганлар. Кўриниб турибдики, халқ норозилиги фақат миллий низогагина бориб тақалмай, балки мавжуд ҳокимият олдига қўйган ижтимоий — иқтисодий ва сиёсий талаблардан ҳам иборат эди. Воқеалар таҳлили ушбу фожиаларнинг ижтимоий — сиёсий иддиэлари нақадар чуқур эканлигини ўз — ўзидан намоён қилиб турар эди.

12 июнь куни Наманган вилоятининг Курашхона деган жойида ҳам худди шундай ҳаракатлар бўлиб, унда 400дан ортиқ киши қатнашди. Бу фожиаларнинг сабабларини дарҳол аниқлаш мақсадида марказдан Ўзбекистонга Арманистон, Озарбайжондаги миллий зиддиятларни ўрганиб, катта "тажриба" ортирган 200 дан ортиқ терговчилар юборилди.¹ Буларнинг иштирокида 6 июндан бовланган қотиллик ва ўт қўйишлар бўйича 56 та жиноий иш очилди, 2.500 дан ортиқ можароли ҳодисалар текширувдан ўтказилди. 21 июндан бошлаб оммавий тартибсизликда қатнашганлар устидан 40 та жиноий иш қўзғатилди². Шу вақт ичида 30 дан ортиқ қотиллик жиноятлари очилди³. Бу ҳаракатда иштирок этганлардан турли совуқ ва ўточар қуроолар тортиб олинди.

Умуман, Фарғона фожиалари натижасида жами 103 киши ҳалок бўлди, улардан 52 таси месхети — турк, 36 таси ўзбеклар эди, 1011 киши майиб бўлди ва жароҳатланди. СССР Ички Ишлар вазирлиги ички қўшинлари ҳарбий хизматчиларидан 137 киши, милиция ходимларидан 110 киши ярадор бўлди. 757 та уй, 27 та давлат объекти, 275 та автотранспортга ўт қўйилди⁴.

СССР Ички Ишлар вазирлиги берган маълумотларига кўра, Фарғона фожиаларида 8 июнга қадар 56 киши олган тан жароҳатдан вафот этган. Улардан 43 киши месхети — турки, 7 ўзбек, 1 тожик, 1 рус эди. Қолганларининг шахси аниқланмаган.

¹ Дурье М., Студеникин П. «Запах гори и горя. Фергана тревожный июнь 1989-го» С 81.

² Дурье М., Студеникин П. «Запах гори и горя. Фергана тревожный июнь 1989-го» С 79.

³ «Совет Ўзбекистни». 1989 йил, 6 июль.

⁴ «Наманган ҳақиқати». 1989 йил, 1 август.

Фарғонадаги бўлиб ўтган можаролардан жабр кўрган кишиларга, биринчи навбатда месхети — туркларига ёрдам бериш учун маҳаллий идоралар барча чора — тадбирларни белгилади. Бу тадбирларда маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам фаол иштирок этиб, ноҳақ жабр кўрган месхети туркларининг мол — мулкларини иложи борича сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг иштирокида жабрланган месхети туркларига тегишли бўлган чорва моллари тўпланди, кимга тегишли экани аниқланиб, вақтинча боқиш учун колхоз молхоналарига топширилди.

Халқ депутатлари Фарғона вилояти ижроия комитети ҳам ҳарбий машқ базасига кўчирилган туркларни моддий ва маиший таъминотини йўлга қўйиш учун иккита комиссия тузди. Жабрланганларнинг эҳтиёжи ва мулкига тааллуқли масалаларни ҳал этиш вилоят ижроқўми раиси ўринбосари В.Н.Фомичев, медицина хизматини кўрсатиш вилоят соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи ўринбосари Токмакова.Т.Г, вилоят санэпидемстанцияси бошлиғи Э.В.Крюченко, вилоят савдо бошқармаси бошлиғи ўринбосари В.Б.Паршиковларга топширилди¹. Шуниси эътиборга сазоворки, тузилган бу комиссиялар таркибига бирорта ҳам маҳаллий миллат вакиллари киритилмади.

Кўрилаётган чора — тадбирлар давомида ҳарбий машқ зонасига кўчирилган туркларни озиқ — овқат билан таъминлаш учун савдога чиқариладиган заҳира ҳисобидан 15 тонна гўшт, давлатга режа бўйича топшириладиган маҳсулотлар ҳисобидан қўшимча яна 26 тонна гўшт ажратилди². Ўзбекистон Министрлар Советининг топшириғига биноан савдо вазирлиги ҳарбий қисмлар эҳтиёжи учун 160 тонна гўшт, 60 тонна шакар, 45 тонна ўсимлик мойи ажратди.³ Умуман, Фарғона водийсига 8 июнга қадар Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидан 500 тонна гўшт, 500 тонна сарёғ, 120 тонна шакар — қанд ҳам келтирилди⁴.

Ўзбекистон ССР ҳукуматининг 5 июндаги фармойишига биноан жабрланганларга ёрдам бериш учун

¹ Фарғона вилояти ДА И — 1124, рўйхат — 15, йиғма жилд — 373, 134 — varaқ.

² Фарғона вилояти ДА И — 1124, рўйхат — 15, йиғма жилд — 373, 140 — varaқ.

³ Фарғона вилояти ДА И — 1124, рўйхат — 15, йиғма жилд — 373, 143 — varaқ.

⁴ «Совет Ўзбекистони». 1989 йил, 8 июнь.

киши бошига 300 сўмдан, жами 5 млн сўм ажратилди¹, қўшимча тарзда яна ҳукуматнинг захирадаги маблағидан киши бошига кунига катталарга 1 сўм 20 тийин, болаларга 1 сўм 60 тийиндан пул ажратилди².

Ҳарбий машқ зонасидаги кишиларга медицина хизмати кўрсатиш юзасидан Фарғона вилояти ижроия қўмитаси зонанинг ўзида 240 ўринли стационар, бир суткада 150 кишини қабул қила оладиган поликлиника очди³.

Ўзбекистон Министрлар Совети Фарғонадаги фавқулодда вазият муносабати билан 1989 йил 5 июлдаги 218 рақамли фармойиши билан вилоят халқ депутатлари ижроия комитети олдига қуйидаги вазифаларни юклади. Унга кўра қуйидаги чора — тадбирлар белгиланди:

- вайрон бўлган уйларни таъмирлашни тезлаштириш;
- Давлат таъминот бошқармалари таъмирлаш учун керак бўладиган қурилиш материалларини етказиб беришни тезлаштириши;
- месхети туркларини ўзларининг яшаган жойларига, яъни водийдаги шаҳар ва қишлоқларга қайтариш, ғайриқонуний равишда аҳолига етказилган зарарларни қоплаш;
- маҳаллий аҳоли ўртасида ташвиқот, тарғибот ишларини кучайтириш;
- халқ турмуш даражасини яхшилаш, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш;
- миллатлараро муносабатларни яхшилашга катта эътибор бериш;
- икки ҳафта ичида бузилган уйларни таъмирлашни тугатиш;
- таъмирлаш ишларини бажарадиган ташкилотлар сонини кўпайтириш;
- 1989 йил сентябрь ойига қадар бузилган уйларни таъмирлашни тезлаштириш ва бу ишларни назорат қилиб турадиган марказий штаб ташкил этиш;
- таъмирлаш ишларига шаҳар, туман ижроия комитетларини, туманлар ҳудудидаги кооперативларни, колхоз ва совхозларни, лойиҳа ташкилотларини жалб. этиш, уйларни бузилмасдан аввалги ҳолатига келтириш;

¹ Фарғона вилояти ДА И — 1124, рўйхат — 15. йиғма жид — 373, 141 — varaқ.

² Фарғона вилояти ДА И — 1124, рўйхат — 15. йиғма жид — 373, 132 — varaқ.

³ Фарғона вилояти ДА И — 1124, рўйхат — 15. йиғма жид — 373, 116 — varaқ.

– қурилиш банки, ижтимоий таъминот банки ва агробанкка таъмирлаш ишларига маблағ етказиб бериш;

– таъмирлаш ишлари билан банд бўлган кишиларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

– ташлаб кетилган уйлардаги буюмларни инвентаризация қилиш, гайриқонуний хатти – ҳаракатлар натижасида фуқароларга етказилган зарарнинг миқдорини белгилаш.

Мазкур фармойишга биноан зарар кўрган шахсларнинг уй – жойлари, мол – қўйлари суғурта қилинмаган бўлса, ёлғиз фуқароларга 1200 сўм, икки кишидан иборат оилаларга 2000 сўм, оиланинг бошқа аъзоларига 500 сўмдан товон пули тўлаш белгиланди¹. Кўчиб кетганларнинг уй – жойлари маҳаллий ҳокимиятлар назорати остида қолдирилди. Вилоят ижроия қўмитасининг фармойиши билан кўчиб кетаётган туркларнинг уй – жойларини таъмирлаб, аввалги ҳолатига келтириб, уй эгалари берган ишонч қоғозларига биноан сотиш лозимлиги кўрсатилди.

Вилоятда месхети – туркларига қарашли бўлган 1057 уй зарар кўрган бўлиб, уларни таъмирлаш учун 7 минг куб метр тахта ва ёғоч, 368 тонна тунука, 25 минг кв метр фанер, 1130 та газ плитаси келтирилди².

Фарғонадаги бўлиб ўтган фожиалар республиканинг бошқа вилоятларида яшовчи месхети – туркларини ҳам ташвишга солиб қўйди. Тошкент вилоятида яшовчи месхети туркларидан 5000 киши Фарғонадаги фожиалардан сўнг Қозоғистоннинг Сариёғоч районига кўчиб ўтиб, палаткаларда яшаган. Қўшни Тожикистоннинг Ленинобод вилояти ва Ашт туманига, Қўқон, Фрунзе, Киров ва бошқа районлардан 2000 га яқин турк кўчиб ўтди³.

Қувасой воқеаларидан кейин Самарқандда ҳам ижтимоий – сиёсий вазиятни кескинлаштиришга қаратилган ҳаракатлар бўлиб ўтди. Бу тўғрида Самарқанд вилояти собиқ партия қўмитасининг биринчи котиби П.М.Абдурахмонов Ўз КП нинг XXII съездида шундай деган эди: “Биз Душанбедаги воқеалар кунларида Самарқанддаги фожеаларнинг олдини зўр қийинчилик билан олишга

¹ Фарғона вилояти ДА Ф – 1124, рўйхат – 15, йиғма жилд – 389, 62 – varaқ.

² Фарғона вилояти ДА Ф – 1124, рўйхат – 15, йиғма жилд – 374, 102 – 107 varaқлар.

³ «Ферганская правда. 1989 год. 16 июнь.

муваффақ бўлдик. Ўша пайтда кўп миллатли вилоятимиз аҳолиси бошига ҳар соат, ҳар он кулфат тушиши мумкин эди. Биз соғлом миллий кучларни, айти миллий кучларни жипслаштиришга муваффақ бўлдик."¹

Фарғона водийсида бўлган фожеалар республика партия — хўжалик активининг 1989 йил 15 июндаги йиғилишида кўриб чиқилди. Йиғилишда ҳарбий машқ зонасида жойлашган туркларни бошқа ерларга кўчириш масаласи ҳам кўрилди. Ушбу йиғилишда СССР Министрлар Советининг раиси Н.И.Рижков қилган маърузасида "Фарғона яқинидаги қочоқлар лагерида яшаётган турк миллатига мансуб граждандарга, уларнинг оила аъзоларига, агар ихтиёр қилсалар, Россиянинг Ноқоратупроқ районларига жўнаб кетиш имконияти берилган. Бу ана шу лагерда фавқулодда вазият туфайли кўрилган вақтинча чорадир. Улар учун нормал уй — жой, манший шароит яратиш, даволаш, барча зарур нарсалар билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда,"² деб таъкидлаган эди.

Бундан кўриниб турибдики, ҳукумат месхети туркларининг талабларини қондиришдан ожиз бўлиб, бирдан — бир чора сифатида Россиянинг харобага айланган, эгасиз қолган қишлоқларига кўчириш бўлди. Ундан кўзланган мақсад эса, уларнинг оғир иқлим шароитида сарсон бўлиб, пароканда бўлиб кетишларини таъминлаш эди. Фарғона фожиалари сабабларини ўрганиш учун тузилган комиссия ушбу чораларни "янги қурбонлар бўлишига йўл қўймаслик, вақтинчалик ташкил этилган лагерда юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш учун, шунингдек, месхети турклари талабларига мувофиқ"³ кўрилган тадбир деб баҳолади. Марказ месхети туркларини ўз тарихий ватанларига қайтаришга қодир бўлмай қолганлиги сабабли, дарҳол бу халққа юқоридаги шаклда "ёрдам" қўлини чўзган эди.

1987 йил маълумотларига кўра, Россиянинг чекка вилоятларидаги қишлоқларида бўшаб қолган, харобага айланган уй — жойларнинг сони 900 миנגа етган эди⁴. Бундай бўшаб қолган уй — жойлар Псков, Брянск, Орел,

¹ «Совет Ўзбекистони». 1990 йил, 7 июнь.

² «Ҳамма учун жиддий сабоқ». «Совет Ўзбекистони». 1989 йил, 16 июнь.

³ «Наманган ҳақиқати». 1989 йил, 1 август.

⁴ Д. Бобожонова. Ўзбекистонда ижтимоий — иқтисодий муносабатлар. 124 бет.

Смоленск, Ярославль, Киров ва бошқа вилоятларда кўп бўлган. Бу ерларда яшаган аҳоли оғир ижтимоий – иқтисодий аҳволга чидамай, шаҳарларга ва жанубга жумладан, Ўрта Осиё минтақасига кўчиб кетган. Ташландиқ қишлоқлардаги вазиятни тиклаш учун қийинчиликларга бардош берадиган, сабр – тоқатли, ишнинг кўзини биладиган, меҳнатсевар кишилар керак эди. Мустабид тузум сиёсий раҳбарияти ана шундай бўшаб қолган қишлоқларни ишчи кучи билан тўлдириш мақсадида Фарғона вилоятидаги туркларни Россиянинг бўшаб қолган қишлоқларига жойлаштиришга қарор қилди. Шу мақсадда марказдан месхети – туркларини кўчириб кетиш, уларни жойлаштириш учун ташкил этилган комиссия ҳам этиб келди. Месхети туркларни кўчириб кетиш билан боғлиқ маблағлар Фарғона вилояти бюджети ҳисобидан сарфланди¹. 19 июнга келиб месхети – туркларини кўчириб кетиш ишлари бутунлай тамомланди. Аниқланишича, 10 июнгача 2839 киши Белгород шаҳрининг Короча, Новый Оскол, Прохоровка, Красногвардейское, Борисовка районларига, 500 киши Калинин областининг Зубцово, Ржев, Оленино районларига, 1875 киши Орел областининг қишлоқларига кўчирилди. Кўчиб борганларга аввал “ваъда қилинган” тайёр жойларнинг йўқлиги сабабли, улар асосан клубларга, мактабларга, бўш қолган уйларга жойлаштирилди.² 1989 йил июнь ойи охирига келиб, Фарғона вилоятдан Смоленск, Орел, Курск, Белгород, Воронеж областларига 16.282 киши кўчириб келтирилди³. Шундай қилиб, ярим аср давомида бир халқ икки маротаба сарсон – саргардонликка маҳкум этилиб, Ватандан маҳрум этилди. Месхети турклари марказ сиёсий найранглари, заиф ва калтабин ички миллий сиёсатининг навбатдаги қурбонлари қаторига қўшилдилар.

Кўчириб келтирилган месхети туркларининг иқтисодий аҳволи оғир бўлишига қарамасдан, уларга нисбатан СССР Министрлар Советининг 1974 йил 31 майда қабул қилинган, умумий таҳрирдаги “Кўчириб келтирилган аҳолига енгилликлар бериш” ҳақидаги қарори қўлланилди. Унга кўра

¹ Фарғона вилояти, ДА Ф – 1124, рўйхат – 15. йинма жидд – 374, 81 – varaқ.

² “Совет Ўзбекистончи.” 1989 йил, 16 июнь.

³ “Наманган ҳақиқати” 1989 йил, 1 август.

ҳар бир оила бошлиғи, 2000 сўм, қолган оила аъзоларига эса 500 сўмдан пул ажратиб берилди, холос.¹

Фарғонада юз берган фожиаларнинг сабабларини ўрганиш бўйича Ўзбекистон КП МҚнинг 1989 йилда бўлиб ўтган Х1У пленуми қарори билан яна бир махсус комиссия тузилди. Ушбу комиссия ўз фаолияти давомида воқеалар тафсилотини ўрганиб, уни инқирозга юз тутган марказ миллий сиёсати моҳияти билан ҳамжиҳат тарзда баҳолай олмай, "содир бўлган воқеалар маҳаллий партия ва совет органларининг ташкилотчилик сиёсий ишидаги хатолари" оқибати дея ҳисоблади.²

Комиссия ҳулосалари асосида вилоят ижроқўмларига меҳнат коллективларидаги маънавий – сиёсий муҳитни таҳлил этиш, номзодларни юқори лавозимларга кўтаришда улар шу мансабга қай даражада мансуб эканлигини меҳнат коллективларида ошкора муҳокама қилиш, раҳбарларни танлов асосида тайинлаш лозимлиги белгиланди. Аслида бу тадбирларни амалга оширишда мамлакатда кескинлашиб бораётган ижтимоий – сиёсий вазият имкон бермас эди.

Тергов натижалари, тадқиқот таҳлилари Фарғонадаги фожиаларда турли жиноий гуруҳ аъзолари ҳам иштирок этганини маълум қилди. Машғум воқеа кунлари Фарғона шаҳар ва қишлоқларида Россия турмаларида қамоқда ётган жиноятчиларнинг пайдо бўлиши ажабланарли даражада шубҳали бир ҳол бўлган. Воқеалар таҳлили шундан дарак берадики, мазкур жиноятчи шахслар аксарият тўполонларда етакчиликни ўз қўлларига олганлар. Шубҳасиз, бундай ҳоллардан ҳуқуқ – тартибот ва маъмурий органлари учун турли ноқонуний ва сохта «ишлар»ни, яширин қабиҳ йўлларни ўйлаб топиш, «синфий» ва «партиявий» мақсадлар йўлида туҳмат ва бўҳтонлардан тап тортмаслик айни хос хусусият бўлган. Фарғонадаги можаролар тутагандан кейин ҳам республиканинг бир қанча вилоятларида "туб аҳолига мансуб бўлмаган кишиларга нисбатан ур – йиқитлар, зўравонлик хатти – ҳаракатлари бўлиши"³ тўғрисида турли миш – мишлар мунтазам тарқатиб турилди.

¹ Фарғона вилояти ДА Ф – 1124, рўйхат – 15, йиғма жидд – 389, 35 – varaқ.

² "Совет Ўзбекистони." 1989 йил, 2 август.

³ "Миш – мишларга ишонманг." «Совет Ўзбекистони». 1990 йил, 6 февраль.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, совет ҳукуматининг «ленинча» номини олган бирёқлама, инсон ҳақ – ҳуқуқларига қарши бўлмиш сиёсати барча иттифоқ халқлари, жумладан рус халқи манфаатларига ҳам зид бўлган. Президент И.А.Каримов, жумладан, шундай деган эди: "Халқ манфаатларини оёқости қилган мустабид сиёсатни қоралар эканмиз, биз ҳеч қачон бу мудҳиш сиёсат билан рус халқининг хоҳиш – иродаси ўртасига баробарлик белгисини қўймаслигимиз керак. Рус халқи ҳам биз билан баробар тоталитар тузумнинг оқибатини тортди"¹. Тадқиқий таҳлил шундан дарак берадики, Фарғона фожиалари миллатчилик байроғи остида бўлган эди, деган ҳар қандай хулоса тарихий ҳақиқатга мутлақо мос келмайди.

1989 йилдан бошлаб республиканинг И.А.Каримов бошчилигидаги янги раҳбарияти асосий эътиборни ижтимоий – сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга қаратди. Фарғона фожиалари учун бутун «айб»ни ўзбек халқи зиммасига юкламоқчи бўлганларга қарши И.А.Каримов СССР халқ депутатларининг 1У съезди минбаридан туриб, шундай жавоб берган эди; "Қадимий маърифат ва маданият соҳиби, инсонпарварлик ва одамийликнинг буюк анъаналари соҳиби бўлган халқ, уруш йилларида бутун мамлакатдан келган болаларга иссиқ бағрини тутган халқ, сира – сира "миллатчи" ва "айирмачи" бўла олмайди"². Ушбу фикрга тўлиқ қўшилган ҳолда, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Фарғона фожиалари маънавиятида инсонпарварлик, меҳр – мурувват чуқур жой олган ўзбек халқининг миллий руҳияти ва қадриятларига буткул зид бўлган.

Ўзбекистонда ўз она ватанига қайтиш учун бўлиб ўтган миллатларнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш учун бошлаган ҳаракатлари аслида совет давлати мунтазам олиб борган, миллатлар ўртасидаги муносабатларни доимий номутаносиб тарзда юритишга қаратилган шовинистик сиёсатининг оқибати эди.

¹ «Тошкент ҳақиқати». 1191 йил, 2 ноябрь.

² «Тошкент оқшоми». 1990 йил, 20 декабрь.

ХУЛОСА

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган даврдан бошлаб янгича ижтимоий – иқтисодий муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш, миллий давлатчилиқни, унинг сиёсий ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, комил инсонни тарбиялаш борасида тарихий анъаналари ва қадриятларини тиклаш, жаҳондаги ривожланган ва ривожланаётган демократик давлатларнинг тажрибасини ўрганиш, уларни янги давр эҳтиёжлари, республикамиздаги шароитлар, халқимизнинг менталитети билан боғлаб, ижодий ривожлантириш каби тараққиёт йўлини танлаб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатимиз танлаб олган тараққиёт йўлининг моҳияти устида тўхтаб, қуйидаги фикрларни айтган эди: «Жаҳон ва ўзимизнинг тараққиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий – ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республикамизнинг қатъий позициясидир. Бу ўтмиш йилларининг хатолари, давлат тузилишининг шакл ва усуллариغا нисбатан мавжуд шароитларни идрок этиш натижасидир. Бу таркиб топган ижтимоий воқеликка берилган реал баҳодир. Бу Ўзбекистон халқининг ижтимоий тараққиётига, муносиб турмуш шароитига интилишидир»¹.

Мустақилликнинг ўтган қисқа даврида ўзбек халқи озод ва обод Ватанга, келажак истиқболи эркин ва демократик жамиятга ишончи бўлган юртга эга бўлди. Ватанпарварлик ва миллий ғурур кишилар маънавий камолотининг асосий мезонларидан бирига айланди. Мамлакат ривожланишининг ўзбек халқига хос бўлган хусусият, урф – одат, анъаналарни ҳисобга олган ҳолда ўзига хос тараққиёт йўлини танлаши, бой маданияти, бебаҳо маънавияти, эътиқодини эъзозлаш, халқ манфаатлари ва истиқболига қаратилган миллий мафқурани тарғиб этиш Ватан тарихини ҳолисона ўрганиш ва тадқиқ қилишни ҳаётий зарурият қилиб қўйди. Республика Президенти И.А.Каримовнинг мамлакат ва халқ тақдиридаги тарихнинг ўрни ва аҳамиятини, унинг миллат ҳаётида миллий ғурур, ўтмишдан фахрланиш, баркамол авлод таълим – тарбиясидаги ватанпарварлик руҳини сингдиришдаги янгича

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. 10 – бет.

ёндашув зарурияти тўғрисидаги «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» рисоласида таъкидлаганидек; «Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб ўзликни англаш мумкин эмас»¹, деб ёзган.

КПСС ва совет давлатининг 74 йиллик мустабид ҳукмронлиги даврида ўзбек халқига хос қадриятлар поймол этилди, халқ ҳаётига зўравонлик билан сингдирилган «социалистик» деб аталмиш турмуш тарзи миллатлар ва элатларнинг ўзлигидан маҳрум бўла бошлашига, ижтимоий – иқтисодий ҳаётда ноҳақликнинг юзага келишига сабаб бўлди. Иқтисод ва хўжалик ҳаётида вужудга келган, марказдан туриб маъмурий – буйруқбозлик тарзида бошқариш, экстенсив ривожланиш йўлини танлаб олиш усули мамлакатни таназзул ёқасига олиб келди. Миллий ўлка халқлари аслида советлар империясининг ишлаб чиқарувчи кучлар етказиб берувчи ҳамда хом ашё базасига айлантирилди. «Ягона совет халқи» ва шу каби мафкуравий ҳамжиҳатликка ундовчи сохта шиорлар халқ оммаси шуурига қанчалик сингдирилмасин, халқларнинг миллий ўзлигини англашига бўлган табиий интилиши бир зум ҳам тўхтамади. Аксинча, «советча» турмуш тарзини сингдириш учун қилинган босим кучайган сари миллатларнинг ўзини англаб бориши шунчалик кучайди.

Советлар мамлакати бошқарилишининг партиявий, синфий диктагура қонун – қоидаларига асосланган мезонлари, шовинистик муносабат, буюк давлатчилик ғоялари назкур давр миллий сиёсатининг асосий тамойиллари қаторидан жой олди. Шубҳасиз, юқоридаги тамойиллар ўз навбатида, ўсиб келаётган ёш авлоднинг эътиқоди, дунёқараши, ақлий онги шаклланишига маълум даражада таъсир этди. Бу эса, миллийликдан воз кеча бошлаб, «катта оға» деб ном олган халқлар тили, маданияти, тарихига тақлиднинг кучайишига сабаб бўлди. Бундай салбий ҳолатлар миллатнинг маънавий камолотига маълум вақт ғов бўлиб турди. Шунингдек, миллат тарихий тараққиёти даражасининг кўрсаткичи бўлмиш маданий ёдгорликларнинг маълум қисми ҳам мана шу йилларда бузилиб, баъзилари йўқолиб кетди.

¹ Каримов Н.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ, 29 – бет

XX аср 80–йиллари ўрталаридан М.С.Горбачев ташаббуси билан бошланган «қайта қуриш» ва «ошкоралик» сиёсати бутун мамлакатда миллий манфаатларни ҳимоя қилиб чиқишга, ўзликни англашга бўлган ҳаракатларнинг кучайишига, миллий ва диний қадриятларни тиклашга бўлган ҳаракат учун туртки бўлди. Совет давлатининг йиллар давомида «ягона совет халқи»нинг шакланганлиги ҳақидаги сохта ғоялари мана шу йилларга келиб ҳеч қандай негизга эга эмаслиги, СССРда «миллий мансублигидан қатъи назар, синфий манфаатлари ва мақсадларининг умумийлиги билан бирлашган меҳнат аҳлининг буюк қардошлиги вужудга келганлиги» ҳақидаги назария асоссиз эканлиги яққол намоён бўлди. Миллий манфаатлар топталиб, таъқиб ва тазйиққа асосланган муаммо ва таназзул домига тушиб қолган ушбу тузум фалажлик ҳолатидан чиқиш учун яна қатағонлар сиёсатига зўр берди. СССРнинг хомашё заҳира базаси бўлмиш Ўзбекистон ушбу сиёсатнинг тажриба майдонига айлантирилди. «Пахта иши», «ўзбек иши» номини олган, бўҳтондан иборат ишлар натижасида минглаб меҳнаткаш ўзбек халқи вакиллари ноҳақ азобларга мубтало этилди.

Мана шундай мураккаб ижтимоий – сиёсий вазиятда республиканинг И.А.Каримов бошчилигидаги янги раҳбарияти Ўзбекистондаги аҳволни барқарорлаштиришга, қатағонларни тўхтатиб, ўтган воқеликка холис баҳо берган ҳолда ижтимоий адолатни тиклашга, ўзбек халқи манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширди. Хусусан, марказнинг маъмурий – буйруқбозлик бошқарув усули танқид остига олинди, мафкуравий ва маъмурий тазйиқларга чек қўйилиб, миллий ва диний қадриятлар тиклана бошлади, халқлар ўртасидаги тенг ҳамкорлик ва дўстлик, ҳамжиҳатлик ғоялари тараннум этилди. И.А.Каримов бошлаган мустақиллик йўли сиёсати кишилар онги ва дунёқарашида туб ўзгаришларни юзага келтирди. Тарихий ўтмишга муносабат ўзгарди. Айни пайтда ўзбек тилига Давлат мақомининг берилиши ҳам республика янги сиёсий йўлидаги дастлабки дадил ҳаракатлардан бири эди. Шу билан бирга республикада яшовчи барча миллат ва элатлар ҳақ – ҳуқуқлари ва манфаатлари қонуний жиҳатдан ҳимоя остига олинди.

XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда совет тоталитар тузуми келтириб чиқарган оқибатлар республиканинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига салбий тарзда таъсир этди. Бироқ, зафарли ўтмиш, бой тарих, ўтроқ маданий турмуш тарзига эга бўлган, ўз юксак маънавияти ва маданияти билан ажралиб турган ўзбек халқи ҳамиша ўзлигини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат – мафкура. 1 – китоб, –Т.: Ўзбекистон, 1996. 263 – бет.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари.–Т.: Ўзбекистон, 1998. 682 – бет.
3. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.–Т.: Ўзбекистон, 1998. 31 – бет.
4. H. Garterre, D' Encansse. L'empire eclate: La r'evolte'des national en U.R.S.S. –Paris.: Flammarion, 1979. –p 314
5. Yaacov Ro'I, The Impact of the Islamic Fundamentalist Revival of the Zate 1970's on the Soviet View of Islam, "The USSR and the Muslim World". London.: 1984, pp 149 – 177
6. Olcott N.B. Yuri Andropov and "National Question". Soviet Studies, University of Glasgow.:1985, v XXXV11, N1, pp.103 – 117
7. Автарханов А.Империя Кремля: Советский тип колониализма. - Вильнюс.: Акционерная общества Москва. 1990. с 240
8. Аляпов. В.М. 150 языков и политика 1917-1997. Социоллингвистические проблемы в СССР и постсоветском пространстве.- М.: ИВ РАН. 1997. С.191.
9. Арутюнян Ю.В., Дробижева Л.М. Многообразие культурной жизни народов СССР.-М.: Мысль, 1987. С. 303.
10. Ата-Мирзаев О, Гентшке В, Муртазаева Р, Салиев А Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. -Т.: Университет, 2002. С.125.
11. Бобожонова.Д. Ўзбекистонда ижтимоий – иқтисодий муносабатлар (70 – 80 йиллар мисолида). –Т.: Шарқ, 1999. 157 – бет.
12. Бўриева М. Ўзбекистонда оила демографияси. –Т.: Университет, 1997. 171 – бет.
13. Гдяян. Т.Х., Дадошев Е.Ю. Пирамида-I.- М.: АПС. 1990. С. 240.
14. Дмитрук.А.А., Синяков Л.К. Национальные отношения в СССР и идеологическая борьба. –Минск.: 1989. С. 23.
15. Джузеппе Боффа. От СССР к России. История неоконченного кризиса. 1964-1994. -М.: Международные отношения. 1996. С.318.
- 13.Илюхин. В. Қабоҳат ёҳуд... – Т.: Ўзбекистон, 1993. 271 – бет.
14. Калашников В.Л. О религии и национальных отношениях. Вопросы и ответы. -М.: Общество Знание. 1989. С. 44.

15. Карташев. В.А., Языковая политика как фактор совершенствования национальных отношений в СССР. -М.: Общество Знание.1990. С.15.
- 16.Лурье М.И., Студеникин.П,А. Запах горы и горя: Фергана тревожный июнь 1989-го. -М.: книга Б.Г. 1990. С. 108.
17. Мансуров А. Белые пятна истории и перестройка. -Боку.: Язычи. 1990. С.219.
- 18.Максакова. Ф.К. Демографический потенциал Узбекистана. -Т.: Узбекистан, 1991. С.143.
- 19.Межнациональные отношения в СССР сущность, противоречия и пути их разрешения: Духовный потенциал оборонной мощи Советского государства. Глав. полит. управ. Советской Армии и Военного Морского Флота. -М.: Воениздат, 1989. С.80.
- 20.Муртазаева Р.Ҳ. ва б. Ўзбекистон тарихи. (Номутахассис факультетлар учун дарслик) –Т.: Янги аср авлоди, 2003. 673 – бет.
- 21.Национальная политика КПСС: Исторический опыт, противоречия и проблемы перестройки. (Межвузовский сборник научных статей) Чувашский Государственный Университет им. И.Н.Ульянова. -Чебоксары.: ЧГУ, 1990. С.132.
- 22.Союз можно было сохранить. Белая книга: Документы и факты о политике М.С.Горбачева по реформированию и сохранению многонационального государства. (Международный фонд социально-политической исследования) Горбачев фонд. Составители Пучкова.Л.Н., и другие. -М.: Апрель 1989, 1995. С.351.
- 23.Зинин С.И. Язык и закон. (Ответы на некоторые вопросы при обсуждении проекта Закона УзССР о языках). -Т.: Общество Знание, 1989. С.26.
- 24.Хроника жизни национальностей в СССР (1990). РАН центр по изучению межнациональных отношений института этнологии и антропологии им. Г.А. Колсарова. -М.: ИЭА, 1996. С.257.
- 25.Смолянский В.Г. Национальные конфликты в СССР и СНГ (1987-1992) Рос АН Сибирское отделение. Бурятский научный центр. - Улан-Удэ.: 1996. С.187.
- 26.А.В.Шубин. От «застоя» к реформам. СССР в 1917-1985гг. -М.: РОССПЭН. 2001. С.766.
- 27.Р.Г.Пихоя. Советский союз: история власти 1945-1991. Сибирский хронограф. –Новосибирск.: 2000. С.678.

28. На пороге кризиса; нарастание застойных явлений в партии и обществе. -М.: Изд. Полит. литг, 1990. С.447.
29. Хидоятов Г. Национальный вопрос в СССР. -Т.: Узбекистан. 1991. С.303.
30. Ҳуқуқий демократик ислоҳатлар. Т.: Ўзбекистон, 1997
31. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. —Т.: Шарқ, 2000. 587— бет.
32. Қабоҳат салтанати. Т.: Ўзбекистон, 1996. 93— бет

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3-6
1.ҚИСМ. Совет давлати миллий сиёсатининг Ўзбекистондаги кўриниши.....	7-38
2.ҚИСМ. Сиёсий қатағонларнинг янги босқичида маҳаллий кадрларга бўлган муносабат ва «пахта иши» уйдирмалари	38 – 72
3.ҚИСМ. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатдаги вазият	73 – 108
Хулоса	109-112
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	113 – 115

Босишга рухсат этилди 29.07.2005. Ҳажми 7,75 босма табок.

Бичими 60×84 1/16. Адади 500 нусха. Бунортма 527.

М. Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

босмахонасида чоп этилди.

